

Жеймс Чейз

# ГОНКОНГДАН КЕЛГАН ТОБУТ



ХАЛКАР  
БЕСТСЕЛЛЕР

МИЛЛИОНЛАР СЕВИБ ЎҚИГАН КИТОБ

N 32849	2020/114 A 52
29.	
Vier, Meijer	
Dienstag 29.11.2020	
2020-114 T	
2020 - 2020	

2020/114-A52



Жеймс Чейз

# ГОНЖОНГДАЖ КЕЛГАН ТОБУТ



МИЛЛИОНЛАР СЕВИБ ЎҚИГАН КИТОБ



«YANGI KITOB»

TOSHKENT

2020

УУК: 821.111-3

КБК: 84 (4Ббр)

Ч 34

Ч 34 Чейз, Жеймс.

Гонконгдан келган тобут [Матн]: асар / Ж.Чейз. – Тошкент: Yangi kitob, 2020. – 208 б.

ISBN 978-9943-6329-6-7

УУК: 821.111-3

КБК: 84 (4Ббр)

Дунё миқёсида машҳур ҳисобланган ушбу асар ўткир сюжетга, турфа саргузаштларга бойлиги билан ўзига хосдир. Үнда тиниб-тинчимас изқувар Нельсон Райаннинг сирли қотиллик тафсилоти билан боғлиқ воқеаларга ўралашиб қолиши, бунинг натижасида кутилмаган даҳмазаларга дучор булиши, Гонконгдек улкан шаҳарда суриштирув олиб бориши, разил ва манфур кимсаларга қарши кураши акс этади. Райан ҳақиқатнинг тубига етиш учун ўз ҳаётини хатарга қўяди, бир неча бор ўлимга чап беради.

Хуш, моҳир изқувар ниятига етадими? Гонконгдан келган тобут тилсими очилармикан?

Китоб детектив ишқибозларига, кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.


Таржимон:  
Фатхулла Намозов

ISBN 978-9943-6329-6-7

© Жеймс Чейз.

Гонконгдан келган тобут.

© «Yangi kitob» МЧЖ, 2020



N1

32849  
291

## БИРИНЧИ БҮЛİM

Мен идора эшигини ташқаридан беркитмоқчи эдим ҳамки, телефон жиринглаб қолди. Узундан-узоқ чүзилген зерикарли кун менга бир цент ҳам фойда келтирганийтүк. Кун бўйи хузуримга ташриф буюришмади. Мен келган хат-хабарларга қиё боқмай, бир четга суреб қўйдим. Мана, ниҳоят биринчи қўнғироқ: соат еттидан ўн дақиқа ўтган эди. Мен гўшакни кўтардим. Овозимга ишчанлик ва серғайратлик ҳисларини қўшиб дедим:

– Нельсон Райан эшитади.

Гўшакдан ҳавога кўтарилаётган самолёт овозини эшитдим. Бу шовқин қулоғимни бир лаҳза батанг қилиб қўйди, кейин аста-секин тинди.

– Жаноб Райанми? – паст ва узуқ-юлуқ овозда сўради эркак киши.

– Худди шундай.

– Сиз хусусий изқувармисиз?

– Ҳа.

Кейин яна жимлик чўкди. Мен гўшакнинг нариги томонидаги кишининг оғир, тўхтаб-тўхтаб нафас олганини эшитдим, назаримда, у ҳам менинг нафас олишимга қулоқ тутарди. Ниҳоят у шундай деди:

– Менинг ихтиёримда бир неча дақиқа бор, холос. Аэропортдан гапирияпман. Сиз менинг бир топширигимни бажаришингиз керак.

– Марҳамат қилиб фамилиянгиз ва манзилингизни айтсангиз, – дедим мен ёзиб олиш учун ён дафтарчани тайёрлаб.

– Жон Ҳардвик, Кеннот хиёбони, 33.

– Менга қандай иш топширмоқчи эдингиз?

– Хотинимнинг ортидан кузатишингизни истардим.

Навбатдаги самолёт учди. Реактив двигателлар товуши сухбатдошимнинг кейинги гапларини бутунлай босиб кетди.

– Кечирасиз, жаноб Ҳардвик, нима деганингизни тушунолмай қолдим.

У шоша-пиша такрорлади:

– Мен иш билан Нью-Йоркка тез-тез боришимга тұғри келади. Кейинги пайтларда, гумонимча, мен уйда бүлмаганимда, хотиним үзини бошқача тутяпти. Шунинг учун унинг хатти-харакатларини кузатиб боринг, деяпман. Мен индинга, жума куни сафардан қайтаман. Йүқлигимда, у нима билан машғул бўлади, ана шуни билб олишим керак. Хизмат ҳаққингиз қанча бўлади?

Мен ўйланиб қолдим: бундай ишларни ёқтирамайман, аммо ҳозир қиладиган юмуш йўқ, бекор ўтирган эдим.

– Сиз үзингиз нима иш қиласиз, жаноб Ҳардвик?

– Гeron корпорациясида пластмасса ишлаб чиқариш билан шуғулланаман.

Ушбу корпорация Тинч океани қирғоқларидаги энг иирик корхоналардан бири бўлиб, Пасадена-сити аҳолисининг фаровон ҳаёти асосан унга боғлиқ эди.

– Бошқа харажатларни ҳисобга олмаганды, бу сизга бир кунда эллик доллардан тушади, – дедим мен одатдаги гонорарни жўрттага беш баробарга ошириб.

– Жуда соз, мен ҳозир сизга уч юз доллар юбораман. Сиз хотиним қаерга бормасин, уни кузатиб юришингиз керак. Борди-ю, уйда қолгудек бўлса, сизнинг вазифангиз – унинг олдига ким келишини аниқлашдан иборат. Хўш, қўлингиздан келадими?

Мен уч юз долларга бундан оғир ишларни бажарғанман, шу боис тайёр эканлигимни билдиридим.

– Ҳаммаси сиз айтганингиздек бўлади, жаноб Ҳардвик, аммо ҳузуримга бир келиб кетсангиз яхши бўларди. Мен мижозларимни юзларидан танишни афзал кўраман.

– Жаноб Райан, сизни тушуниб турибман, аммо гап шундаки, мен ҳозиргина, сафар олдидан шу қарорга келдим, бироқ жума куни сиз билан албатта учрашман. Унгача, мен йўқлигимда хотиним сизнинг кузатувингизда бўлишига ишонсам бўладими?

– Бунга шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас, – дедим мен ва жим қолдим, чунки навбатдаги самолётнинг овози тинишини кутиб қолган эдим. – Жаноб Ҳардвик, рафиқангизнинг ташқи қиёфасини айтиб бера оласизми?

– Ҳозир жудаям шошиб турибман, хотинимни эса мен кўрсатган манзилдан топасиз. Кечирасиз, мени чақиришяпти. Жумагача хайр.

Гўшақдан қисқа-қисқа гудок овози эшитилди. Мен гўшакни қўйиб, шошилмасдан сигарета чекдим. Мана, беш йилдирки, хусусий изқуварлик билан шуғулланаман, бу вақт ичida менга турли-туман одамлар дуч келишди, улар орасида ажабтурлари ҳам анчагина. Жон Ҳардвик ҳам ана шундай, кўнглига келган бемаънигарчиликни қиласиган одам бўлиши мумкин, аммо ички сезгим мени алдамайди: у ҳақиқатан ҳам оғир аҳволга тушган одамдай гапирди. Эҳтимол, хотининг хиёнатини анча вақтдан бери пайқаб юргандир, шу боис сафарга кетиши олдидан буни текшириб кўрмоқчи бўлгандир. Бундай вазиятда таъсирчан эркак зудлик билан ишга киришишга мойил бўлади. Аммо,

қандай бұлмасин, бу иш менга унчалик маъқул ҳам тушмади: үзини бу тарзда панага оладиган мижозларни ёқтирмайман.

Мен мижоздан олинган маълумотлар ҳақида фикрлаб ўтирар эканман, ташқарида қадам товушлари эши-тилди. Эшик тақиллади ва хат ташувчи кирди. У баланд бўйли, юзига сепкил тошган йигит бўлиб, ҳаётдан мамнунлиги қўриниб туради. Стол устига қалингина пакетни қўяр экан, китобига имзо қўйишимни сўради. Мен имзо чекаётганимда у ночоргина идорамга кўз югуртириб чиқди. Намлик туфайли пайдо бўлган доғдуғ ҳам, чанг босган китоб токчаси ҳам, эски шалоқ ёзув столи-ю, яланғоч қиз акс этган девордаги тақвим ҳам йигитчанинг назаридан четда қолмади.

У чиқиб кетгач, мен хатжилдни очдим. Унда ўттизта ўн долларлик қофоз пул, шу билан бирга: «Жон Ҳардвикдан. Пасадена-сити, Кеннот хиёбони, 33», деб ёзилган ташриф қофози бор эди.

Ҳардвик менга пулни шунчалик тез фурсатда етказгани ажабланарли эди. Аввалига нега бундай бўлганини англай олмадим, кейин у қўшни уйдаги тезкор хизмат кўрсатувчи агентликдан фойдаланган бўлса керак, деган қарорга келдим. Шундан сўнг кутидан телефон рақамлари рўйхатини олиб, Ҳардвикни излашга киришдим. Жон Ҳардвик номи рўйхатда йўқ эди. Мен манзиллар столига қўнғироқ қилдим. Улар эса, Кеннот хиёбонидаги 33-йда Жон Ҳардвик эмас, кичик Жек С.Майерс яшаши ҳақида айтишди.

Бу маълумот чукур фикр юритишни талаб қиласди. Кеннот хиёбони шаҳар марказидан уч мил нарида бўлиб, Пальма тоғи томон элтувучи катта йўл ёқасида жойлашган. У ердан бизга келиб дам оловчилар қиска

муддатда уйларни ижарага олишади. Қандайdir маънода бу тахмин эр хотин Ҳардвикларга ҳам алоқадор эди. Эҳтимол, у ўзига уй бино этгунга қадар Ж.Майерснинг уйида тургандир. Мен Кеннот хиёбонида бор-йўғи бир марта бўлганман, бунга ҳам анча бўлди. Мазкур худуд урушдан кейин қад кўтарган, кўплаб уйлар тош пойdevor устида ёғочлардан қурилган эди. Кеннот хиёбонининг энг катта афзаллиги тоғ томондаги чиройли манзараси ҳамда ғала-ғовурдан холи ва хилватлигига эди.

Мен Ҳардвикнинг топшириғи ҳақида қанчалик кўп мулоҳаза юритсан, у менга шунчалик маъқул тушмасди. Ҳатто, кузатишim керак бўлган аёлнинг ташки қиёфаси тўғрисида ҳам ҳеч қандай маълумотга эга эмасман. Мижозни кўрмасдан туриб, ишни бошлаш одатим йўқ, аммо мен пулни олдим, шунинг учун энди мажбуриятимни амалга оширишим кераклигини ҳис этдим.

Мен идорани беркитиб, йулак бўйлаб лифт томонга юрдим. Қўшним Жек Уэйд, касби бўйича кимёгар бўлиб, ҳалиям ишлаб ўтиради. Унинг эшигига яқинлашар эканман, котибасига ниманидир айтиб ёздираётганини эшийтдим.

Бинодан чикқач, кўчани кесиб ўтдим-у, барга кирдим, одатда у ерда мен тушлик килардим. Бармен Сперроудан дудланган чўчқа гўштидан тайёрланган сэндвич ҳамда товуқ гўшти келтиришини сўрадим. Сперроу новча, тўла, соchlари ҳурпайган киши бўлиб, мени ўзига яқин оларди. Вақт-вақти билан мен унга ўзимнинг саргузаштларим билан боғлиқ ўйлаб топилган воқеалар ҳақида айтиб бериб, димоғини чоғ қилардим. Бу сафар ҳам Сперроу қизиқсиниб сўради:

– Бугун ишдамисиз, жаноб Райан?

– Ҳа, – деб жавоб бердим мен, – бугун мен бир ми-жозимнинг хотинини кузатаман, у кулфатга йўлиқмас-лиги учун кўз-кулоқ бўлиб турман.

Сперроуning ҳайратдан кўзлари чақчайганча оғзи-ни очиб қаради:

– Ростданми? Қанақа аёл?

– Сен Элизабет Тейлорни биласанми?

У нафас ютиб, бош иргади.

– Мерилин Монрони-чи?

– Бўлмасам-чи, албатта!

– Хуллас, бу аёл ўшаларга ўхшайди!

Сперроу бироз гарангсиб турди, кўзларини пир-пиратди, сўнг майна қилаётганимни тушуниб, кулиб юборди:

– Доим бировларнинг ишига суқиламан-а?

– Тезроқ бўлсанг-чи, Сперроу, мен ишлашим керак.

У сэндвични қофозхалта устига қўйди ва менга узатди.

– Сизга нима учун тўлашган бўлса, шуни бажаринг, жаноб Райан!

Мен машинага ўтириб, Кеннот хиёбони томон шош-масдан йўлга тушганимда, соат чорак кам етти эди. Машина тоғ йўлида кўтарилиб борар, ботаётган сен-тябрь қуёши тоғ ўнгирларини ёритарди.

Кеннот хиёбонидаги уйларни яшил ўсимликлардан ҳосил бўлган ихота ҳамда гуллаган чакалаклар уюми катта йўлдан ажратиб турарди. Мен аста-секин 33-уй яқинига келдим. Унинг биқинида автомобиллар тұх-таш жойи борлигига кўзим тушди, у ердан денгизга қараган ажойиб манзара намоён эди. Мен машинани 33-уйнинг дарвозаси яхши кўринадиган жойга қўйдим. Кейин орқа ўриндиққа жойлашиб олдим. Энди фақат

кутишим қолди, холос. Мен бу машғулотни яхшигина ўзлаштирганман, акс ҳолда хусусий изқуварлик касбىнинг менга сира қиммати бўлмасди.

Шу вақт ичиди бир нечта машина ўтиб кетди. Уларда, асосан, ишдан қайтаётган эркаклар ўтиришарди. Ён-веримдан ўта туриб, менга қараб қўйишар эди. Мен ўзимни севган қизини кутаётган ошиқдай тутишга ҳаракат қиласдим. Шундан сўнг машинам ёнидан енгил шим ва свитер кийган қиз ўтди. Ёнида калта иштон кийдирилган пудель югуриб бораркан, унинг ҳидламаган бирорта дарахти қолмади. Қиз менга дикқат билан қаради-ю, қоронғи зулмат ичиди ғойиб бўлди. Мен кўздан йўқолганига афсуслангандай уни нигоҳим билан кузатиб қолдим.

Оқшом соат тўққизда янада қоронғилик чўккан эди. Мен қофозхалтани олиб сэндвични пақкос туширдим, шиша идишдан бир неча қултум сув ичдим, уларни керак бўлиб қолади, деб доимо машинамда сақлар эдим. Кечки тановулдан сўнг узоқ, одамни толиктириб юборадиган кутиш онлари бошланди. 33-уй дарвозаси мутлақо очилмас, у қоронғиликда зўрға кўринар эди. Бу зулмат ишни бошлаш учун етарли даражада эди.

Мен эҳтиёткорлик билан машинадан тушиб, чоратрофга қараганча кўчани кесиб ўтдим. Дарвоза очиқ экан, мен ихчам, яхши парвариш қилинган боғчага назар ташладим. Шундан сўнг икки ёни гулзор йўлакдан ўтиб, уйга кирдим. Бутун уй қоронғилик қаърига чўмган эди, ҳар эҳтимолга қарши, мен унинг ҳамма томонини айланиб ўтдим. Қоронғи деразаларнинг бирортасида ҳам йилт этган ёруғлик кўринмас, уйда ҳеч ким йўқ эди.

Машинага қайтишдан бошқа чорам қолмади. Кайфиятим тушган эди. Шубҳасиз, Ҳардвик аэроромга жўнагани ҳамон хотини ҳам уйдан чиқиб кетган. Энди машинада ўтириб, унинг ярим кечада уйга қайтишдан умидвор бўлиб кутишим керак. Мен ишимни ташлаб кетишга одатланмаганман, уч юз долларга муносиб тарзда ишлашим керак, буни виждоним буюрмоқда. Яна узок ва тинкани қуритадиган кутиш онлари бошланди.

Кўзларимга келган уйқуни қувиш билан банд бўлиб, барибир, тунги соат учларда ухлаб қолибман. Мени қуёшнинг эрталабки нурлари уйғотиб юборди, офтоб шуъласи машинамнинг олд ойнасидан сингиб кирган эди. Белим оғрир, ноқулай ухлаганимдан бўйним қотиб қолганди. Уч соат ухлаганим учун ўзимни айбдор ҳисоблардим. Йўлнинг юқори томонида юк машинаси кўринди, у сут тарқатиб юрап эди. Ҳайдовчи ҳар бир уй олдида тўхтар, машина қанотидаги сут солинган шишаларни олиб кираради. У 33-уйни қолдириб, 35-уйга кириб кетди. Кейин бўшаган сумкани қўлида тутганча қўчада пайдо бўлганида, унга яқин бордим. Бу ҳайдовчининг ёши ўтинқираган, юзи серажин бўлиб, менга савол назари билан қаради.

– Сиз 33-уйни қолдириб кетдингиз-ку! – дедим мен.

– Улар жўнаб кетишган, – жавоб берди у. – Сизнинг нима ишингиз бор?

Мен бу каби нусхалар билан очиқласига гаплашмаса бўлмаслигини тушундим – у шартта полиция чақириши ҳеч гап эмас. Қарияга ўзимнинг гувоҳномамни кўрсатдим. У диққат билан ўқиб, хуштак чалиб юборди-ю, қайтариб берди.

– Сиз 33-уйга хизмат кўрсатмайсиз, шекилли?

– Нега, хизмат күрсатаман, аммо улар бир ойга жұнаб кетишиган.

– Кім улар?

– Майерслар оиласи.

– Менга бу ерда ҳозир Ҳардвиклар яшаётгандай туюлди.

Сутчи сумкасини ерга қўйди ва шляпасини елкасига томон суриб қўйди.

– Ҳозир бу ерда ҳеч ким яшамайди, акс ҳолда мен бу ҳақда билган бўлардим. Одамларга сут керак, бу ерга уни фақат мен олиб келаман, холос. 33-уйга эса ҳозир хизмат күрсатмайман, чунки улар бир ойга жұнаб кетишиган.

– Тушунарли, – дедим, гарчи ҳеч нимани англамаган бўлсан ҳам. – Улар уйни кимгадир ижарага беришганми кан, нима деб ўйлайсиз?

– Мен саккиз йилдан буён жаноб Майерснинг оиласига сут ташиман. У ҳеч қачон уйини бирорвга бермаган ва ҳар йили шу вақтда дам олишга жұнаб кетади.

Сутчи сумкасини кўтарди, бу билан, ишлашим керак, дегандай бўлди.

– Сиз шу ўртада яшайдиган қандайдир Жон Ҳардвикни танимайсизми? – деб сўрадим ҳар эҳтимолга карши.

– Бундай киши йўқ, – жавоб берди у. – Мен бу ерда яшайдиганларнинг ҳаммасини биламан.

Шу сўзларни айтиб, у машинасига ўтириди, менга хайрлашиб қўйгандай бўлди-ю, 37-уйга қараб йўл олди.

Менинг калламга келгани – манзилни адаштирма-димми, деган фикр бўлди. Аммо яхши биламанки, бундай эмас: менинг хотирам ўткир, қолаверса, Ҳардвик манзилни ташриф қоғозига ёзиб берган! Ҳа, шундай,

аммо нима сабабдан кимсасиз уйга тунги навбатчилик қилишим учун менга уч юз доллар тұлашди? Ёки сутчи адашдимикан? Барыбир бу уйда яшасалар керак?

Мен яна 33-үйга қайтиб келдім ва дарвозани очдым. Илк никоҳ ташлашимдан билиндики, бу уйда одам яшамайди. Деразаларга тахталар қоқиб ташланған булиб, мен қоронғилик қаърида ҳеч нимани құра олмадым. Уй ташландық ахволға келиб қолған. Бутун вужудимни қандайдыр ёқимсиз хиссиёт эгаллади: бу сирли Ҳард-вик мени шу тунда йүлдан олиб ташламоқчи бұлдимикан? Нима учун? Акли расо бир одам мендан үн икки соатта кутулиш учун уч юз доллар юборганига ақлим бовар құлмасди. Ўзимни унчалик катта шахс деб билмасам-да, аммо бу фикр менга сира тинчлик бермасди.

Уйга кириб, душ қабул қилиш ва соқол қирдиришдан воз кечиб, идорага боришга ошиқдым. Тезда машинаға үтирдим-у, ортимга – шаҳарға қараб шитоб билан кетдім.

Күчада қатнов кам. Шу боис мен соат еттида аллақачон иш жойимда әдім.

Вестибюлға кирдім. Дарбон ҳар доимгидек димоғида минғирлаб, полни супуриш билан овора әди. У менга ижирғаниб қаради-ю, юзини үгирди. Бу одам ҳаммани, шу жумладан, үзини ҳам құролмайды.

Мен түртінчи қаватта күтарилиб, йүлак бүйлаб үзимга таниш әшик сари тез-тез қадам ташладым: унда кора ҳарфлар билан «Нельсон Райан, хусусий из-қувар» деб ёзиб қўйилған әди. Калитни олдим-у, аммо негадир кулғға солмай, ноаниц өзінің майл билан әшик дастасига күл чўзиб, уни бурадым. Эшик енгилгина очилди, ваҳоланки мен уни кеча кечкурун маҳкам бер-китган әдім.

Унча катта бўлмаган биринчи хонага назар ташладим, стол устида эски, қатланган журналлар қалашиб ётар, тўртта шалоқ стул хонани банд қилиб турарди. Хонамга олиб борувчи ички эшикнинг очик тургани маълум бўлди. Кечқурун, идорадан чиқишдан аввал, уни худди ташқи эшикни ёпганим каби зичлаб беркитган эдим. Мени шу заҳоти таҳликали бир туйғу қамраб олди-ю, тез-тез қадам ташлаб, хонамнинг эшигини ланг очдим.

Мижозлар учун қўйилган оромкурсида юзини менга қаратган қўйи чиройли хитойлик жувон ўтирад, қўллари тиззалари устига қўйилган эди. Кўксининг чап томонидаги унча катта бўлмаган доғга қараб, унга мөхирона ўқ узишган, деб фараз қилиш мумкин эди. Бу шунчалик тез рўй берганки, назаримда, жувон, ҳатто эсанкираб қолишга ҳам улгурмай қолган. Мен ўлдирилган аёлнинг юзига эҳтиёт бўлиб қўл теккиздим: афтидан, у бир неча соат бурун жон берган эди. Кейин телефонга яқинлашдим ва полицияга қўнғироқ қилдим.

Полиция келгунга қадар мен бу ўлик мижозимни яхшилаб кўздан кечиришга ҳаракат қилдим. У йигирма уч-йигирма турт ёшларда; кийим-кечакдан асло қисилмаган эди: эгнида қимматбаҳо кўйлак, нозикнейлон пайпок ва янги урфдаги туфли. Сумкаси йўқлиги боис бу жувоннинг шахсини аниқлай олмадим. Уни қотил олган бўлса керак. Ҳар ҳолда, шу қадар башанг кийинган аёл кўчага сумкасиз чиқмаган бўларди.

Мен мурдани ҳар томонлама кўздан кечириб чиққанимдан сўнг қўшни хонага ўтдим-у, полицияни кута бошладим. Улар хонамга худди арилар асалга ёпирилган каби учиб келишди. Энг охирида изқувар-лейтенант Том Ретник ташриф буюрди. Мен у билан кейинги

түрт йил ичида яхшилаб танишиб олган эдим. Ретник ўрта бўйли, савлат тўкиб юришни яхши кўрадиган, кичик юзли одам эди. У мэрнинг синглисига уйлангани важидан бахти ёрлақаб, полиция мансабида ўтиради. Полиция ходими сифатида эса Ретник халтага солинган ямоқдай гап. У сержантлар сафидан лейтенант мақомига кўтарилиганида, бахтини қарангки, Пасадена-ситида бирорта жиддий жиноят рўй бермаган эди. Хозирги жиноят эса Ретник тергов қиласиган биринчи қотиллик эди. У ўз қуролбардори сержант Палски ҳамроҳлигига хонага юргилаб кирди. Бу ёрдамчисининг, гарчи болалар кроссвордини ечишга қурби етмаса-да, ўзини тутиши етарли даражада эди.

Қип-қизил ёғли юз, ғазабдан чақнаган кўзлар – сержант Палски қиёфаси ана шундан иборат. Мияси бошлигиникидан кичик бўлса-да, у бу камчиликни мушти билан тўлдирав, шу боис бирорта жағни учратишни мўлжаллаб турарди.

Улар хонага киргач, менга қиё ҳам боқмай, аёлнинг мурдасига узоқ тикилиб туришди. Шундан сўнг Палски воқеа жойини кўздан кечира бошлади, Ретник эса ёнимга келди. Унинг кўриниши яхши эмас эди.

– Хўш, изқувар, айт-чи, нима бўлди? – деди Палски стулга ўтира туриб, ялтироқ пойафзалларини қимирлатганча. – У сенинг мижозинг эдими?

Ретник сигаретани чайнар, менга шубҳали тарзда қараб турарди:

– Сен идорангни ҳар доим шундай барвақт очсанми?

Мен бирор тафсилотни қолдирмай, ҳаммасини бошидан-охиригача айтиб бердим. Палски хонадан чиқди ва эшикни қия қолдириб у ҳам эшита бошлади.

– Уйда ҳеч ким йўқлигини билганимдан кейин, бу ёққа келавердим, – деб гапимни тугатдим мен.

– Унинг сумкаси қаерда? – сўради Ретник.

– Билмадим. Қотил ўзи билан олиб кетган бўлиши ҳам мумкин.

Ретник ўйланиб, иягини қашиди, оғзидан сигарани чиқарди, менга бироз қараб турди-ю, сўнgra уни яна оғзига солди.

– Сумкада нима бор эди? Сен уни нима учун ўлдирдинг?

Мен Ретниқдан бошқа гапни кутмасдим ҳам. Полицияни чақирап эканман, биринчи гумондор одам ўзим бўлишимга аллақачон ишонган эдим.

– Агар борди-ю, бу хитойлик қизда Кўхинур олмоси бўлганида ҳам мен уни бу ерда ўлдирмасдим, – тишимни тишимга қўйиб жавоб бердим мен. – Мантиқан қараганда, у қаерда яшаса, ўша ерда ўлдиришади, изидан бориб.

– Ундей бўлса, у бу ерда нима қилган, умуман, қандай келиб қолди?

– Ўйлашимча, бу аёлнинг менда иши бўлган. Ўзини Жон Хардвик деб атаган йигит бизнинг учрашишимни истамаган. Нима учунлигини билмайман, мен фақат фараз қиляпман, холос. Хардвик мени буш уйни қўриқлашга юборган-у, шундан фойдаланиб, мен йўқлигимда бу ерда аёлни қабул қилмоқчи бўлган. У аёлни шу ерда кутган: идора эшикларидағи қулфлар оддий, уларни очиш қийин эмас. Шубҳасиз, аёл кирганида, йигит менинг столимда ўтирган. Аёл уни менинг ўрнимда кўрган ва ўзининг бошидан кечирганларини бемалол гапириб берган, шунда йигит унга тўсатдан ўқ узган. Аёл, ҳатто саросимага тушишга ҳам улгурмай қолган.

Ретник Палскига қаради:

– Бу изқуварга индамасак, бизнинг ҳамма ишимизни тортиб олмоқчи.

Палски индамади ва гиламга тупурди. Гап-сўзлар очиқдан-очиқ унга алоқадор эмас эди гўё: у профессионал тингловчи ролини бажараётгандай эди. Ретник эса ўй сура бошлади, афтидан, фикрлаш жараёни унинг ғам-аламига сабаб бўлди.

Ниҳоят, у шундай деди:

– Кўряпманки, донишманд, сенинг тахминларингда нимадир сира мос келмаяпти! Ҳардвик аэропортда туриб, телефонда гаплашган, аэропорт эса бу ердан икки миль узоқда. Агар сен алдамаётган бўлсанг, бу ердан соат олтидан кейин кетгансан, у эса транспорт ҳаракати жуда тифиз бўлгани учун соат етти яримгача бу ерга келолмасди. Ҳар қандай киши, хатто сариқ танли одам ҳам шуни яхши билиши керакки, бу энди иш вақти эмас. Аёл аввал идорага қўнғироқ қилиб кўрар эди, шундан шунга тусмоллаб келмасди.

– Сиз қаердан биласиз, балки у қўнғироқ қилгандир? Шак-шубҳа йўқки, аёл қўнғироқ қилганида Ҳардвик жавоб берган ва унинг келишини тайинлаган.

Ретникнинг юзига қарайман-у, унинг мен айтган фаразлар ҳақида бош қотираётганига амин бўламан. Эшикда замбил кўтарган икки санитар ва врач кўринди. Уларни кўриб сержант Палски норози бўлганнамо эшикдан четланди ва хонага кириб келди. Ретник эса бўйинбоғидаги марварид қадалган тўғнағични тузатди.

– Унинг изига тушиш қийин бўлмайди, – деди у гўё ўз-ўзи билан гаплашгандай. – Хитойлик аёл жуда чиройли, башанг кийинган, бундайлар беихтиёр дик-қатни ўзига тортиши турган гап. Хўш, шундай қилиб,

Хардвик сен билан қачон учрашишга ваъда қилди?

- Эртадан кейин, жума куни.
- Уни келади, деб ўйлайсанми?
- Шак-шубҳасиз.

У эснаб, соатига қаради:

– Қулоқ сол, сен жуда ғариб кўриняпсан! Балки бир чашка қаҳва ичганинг яхшидир? Шу атрофда, албатта. Бошқаларга эса бу ҳақда вайсаб юрганинг маъқул! Мен сен билан ярим соатдан кейин гаплашиб оламан.

Ўз-ўзидан маълумки, Ретникнинг ғамхўрлиги мени асло алдамаяпти: у гувоҳни маълум вакт ҳайдаб юборишини хоҳляяпти.

– Қаҳвани-ку, ичарман, – дедим мен, – балки уйга бориб душ қабул қилиб, кийиниб келарман?


– Нима қилсанг, ихтиёринг, – жавоб берди Ретник. – Мен сенга, шу яқин атрофда қаҳва ичгин, деб айтдим!

Мен лифт орқали пастга тушдим. Гарчи йигирмата кам саккиз бўлса-да, подъезд олдида бир гурух одам тўпланган, улар тўрт полициячи ва санитар машинасидан қизиқиб, бу ердан кўз узмас эдилар. Барга кираверишда орқамдан оғир қадам товушларини эшитдим ва энди менга шуниси аён эдики, қаҳвани полициячининг кучли назорати остида ичишимга тўғри келади. Мен барга кириб, курсига жойлашиб олдим. Сперроу кўзини зўрға деразадан узиб, кўчадаги воқеаларни кузатишдан тийилди ва ниманидир сўрамоқчидай менга тикилди.

– Сизга нима тайёрлаб берай, жаноб Райан?

– Қаҳва, аччиқроқ ва иссиқроқ бўлсин, кейин қўймоқ билан дудланган чўчқа гўшти келтирсанг.

Мени изимдан кузатиб келган полициячи барга кирмади, эшик ортида турди. Чидай олмасдан типир-



чилаң қолган Сперроу менән қаҳва қуйиб берди ва қиймоқ тайёрлашга киришди.

– Жаноб Райан, бирор киши ўлдими? – деб сүради у тухумни синдириб, қизиб турған товага солар экан.

– Сен кечә барни соат нечада ёпган эдинг? – дея мурожаат қилдим мен саволга савол билан эшик ёнида турғанларга күз қиримни ташлаб.

– Соат ўнда, – жавоб берди Сперроу, – у ерда нималар бўляпти?

– Хитойлик аёл ўлдирилган, – мен қаҳвани ичдим. – Уни ярим соат олдин идорамдан топдим.

Сперроу тоқатсизликдан типирчилаб қолди:

– Ростми шу?

– Рост ҳам гапми? – дедим мен қаҳвани симирар эканман. – Яна бир чашка бергин!

– Хитойлик аёл дейсизми?

– Ҳа, менән бошқа савол берма! Сен қанчалик билсанг, мен ҳам бу воқеани шунча биламан! Мен кеттандан кейин хитойлик аёлга кўзинг тушмадими?

– Йўқ, – бош чайқади у ва менән яна қаҳва қуиди.

– Агар у соат ўнгача ўтган бўлса, мен уни пайқаган бўлардим, чунки кечә ишим кам эди.

Аъзои баданимни аста-секин совуқ тер босиб кела бошлади. Менинг соат саккизга қадар айбимни енгиллаштирадиган асос бор эди, чунки машинам ёнидан ит етаклаган қиз ўтган. Ҳисоб-китобимга кўра, айнан ана шу вақтда хитойлик аёл идорага кирган. Кечанинг қолган қисми учун менинг сўзларимга ишонса бўлади, бу пайтда мен Майерснинг бўм-бўш уйи атрофида тентираган эдим.

– Мен кеттандан кейин бирорта бегона кишини пайқамадингми?

– Менимча, йүқ. Изқувар, одатим бүйича, эшикни соат ўнда беркитди, – Сперроу олдимга қўймоқ қўйди.  
– Уни ким ўлдирган?

– Билмайман...

Менинг иштаҳам бўғилган эди. Ишим пачава бўлаётганди. Мен Ретникни сал-пал биламан: бу йигит салла деса, каллани оладиганлар тоифасидан. Бу тирранчани ишонтира оладиган темир асослар керак, акс ҳолда лаънати Ретник мени ҳол-жонимга қўймайди.

– Сен унга бир қараб қўя олмайсанми?

– Балки кўрарман. Мен ҳамма вакт деразага қараб ўтирганим йўқ!

Икки эркак кириб, нонушта буюришди. Улар Сперроудан нима ҳодиса рўй берганини сўрашди. Бармен мен томонга кўз қирини ташлаб, ҳеч нимани билмаслигини айтди. Келганлардан бири – бақалоқ, куртка кийган Марлон Брандо эди:

– Кимнидир уриб кетишибдими, «тез ёрдам» турибди?

Мен ликопчани кавладим ва уни четга суриб қўйдим: томогимдан мутлақо ўтмади. Қаҳвани охиригача ичиб, курсидан турдим. Сперроу ранжиган қиёфада менга қаради:

– Қўймоқ ёқмади-я сизга, жаноб Райан?

– Йўқ, мен кучимни ҳисобга олмаган эканман! Ёзиб қўй.

Мен кўчага чиқдим ва оптимдан кузатиб юрган нусха дархол олдимга келди.

– Сиз қаерга бормоқчисиз?

– Идорамга, – деб жавоб бердим, – нима гап ўзи?

– Ҳозирча машинамизга ўтириб туринг, лейтенант Ретник сизни кўрмоқчи бўлса, хабар қиласман.

Мен жимгина итоат қилиб, полиция машинасининг орқа ўриндиқларидан бирига ўтирдим. Ўша заҳоти «тез ёрдам» атрофида турганлар дикқати бирдан менга қаратилди. Мен эса сигарета тутатиб, уларга эътибор бермасликка ҳаракат қилдим. Аҳволим ҳақида қанча ўйласам, у шунчалик ўзимга ёқмас эди. Назаримда, қопқонга тушиб қолгандайман!

Бир соатдан сўнг санитарлар замбилни олиб ўтишди. Оломон қайнайди. Санитарлар замбилни машинага суриб киритишиди. Уларнинг ортидан врач ҳам машинасига ўтириб жўнаб кетди.

Яна узоқ ва тинка-мадорни қуритадиган кутиш бошланди. Нихоят йигитлар – қотилликни тергов қилувчи бўлим ходимлари чиқишиди. Улардан бири менинг қўриқчимга ишора қилди.

– Тез бўлинг, – деди у, – лейтенант сизларни чақиряпти.

Эшикка яқинлашганимизда, мен кимёгар Жек Уэйдни учратдим, унинг идораси меники билан ёнмаён жойлашган эди. Биз бирга лифтга кирдик. Уэйд мендан уч ёш кичик. У коллежни аъло баҳоларда битирган боладай таассурот қолдирарди. Гирдиғумдан келган, қуёшда юзи қорайган ажойиб йигит эди, қарашлари жонли. У ҳам худди Сперроу каби менинг ишларимга қизиқиб қарап, баъзан улар тўғрисида сўрар эди. Биз лифтда кўтариilar эканмиз, Сперроуга айтиб берган ўша саргузаштлар билан Жекнинг миясини тўлдириб ташлашга улгурдим.

– Нима бўлди? – деб сўради у лифтга кирганимизда.

– Эрталаб идорамдан хитойлик аёлнинг мурдасини топиб олдим! Ҳамма машмаша ана шундан.

– Мурда дейсизми? – у менга тикилганча қараб қолди.

- Ҳа-ҳа, кимдир уни отиб кетибди.
- О, Худойим, ўлдириб кетишибди, дедингизми?
- Ҳа, шундай деса ҳам бўлади.
- Ким ўлдирган?
- Ҳамма гап шунда-да, бу ҳеч кимга маълум эмас!

Сиз кеча идорадан соат нечада чиққан эдингиз?

- Соат тўққизда, дарбон эшикни беркитганидан кейин.

- Ўқ овозини эшитганингиз йўқми?

- Худо ҳаққи, йўқ!

- Хонадан чиқаверишда эътибор бермадингизми, идорамда чироқ ёнганмиди?

- Билмадим, аммо сизнинг соат олтидан кейин кетганингизни эшитдим.

- Тўппа-тўғри!

Мен эса аввалги безовталикни ҳис этдим: демак, хитойлик аёлни ўндан кейин ўлдиришган, айбсизлигим эса яна шубҳа остида қолди.

Лифт қаватимизда тўхтади, биз чиқдик. Йўлақда сержант Палски ва дарбон пайдо бўлди. Дарбон менга худди тўрт бошли олабўжини кўргандай тикилди.

- Менимча, сиз ҳозир жуда банд бўлсангиз керак, - деди Уэйд эшиги ёнида турган полициячига қараб олиб. - Менинг ёрдамим керак бўладими?

- Раҳмат, - жавоб бердим мен, - зарурият туғилса, мен сизга маълум қиласман.

Мен посбонлик қилиб турган полициячининг ёнидан ўтиб, идорага кирдим. Хона бўм-бўш, ҳамма томон гугурт чўплари ва сигарета қолдиқлари билан тўлиб кетган эди. Хонага кирганимда, лейтенант Ретник столнинг нариги томонидаги оромкурсида ўтиради. У

менга оғир нигоҳ ташлади-ю, мижозлар учун қўйилган оромкурсини кўрсатди. Оромкурсининг суянадиган жойида қон доғи бор эди.

- Сенда курол олиб юриш учун рухсатнома бормиди?
- Ҳа.
- Тўппончанг қанақа?
- Махсус полициячиларники, ўттиз саккиз калибрли. У менга қўлини чўзди.
- Менга бер-чи!
- У ўнг томондаги қутида!

Ретник менга узоқ тикилиб турди, қўлини тортиб олди-ю:

- У ерда йўқ! – деди.

Мен елкаларимда совуқ тер чиқиб кетганини ҳис этдим.

- Ўша ерда бўлиши керак!

Ретник сигарета чиқарди, унинг ўраб қўйилган қоғозини йиртиб ташлади-ю, тутатди. Бу вақт мобайнида мендан синовчан нигоҳини узмай тураверди.

– Хитойлик аёлни ўттиз саккиз калибрли тўппончадан отишган! Врач унинг тунги соат учда ўлганини аниқлади. Райан, қулоқ сол, сен нима учун ҳаммасини очиқ айтмайсан? Унинг сумкасида нима бор эди?

– Эҳтимол, мен кўзингизга энг лакма изқувар бўлиб кўринарман, аммо мижозимни идорамга келтириб, ўзимнинг тўппончам билан отадиган даражадаги аҳмоқ бўлмасам керак! Ҳатто унинг сумкасига дунёнинг жамики олтини сиққан бўлса ҳам.

Ретник ўчиб қолаёзган сигаретани чукур тортди-ю, сассиқ тутунини мен томонга пуллади.

– Билмайман, эҳтимол, шундайдир! Балки сен ҳаммани алдамоқчи бўлгандирсан, шунинг учун ўзинг-

ча найранг ўйлаб топган бўлишинг мумкин! – деди у бироз ишончсизлик билан.

– Борди-ю, мен уни ўлдирганимда, ўлган вақти ўзимга маълум бўларди! Шунда мен соат саккиз яримда эмас, балки соат учда ўзимни айбдан халос қилиш учун асос топиб қўяр эдим!

Ретник оромкурсидан кескин ўгирилди:

– У сенинг идорангда соат учда нима қилди ўзи?  
– Истайсизми, мен ўзимнинг тахминимни айтиб берсам?

– Қулоқ сол, Райан, кейинги беш йилда шахримизда бирортаям йирик жиноят содир бўлмаган эди. Мен сенинг каллангга келган ғояларнинг ҳаммасини жон қулогим билан эшилдим. Сен бизга хизмат қиляпсан, мен сенга ёрдамлашишга ваъда бераман. Мен қамоққа олиш бўйича барча асосларга эгаман, аммо сенга имконият бераман, токи хато қилмаётганимни исботлаб бергин. Мана энди ўз мулоҳазаларингни баён этгин!

– Фараз қилайлик, хитойлик жувон бу ерда эмас, Фрискода яшайди. Унга мен билан зудликда гаплашиш зарур бўлиб қолган. Нега, нима учун деб сўраб ўтирамг! Нима учун у Фрискодаги бирорта изқувар билан гаплаша қолмади экан? Балки воқеа бошқача рўй берди! Айтайлик, у самолётда учиб келишни хоҳлади, бу фикр унинг калласига кечқурун соат еттида пайдо бўлди, дейлик. У шуни яхши биладики, учиб келгунга қадар мен идорада бўлмасдим. Шунинг учун у бу ерга қўнғироқ қилган. Ана шу вақтда Ҳардвик мендан қутулиб, идорада унинг қўнғироқ қилишини кутган. Аёл унга Пасадена-ситига кечаси соат ўнда тушишини маълум қилган. Ҳардвик уни идорада кутиб ўтиришга ваъда берган. Аэропортга тушган хитойлик аёл такси

ёллаб, бу ерга етиб келган. У аёлга қулоқ солиб ўтиради, сүнг ўлдиради.

– Сенинг түппончанғдан фойдаланибми?

– Ҳа.

– Бинога кириш эшиги кечқурун соат түккизда ёпилган. Қулфлар эса бузилмаган, шундай экан, у бу ерга қандай кирган?

– Ҳардвик менинг кетишимдан күз-қулоқ бўлиб турган ва сездирмасдан дарбон эшикни беркитгунича бино ичига кириб олган. Аёл келгач, у пастга тушиб, уни идорага бошлиб кирган. Ички эшикларнинг ҳам масида инглизча қулф ўрнатилган, шунинг учун уларни ичкаридан осонгина очиш мумкин.

– Сен кино учун сценарий ёзишинг керак, – деди аччиқланиб Ретник. – Бу эртакни журналистларга ҳам айтиб бермоқчимисан?

– Менинг айтганларимни текшириб кўриш қийин эмас. Қизни аэропортда кўрган бўлишлари керак. Шунингдек, уни такси ҳайдовчиси ҳам албатта эслайди.

– Майли, ҳаммаси сен айтгандай рўй берди ҳам дейлик, аммо хитойлик аёл билан сен эмас, номаълум Ҳардвик телефонда гаплашганини, уни бу ерга олиб кирганини қандай қилиб исботлай оласан?

– Бу Ҳардвик дегани бутунлай нотаниш эмас! Агар сиз зудлик билан хат-хабарларни етказиб бериш идо-расидан маълумотнома олсангиз, унинг менга юборган уч юз долларидан хабардор бўласиз. Шунингдек, менинг 19.30 дан 22.00 га қадар Кеннот хиёбонида бўлганимни ҳам билиб олишингиз мумкин. Мен у ерда эрталабгача бўлганман. Ана шу вақт мобайнида кечаси соат иккида фақат битта машина ўтган эди, аммо улар мени пайқашдими-йўқми, буни билмайман. Менинг

эрталаб соат олтида ўша ерда бўлганимни сут сотадиган киши тасдиқлаши мумкин.

– Мени фақат битта савол қизиқтирипти: сен тунда соат ўн иккidan бешгача қаерда бўлгансан?

– Кеннот хиёбони, 33 да эдим!

Ретник елкаларини қисди.

– Чўнтакларингда нима борлигини кўрсат-чи!

Мен чўнтакларимни ағдариб, барча лаш-лушларни стол устига қўйдим. У бепарволик билан ҳаммасини кўриб чиқди. Сўнг ўрнидан турди.

– Шахардан чиқиб кетма! Битта ножӯя қадам кўйдингми, ўзингни турма камерасида кўрасан, – шу сўзларни айтиб, Ретник идорадан чиқди, иккала эшикни қарсиллатиб ёпди.

Мен стол устидаги лаш-лушларни йиғишириб, чўнтакларимга солдим. Эшикни беркитиб, стулга ўтирганча чекдим. Шу дақиқаларда полицияда менга қарши ҳеч қандай асос йўқ эди, албатта. Аммо мен таъкиб остига олинган эдим. Ҳаммаси уларнинг яқинда биладиган далилларига боғлиқ бўлиб қолган эди. Менинг тахминимга кўра, котил барча жиноятини менга юкламоқчи бўлган. Демак, у Ретникка менга қарши далилларнинг барини рўпара қилмоқда. Аёлни ўлдириш учун ишлатилган тўппонча шундай жойга қўйилганки, уни полиция bemalol топа олади. Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, ҳаракат қилиш керак.

Мен идорани беркитдим-у, лифт томонга қараб юрдим. Жек Уэйднинг эшигидаги ялтирамайдиган ойнада Ретникнинг гира-шира шарпаси кўриниб турибди: у мени айблаш учун далиллар тўпламоқда. Мен вестибюлга тушиб, икки кўриқчи ёнидан ўтдим-у, машиynamга яқинлашдим. Унга ўтириб, эшикни ёпдим. Асаб-

ларим тараптаган тортилган эди, шунда бир қултум виски ичгим келди. Одатда мен соат олтидан олдин ичмайман, аммо бугунги ходиса бундан мустасно эди. Мен күлкөплар туралынан бүлимни очдим, у ерда ҳамиша шишам сақланар эди. Үнга құл чўздим-у, томоғим бутунлай қақраб кетди! Күлкөплар сақланадиган жойда менинг тўппончам ва тимсоҳ терисидан тикилган ўта жимжимадор сумка ётарди. Қасам ичиб айтиш керак, бу сумка ўлган хитойлик жувонга тегишли эди!

Орқа томондаги полиция худуди кенг майдонни эгаллаган бўлиб, баланд девор билан ўралган эди. У полиция ҳамда патруль хизматидаги машиналар туриши учун мўлжалланган. Мен автомобилимни бино деворига: «Фақат полиция машиналари учун» деган патруль машинаси билан ёнма-ён қўйдим. Аммо моторни ўчирмасдан туриб, тўсатдан қандайдир қўриқчи пайдо бўлди. У азбаройи аччиқланганидан башараси қийшабиб кетган эди:

– Эй! Нима гап ўзи? Нима, сиз ўқишини билмайсизми?

– Хеч ҳам-да! – деб жавоб бердим мен калитни шотидан суғуриб олиб, – ҳатто узундан-узоқ сўзларни ҳам ўқишини эплайман.

Мен унинг жаҳли чиққанидан ёрилиб кетса керак, деб ўйлаган эдим. Қўриқчи бироз вақт оғзини очиб-ёпиб, керакли сўзни анча вақт ахтарди. Барibir жавоб топа олмади. Мен үнга машинанинг очик деразаси орқали кулиб қарадим.

– Менга лейтенант, мэрнинг қариндоши Ретник рухсат берган. Шикоятингиз бўлса, ўшанга айтинг, аммо ундан яхшигина тепки олсангиз хафа бўлиб юрманг!

Полициячининг қиёфаси шундай кўриниш олдики, уни тирик асалари ютган, деган бўлардингиз. У бироз

вақт менга бакрайиб қараб турди, сүнг нари кетди. Ретникнинг машинаси ҳовлига кириб, мендан нарида тұхтагунича, йигирма дақиқалар үтди. Лейтенант ундан тушиб, полиция идораси эшигига йүл олди.

– Лейтенант...

Бу сүзни охиста айтган бұлсам-да, у эшитди ва қайрилиб қаради. Унинг юзида ҳайрат аломати бор эди.

– Бу ерда нима қилиб юрибсан? – деб сұради у.

– Сизни кутиб турибман, – жавоб бердим мен.

– Хүш, мана мен. Нима гап?

Мен машинадан тушдым.

– Сиз мени тинтүв қилдингиз-у, машинамни күриб чиқиши эсдан чиқариб юбордингиз, лейтенант!

– Нима учун мен машинангни тинтүв қилишим керак эди?

– Сиз хитойлик аёлнинг сумкасида нима борлигини, мен унга нимадан үқ узганимни билмоқчи эдингиз. Буни менинг чүнтакларимдан ҳам, кабинетимдан ҳам топа олмадингиз. Шунда мен ақлли, ҳүшёр полициячи машинамни ҳам текшириши керак эди, деб үйладим. Шу боис мен уни бу ерга олиб келдим.

Ретникнинг юзи қаҳр-ғазабдан қызариб кетди.

– Кулоқ сол, итвачча, сен билан гаплашгим йүқ. Мен бу ишни Палскига топшираман. У сенинг эсингни жойига киритиб қояди, жа ақлли бүп кетибсан!

– Ях시스і, құлқоплар турадиган жойга бир қараб қүйинг, лейтенант!

Мен бұлмани очиқ қолдириб, машинадан узоқлашдым. Ретник машина эшигини зарб билан очди. Мен уни кузатиб турдым: аччиғи дарров тарқади. У сумкага ҳам, түппончага ҳам құлини теккизмади. Фақат уларга узоқ вақт тикилиб турди.

– Тўппонча сеникими?

– Ҳа.

– Сумка хитойлик аёлникими?

– Менимча, бу ўз-ўзидан аён.

У менга савол назари билан қаради:

– Булар нимани билдиради? Сен, уни ўлдирдим, демокчимисан?

– Менга ўз қарталарим қандай тушган бўлса, худди шу тарзда сизларга очиб кўрсатяпман, – жавоб бердим мен. – Бундан ортиғи қўлимдан келмайди. Энди буни ечиш сизларнинг ишингиз.

Ретник эшик олдида турган полициячини чақириб, унга сержант Палскини топиб келишни буюрди. Кейин тўппонча ва сумкага тикилиб турди, аммо уларга яқин бормади.

– Энди сенинг қутулиб кетишинг учун биттаям имконият йўқ, – деди у.

– Агар бу топилмани сизга кўрсатмаганимда, имкониятим бўлмаслиги мумкин эди, – дедим мен хотиржам оҳангда. – Ана энди мен битта имкониятни ютиб олдим, кўп эмас.

– Сен ҳар доим машинангни қулфлайсанми? – деб сўради Ретник, бу вақтда росманасига унинг боши қотган эди.

– Ҳа, доимо қулфлардим, аммо тўппонча ётган қутига машинанинг иккинчи калити тушар эди. Мен уни ахтарганим йўқ, аммо гаров ўйнаб айтаманки, калит у ерда йўқ.

– Тўғри, мен тўппончани кўздан кечирганимда, у ерда калит йўқ эди.

Шу аснода сержант Палски олдимизга келди.

– Райаннинг машинаси билан шуғуллан ва нимаики бўлса, ҳаммасини текшириб кўр. Сумка билан тўппончага эҳтиёт бўл. Тўппончани Лейсига кўрсат, – деб буюрди Ретник.

Шундан сўнг Ретник боши билан ишора қилди, биз полиция бошқармаси идорасига кирдик. Узун йўлакда бу бинога хос ҳид анқийди. Ретникнинг хонаси бундайроқ товуқнинг катагидек келарди. Унда стол, иккита стул ва картотекали шкаф бор эди. Хона анча кулай, етимхоналардаги қабулхонадан афзал эди. Ретник бир оғиз сўз айтмай, менга курсини кўрсатди.

– Бу сизнинг хонангизми? – деб сўрадим мен. – Назаримда, мэрнинг қариндоши яхшироғини танлаши керак эди.

– Менинг хонамни ўйлагунча, ўзингнинг омадсизлигинг ҳақида бош қотирсанг яхши бўларди, – деди Ретник. – Агар жувон сенинг тўппончанг билан отилган бўлса, бу сумка уники бўлса, ишинг пишиб қопти.

– Сиз шундай деб ўйлайсизми? – дедим мен курсига яхшироқ ўрнашиб олиб. – Биласизми, мен тўппонча билан сумкани денгизга улоқтирсаммикан, деб бир неча дақиқа ўз-ўзим билан олишдим. Шундай бўлганида борми, сиз ҳам, сизнинг даҳоларингиз ҳам ҳеч нимани била олмас эдингиз. Аммо мен сизга муваффакият қозониш учун имконият бердим.

– Бу билан нима демоқчи бўляпсан?

– Мен уларни денгизга улоқтирмадим, чунки бу ашёлар очиқдан-очиқ ўзимга қарши қаратилган бўлиб, ташлаб қўйилган. Уларсиз бу ишнинг чигалини очишга муваффак бўлолмайсиз.

Ретник ўйланиб, бошини қуи солди.

– Шундай қилиб, мен түппонча ва сумкани олдим, аммо сен нима учун, омадингиз келди, деб ўйлаяпсан?

– Чунки сиз бор диққатингизни менга қаратмасдан, балки ҳақиқий қотилни ахтаришга тушасиз, у ана шундан қўрқади.

Бир неча дақиқалик ўй сурганидан кейин Ретник портсигарни олиб, менга чекишни таклиф қилди. Бу танишганимиздан бери биринчи бор рўй берган дўстлик аломати эди. Мен чекмасам ҳамки, унинг муносабатини қадрлаш маъносида, сигарани олдим. Чекишдик.

– Райан, яхши, мен сенга ишонаман. Сен одми изкуварсан, аммо лақма эмассан. Аъло деб аташ мумкин, чунки мени сотиб олдинг, мен энди сендан шубҳаланмайман.

Елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.

– Аммо сен факат менга суюниб қолма: энди ишинг прокурор билан давом этади, у жуда ёқимсиз нусха! Сенинг шубҳа остига олинганингни билгудай бўлса, шартта иш очиши мумкин. Ҳаммаси аниқланишини кутиб ўтиармиди?

Бунга менинг асло эътиrozим йўқ эди. Ретник дегазвага қараб ўй суриб қолди. Дераза ойнасидан кўп қаватли уй кўриниб турар, осилган кирлар ва болалар аравачаси кўзга ташланар эди.

– Мен узил-кесил бир қарорга келишдан олдин бу ишнинг моҳиятига чуқур кириб боришим керак, – деди у. – Сени нима деб рўйхатга олиш керак эди? Гувоҳ дебми ёки кўнгилли равишида ёрдам берувчи дебми?

– Кўнгилли равища ёрдам берувчи, денг.

Ретник телефон орқали полициячини чақирди. Пўрим кийинган йигит кириб келди. Афтидан у виждонли кишилар тоифасидан, полиция иши ҳозирча унинг

меъдасига тегмаган кўринади. У лейтенантга содик ит каби мутелик нигоҳи билан қаради. Ретник мен томонга бармоғи билан ишора қилди, худди мен унинг шўринг қурғур қариндошларидан биридек...

– Бу – изқувар Нельсон Райан! Уни овунтириб тургин, ҳозирча менга керак бўлмайди, – деб у менга қаради. – Бу – Паттерсон. У полицияда яқиндан хизмат қила бошлади. Асло жонига тегма.

Мен Паттерсон ҳамроҳлигига йўлакка чиқдим, у мени хонасига бошлади. Хона тер, дезинфекция ва вакхима билан тулиб-тошган эди. Мен токчага, Паттерсон эса столнинг чеккасида жойлашиб олдик.

– Ўзингни бемалол, эркин тутгин, – деб рухсат бердим унга. – Биз бу ерда сен билан, эҳтимол, бир неча соат бирга бўлармиз. Сенинг шерифинг бу аёлни мен ўлдирганимни исботлашга ҳаракат қиляпти, аммо у бунга мутлақо эришолмайди.

Паттерсон менга кўзларини мўлтиратиб қаради ва мен унга бир неча бор ғажиб ташланган, Ретнидан олинган сигара қолдигини чўзмоқчи бўлдим.

– Сенда бирорта коллекция борми? Мана шу қимматбаҳо ашё билан музейни тўлдириб қўйишни истамайсанми? Шундай қилиб, бу сигарани менга сенинг лейтенантинг берди.

Паттерсоннинг юзи ҳақиқий полициячи ифодасини олди.

– Қулоқ сол, биз яхши кўрмайдиган...

– Биламан, биламан, – деб унинг гапларини бўлдим мен. – Бу гапни бир неча бор Ретнидан эшитишга тўғри келди. Мен ҳар доим сизларга халақит бераман ва доимо йўлингизда ғов бўлиб туравераман. Хўш, бундан нима наф? Мен ҳам худди сизлардай ҳаётдан бирор

нарса ундириш пайдаман. Наҳотки мен сизларнинг бурнингиздан тортиш ҳуқуқига эга бўлмасам? Нима учун сизлар шунчалик тез ранжийсиз?

Мен Паттерсонни мазах қилгандай қарайман, у эса бироз ўйланиб, сўнгра кулимсираб боқади. Мана, биз ниҳоят бир-биrimизни тушундик. Тушлик қилиш вақти бўлиб қолган эди, қандайдир кўриқчи бизга гўшти нўхат шўрва келтирди. Паттерсон уни иштаҳа билан паққоз туширди, мен эса ликопчани қошиқ билан кавлаб қўйдим-у, қайтариб бердим.

Овқатдан кейин Паттерсон қарта чиқарди ва биз «гугуртдаги жин» деган ўйинни бошлаб юбордик. Бутун бошли гугурт қутисини ютиб олганимдан сўнг йигитга қандай фириб берганимни, унга ўргатиб кўйишим мумкинлигини тавсия қилдим. Паттерсон тиришқоқ ва қобилиятли ўқувчи чиқиб қолди.

Соат саккизга яқин яна ўша кўриқчи бизга нўхатли шўрва келтирди. Биз уни шунчаки, эрмак учун тановул қилдик. Сўнгра яна ўйинга берилиб кетдик. Паттерсон фириб беришни шунчалик пухта ўргандики, мендан битта гугурт қутисини бутунлай ютиб олди. Соат ўн иккода телефон жиринглаб қолди. Паттерсон гўшакни олиб, қулоқ солди ва «хўп бўлади, сэр», – деб гўшакни жойига осиб қўйди.

– Лейтенант Ретник сизни кўрмоқчи экан, – деди у ўрнидан туриб.

Хар иккимиз ҳам поезддаги йўловчилар дея ҳис этдик ўзимизни: жўнаш учун охирги сигнал берилганида, бирдан кузатувчилар билан сухбат узилиб, гапни бас қилишади.

Ретник стол ортида толиқиб, умидсиз ҳолда ўтирас эди. Менга курсини кўрсатиб, Паттерсонга чиқиб кети-

шини имо қилди. Мен унинг қаршисида ўтирдим, узок давом этган жимлик чўкди, бу муддат ичида бир-бири мизга тикилиб ўтирдик.

– Омадинг келди, – деди нихоят Ретник. – Мен сени хитойлик аёлнинг ўлимида айبلاغаним йўқ, аммо ҳамма иш прокурорга боғлиқ бўлиб қолди. Энди аён бўлдики, сенинг мутлақо айбинг йўқ. Яна такрорлайман: омадинг келди!

Мен полицияда ўн беш соатни ўтказдим ва шу вакт ичида битта мени гумон тарк этмади: тўғри иш қиляпманми ўзи? Баъзида ваҳимага берилиб кетар эдим! Энди эса Ретникнинг гапларини эшлишиб, енгил тортиб, хўрсиниб қўйдим.

– Ҳа, ростдан ҳам омадим келди, – дедим мен.

Ретник сигара тортишга ҳаракат қилди. Аммо лабида сигара қолдиғи қолганини пайқади-ю, кулди ва уни саватга ташлади.

– Кейинги ўн беш соат мобайнида бу қотилликни текшириш учун бутун полиция тер тўқди. Биз сени Кеннот хиёбонида тунги соат икки-ю ўттизда кўрган гувоҳни топишга муваффақ бўлдик. Гувоҳ прокурорни кўтарга кўзи йўқ адвокат эди. Шу сабабли у ўзининг кўрсатмалари билан прокурорни яна бир бор ачитиб ўтди. Мана энди ҳаммаси жойида.

– Ахир қотил ким?

Ретник менга яна сигара манзират қилди, аммо бу сафар дадиллик билан рад этдим. У портсигарини яширап экан, шундай деб жавоб берди:

– Бирор тахминни айтишга ҳали вақт эрта. Қотиллик қойилмақом ижро этилган, бирорта из қолмаган!

– Хитойлик аёлнинг шахси аниқландими?

– Ҳа. Буни аниклаш қишин кечмади. Сумкасида ҳужжатлари бўлмаса-да, аэропортда уни бир неча гувоҳлар эслаб қолишган экан. Чжо Ян Жефферсон деб аташаркан, у Гонконгдан учиб келган. Ҳайратли томони шундаки, у кекса миллионер Жон Уильбур Жефферсоннинг келини булиб чиқди. Бу аёл бир йил муқаддам Гонконгда Уильбурннинг ўғли Герман Жефферсонга турмушга чиқкан. У ерда, Гонконгда эри автомобиль ҳалокатига учраб ўлган, хотини эса унинг жасадини дафн этиш учун бу томонга олиб келган экан.

– Нима учун?

– Отаси уни шахсий дахмаларида дафн этишни хоҳлайди. Йўл харажатларини ҳам у тўлаган.

– Жасад ҳозир қаерда турибди?

– Уни эрталаб дафн бюроси ходими қабул қилиб олибди. Дафн этилгунча ўша ерда туради.

– Сиз буни текшириб кўрдингизми?

– Қулоқ солсанг-чи, изқувар, менга ҳадеб ишлашни ўргатаверма! Мен тобутни ҳам кўрдим, ҳужжатларини ҳам текширидим – ҳаммаси жойида. Хитойлик жувон Гонконгдан бу ерга кечаси соат биру ўттизда учиб келган. Аэропортдан такси ёллаб, сенинг идорангга йўл олган. Фақат бир нарсани тушунмаяпман: унга сендан нима керак эди, қизик, қотил ҳам буларнинг барини қаердан билди экан?

– Ҳа, мен ҳақимда кимдан билгани номаълум.

– Агар у сенга олдинроқ хат ёзган бўлса, уни олишинг керак эди.

Мен номаълум муддат ўйланиб қолдим.

– Фараз қилайлик, Ҳардвик уни аэропортда кутиб олди. У ўша ердан соат олтида менга қўнғироқ қилди, дейлик. Уни кутиб олиб, ўзини изқувар Райан деб та-

ништирган бўлса-да, ҳамма ишни идорада ҳал этишни тавсия қилган. Хоним жасад солинган тобутни аэропортга топширгунча, у бу ерга етиб келиб, идора эшигини очган ва уни кутиб ўтирган.

Бирок бу фараз менга ҳам, Ретникка ҳам унчалик маъқул тушмади.

– Аммо ўша жин ургурга сендан нима керак эди?

– Агар бу ҳақда билганимизда қотилликнинг сабабини очиб ташлар эдик! Юки ҳақида нима дея оласиз, уни топдингизми?

– Ҳа. Уни аэропортда буюмларни сақлаш камерасига топширган экан. У кичик жомадондан иборат. Керакли кийим-кечақдан ташқари унчалик катта бўлмаган Будда ҳайкалчasi ҳамда чекиш таёқчasi бор эди.

– Жефферсон билан ҳам гаплашдингизми?

У афтини буриштириди.

– Ҳа, гаплашдим... Қайноғамнинг Жефферсон билан унчалик сози йўқ, сухбат чоғида миллионер ўзини тутолмаган. Барибир нуфузли оиласдан уйланиш ёмон, албатта.

– Аммо бундай никоҳ ўзининг афзалликларига ҳам эга-да, – дедим уни бироз тинчитиш маъносида.

Ретник бўйинбоғидаги тўғнағични ўйнаб, ўйчан ҳолда бурнини қашиб қўйди.

– Баъзи ҳолларда, шундай... Ҳар эҳтимолга қарши, бу қари аҳмоқ айтганки, мен келинининг қотилини топишим керак, акс ҳолда жуда катта ташвишга қолар эканман. У айтганини қилади. Жефферсон шаҳарда салмоғи катта шахс ҳисобланади.

– У ёрдамини тавсия қилмадими?

– Йўқ, албатта.

– Сиз хат-хабарларни зудлик билан етказувчи агентлик хабарчиси билан гаплашингизми? У қотилни кўрган бўлиши керак.

– Гаплашдим, ҳеч нимадан хабари йўқ. Пул солингган конверт идорага эрталаб соат тўртда берилган экан. Мижоз уни соат ўн саккизу ўн бешда сенга етказиб беришни тайинлаган. Афсуски, кичик ходимлардан, яъни клерклардан бирортаси ҳам унга эътибор бермаган экан.

– Сиз Герон корпорациясини сўраб билдингизми, у ерда Ҳардвик ишлармикан ёки йўқми?

– Сўрадим. Бундай фамилиядаги киши у ерда мутлақо йўқ.

Ретник эснади, ўрнидан туриб кетди.

– Мен уйга бориб бироз ухламоқчиман. Эҳтимол, дам олган каллага эртага бирон янги фикр келиб қолар. Бугунга эса етар.

Мен ҳам ўрнимдан турдим.

– Хитойлик жувон менинг тўппончамдан отиб ўлдирилганми?

– Ҳа. Аммо қотил сенинг тўппончангда ҳам, машиналнгда ҳам бирорта из қолдирмаган. Бу нусха ўта эҳтиёткор, аммо қачонлардир барибир албатта қўлга тушади... Жиноятчилар ҳамиша хато қилишади.

– Умид қиласиз...

Ретник уйқусираган кўзлари билан менга қараб қолди.

– Мен сени қўлимдан келганча авайладим, энди сен ҳам менга ёрдам бер! Агар каллангга бирор фикр келиб қолгудай бўлса, менга албатта хабар қилгин – бу жуда ҳам зарур.

Мен уни унумаслигимни айтдим. Кейин машиналнгда ўтириб, уйга ухлагани жўнаб кетдим.

Эртаси куни ўз идорамга соат түқкизда келдим. Эшик ёнида мени иккита репортёр кутиб турарди. Улар мендан кеча интервью олмоқчи бўлган экан-у, аммо ҳеч қаердан топишолмабди. Репортёрлар қотиллик тўғрисидаги барча тафсилотларни тўлиқ билмоқчи, шунингдек, менинг кечаги кунни қаерда ўтказганимдан ҳам хабардор бўлмоқчи экан. Мен уларни хонамга бошлаб кирдим ҳамда қотиллик тўғрисида жуда кам, ҳатто улардан ҳам оз билишимни баён қилдим.

– Мен бу хитойлик жувоннинг нима учун идорамга, қолаверса, шундай кеч пайтда келганига ҳеч ақлим бовар қилмаяпти.

Репортёрлар яна саволлар билан «ўқقا» тутишди, аммо бари натижасиз эди, шунинг учун улар норози бўлиб, кетиб қолишли. Мен номимга келган хат-хабарларни дикқат билан кўриб чиқдим, ярмини эса саватга улоқтиридим. Битта хат Палма Маунтенда истиқомат қиласиган аёлдан экан. У итини заҳарлаган кишини топиб беришимни сўрабди. Мен унга боадабгина жавоб ёзиб, ишим бошимдан ошиб ётганини билдиридим. Шу аснода эшикни тақиллатиши ва мен киришга ижозат бердим. Хонага қўшним Жек Уэйд кирди. У хижолат тортган қиёфада менга мурожаат қилди:

– Сизни ишдан қолдирмадимми? Албатта, бу менинг ишим эмас-ку, аммо билмоқчи эдим: қотил то-пилдими?

Унинг синчковлиги мени ҳайрон қолдиргани йўқ. Уэйд жиноятга аралашиб юришни яхши кўрадиган кишиларни ниҳоятда ёқтиради, шундай одамлар тоифасидан.

– Йўқ, топа олганимиз йўқ, – деб жавоб бердим мен.

– Бу сизга ёрдам беради, деб ўйламайман-у, аммо бир нарса эсимга тушди. Кеча соат еттига яқин телефонингиз жириングлаган эди. Аммо ўшанда сиз кетган эдингиз.

– Телефоним тез-тез жиринглайди, – дедим мен, – майли, шунга ҳам катта раҳмат. Мен бу ҳақда лейтенант Ретникка дарҳол хабар қиласаман.

Уэйд қирилган бошини қўли билан ушлаб деди:

– Тергов ўтказишда ҳар бир тафсилот жуда муҳим, албатта. Қизик, аёл идорангизга қандай тушиб қолди экан? Бу, албатта, тергов пайтидаги энг қийин ҳолатдир.

– Бунда ҳеч қандай чигаллик йўқ. Уни бу ерга қотил етаклаб келган.

– Ҳа, ҳа... Аммо полиция билдими, исми нима экан?

– Уни Чжо Ян Жефферсон дейишаркан. Гонконгдан.

– Жефферсон дейсизми? – деб безовталаниб, қайта сўради у. – Менинг Герман Жефферсон деган мактаб-дош дўстим бўларди. У Гонконгга кетган эди.

Мен стул суюнчиғига ўзимни ташлаб, оёғимни стол устига қўйдим.

– Ўтилинг, – дедим, – менга дўстингиз тўғрисида ба-тафсил сўзлаб беринг-чи! Дарвоқе, бу хитойлик жувон унинг хотини бўлган.

Бу маълумотим Уэйдни ҳайратга солди, у тезгина ўтириб олди ва тикилиб қараб қолди.

– Германнинг хотини? У хитойлик аёлга уйланган-миди?

– Ҳа, шундай.

– Жин урсин, мана гап қаерда!

Мен ўтириб, Уэйдни синчилаб кузатар эдим. У бироз ўйланиб турди-ю, сўнг шундай деди:

– Бу мени хижолатга қўяди, деб-ку, айтольмайман!

Мен, хитойликлар жуда мафтункор бўлади, деб эшишт-

ганман, аммо унинг отаси жуда норози эди, – у қовоқларини уйиб, бош чайқаб қўйди. – У бу ерда нима иш киларди ўзи?

– У эрини дафн этиш учун жасадини келтирган.

Уэйд гангиб қолди.

– Сиз, Герман ўлган, демоқчимисиз?

– Ха, у ўтган ҳафтада автомобиль ҳалокатига учраган.

Афтидан, Уэйд эшитган янгиликка унчалик ишонмас, менга маъносиз равишда қараб қолган эди.

– Нима, Герман ўлган? Худойим... – у тушкун овозда гапирди, – отасига бу қанчалик оғир зарба бўлиб тушишини тасаввур этяпсизми?

– Мен ҳам шундай деб ўйлайман. Сиз Германни яхши билармидингиз?

– Унчалик эмас. Биз мактабда бирга ўқиганмиз. Ўша вақтда у жуда бепарво бола эди. Қизлар билан ҳар хил машмашаларга аралашиб қоларди, машинани худди бўрондай учирар эди. Аммо мен у билан фахрланардим: у мен учун қаҳрамон шахс эди, гўё. Ўсмирларда бундай ҳолат учрайди. Коллежни битиргач, фикрим кескин ўзгарди: шундай таассурот пайдо бўлдики, у шунча йил давомида мутлақо ўзгартмаган. Ичди, жанжал-тўполон кўтарди, бир неча бор ифлос ишларга ҳам гирифтор бўлди. Мен у билан учрашишни бас қилдим. Охири отасининг ҳам жонига тегди, шекилли, уни шарққа жўнатиб юборди. Бу воқеа беш йил муқаддам рўй берган эди. Отасининг у ерда иши чиқиб қолган эди. Шундай қилиб, у хитойлик аёлга уйланган эканда! Бу, албатта, кутилмаган воқеа!

– Бундай воқеалар бўлиб туради, – дедим мен.

– Сиз уни автомобиль ҳалокати туфайли ўлди, дингизми? Герман илгари ҳам машиналарни яксон

қылган. Қизиги, у шу билан үз умрига нұқта қўйибди. Аммо хотини нега ўлдирилган?

– Ҳозир полиция шуни билиш учун уриниб ётибди.

– Ҳа, даҳмазали иш!.. Мен у сизнинг ҳузурингизга нима иш билан келган, деб қизиқяпман. Бу ростакам жумбок. Шундай эмасми?

Уэйд жонимга тега бошлаган эди.

– Ҳа, – деб жавоб бердим мен.

Мен унинг идорасида қўнғироқ чалинганини юпқа девор орқали эшилдим. Уэйд шоша-пиша ўрнидан турди.

– Кечирасиз, мен үз мажбуриятимни эсдан чиқариб, сизнинг вақтингизни олдим. Агар Герман тўғрисида яна бирор маълумот аниқласам, шу захоти сизга хабар қиласман.

Мен бундан хурсанд бўлишимни айтдим, у хонадан чиқиб кетди. Уэйддан эшилган гапларни ўйлаб ўтиредим. Бу ўйларимни бирдан телефоннинг жиринглагани бузиб юборди. Мен гўшакни кўтардим.

– Сиз билан жаноб Уилбур Жефферсоннинг котиби гаплашяпти, – деди ёқимли аёл овози. – Бу жаноб Райанми?

– Худди шундай, – деб жавоб бердим мен.

– Жаноб Жефферсон сиз билан учрашишни истайди. Бугун соат учда бизнинг ҳузуримизга кела оласизми?

Мен ён дафтаримни варакладим. Бугун соат учда ишга доир ҳеч қандай учрашув йўқ экан. Ростини айтадиган бўлсан, ҳафтанинг барча кунлари бутунлай бўш эди.

– Бора оламан.

– Бич-Драйвдаги охирги уй, олд томони денгизга қараган, – деди у.

– Мен соат учда хузурингизда бўламан.

– Миннатдорман, – деди аёл ва мен гўшакдан унинг овозини эслаб қолишга ҳаракат қилдим. Қизик, у қандай кўринишда экан? Овози шунчалик ёқимлики... аммо бунга осонгина алданиб қолиш мумкин. Мен гўшакни кўйдим.

Куннинг биринчи ярми оддий кечди. Мен вақтимни идорада ўтказдим ва Жек Уэйднинг телефони тез-тез жиринглаганини эшилдим. Ҳар жиҳатдан қараганда, унинг ишлари меникига нисбатан анча яхши кетаётган эди. Сирли жаноб Ҳардвикнинг уч юз доллари мени шулар тўғрисида ўйламасликка сабабчи бўлди.

Соат иккита мен тушлик қилиш учун барга тушдим. Бахтимга Сперроу роса банд экан, шунинг учун саволлари билан жонимга тегмади, аммо у азбаройи қизик-қанлигидан ўзини кўярга жой топа олмасди. Мен хотиржам овқатланиб, бардан чиқдим, шунда ортимдан маъноли бир нигоҳни ҳис этдим.

Соат учга яқинлашганида, мен Бич-Драйвга – Пасадена-ситидаги энг дабдабали, серҳашам худдудга қараб йўл олдим. Бу ерда, асосан, бойлар тинчгина хордик чиқариш учун истиқомат қиласдилар. Халқнинг шовқин-сурони, ёз пайтида шаҳарни эгаллаган ур-йиқитлар бу худдудга қайрилиб ҳам қарамас эди. Соат учга бир неча дақиқа қолганида, мен Жефферсон уйи олдида эдим: дарвоза очиқ бўлиб, машинани уйнинг икки томонидаги гулзор қоплаган йўлакдан ҳайдадим.

Бу жуда катта қадимий қаср эди, дубдан ясалган эшик олдидан олти зинали пиллапоя бошланар эди. Мен қўнғироқ қилдим, эшик бир неча муддатдан сўнг очилди. Остонада бош хизматкор менга савол назари билан қараб турарди.

– Мен Нельсон Райанман, – дедим мен. – Мени жа-ноб Жефферсон кутяпти.

У мени оғир қорамтири мебеллар қўйилган катта холлга бошлаб борди. Холл орқали салкам врачнинг қабулхонасини эслатувчи мұжазгина хонага олиб кирди. Баш хизматкор менга оромкурсилардан бири-ни кўрсатди-ю, овоз чиқармай ғойиб бўлди. Ўн дақиқа ўтгач, йигирма саккиз-туттиз ёшлардаги бир қиз пайдо бўлди. Унинг қоп-қора соchlари мовий кўзларини аник ажратиб, чиройини яққол кўрсатиб турар эди. Соҳиб-жамол хисоблаб бўлмаса-да, аммо истараси иссиқ кўринарди у кўзга. Корамтири кўк кўйлаги нафис баданига ёпишиб турар эди.

– Кечирасиз, сизни куттириб қўйдим, жаноб Райан,  
– деди у. – Жаноб Жефферсон сизни қабул қилишга тайёр.

– Сиз котибасимисиз? – сўрадим унинг овозидан таниб.

– Ҳа, мени Жейн Уэст дейишади. Юринг, сизни ку-затиб бораман.

Биз чиройли ва шинам хонадан ўтиб бордик. Уй-нинг деворларида жуда катта китоб жавонлари қўр тўкиб турарди. Икки қаватли ойнаванд эшиклар, улар орқали гуллар билан кўмилган боқقا чиқилади. Да-рахтлар соясида ғилдиракли оромкурсида Уилбур Жефферсон, озғин, аслзода қиёфадаги дароз қария ўтираси фил суюги рангида, сийрак, оппоқ соchlари ҳамда озғин қўлларининг томирлари кўриниб турарди. Қадамимиз товушларини эшитиб, у бошини бурди.

– Жаноб Райан, – деди Жефферсон, котиба чиқиб кетгач. – Баландроқ гапиришингизни илтимос қила-

ман, чунки кейинги пайтда ёмон эшитадиган бўлиб қолдим. Чекишингиз мумкин. Ўзимга келганда эса, мана, олти йилдан бўён чекмайман.

Мен у билан ёнма-ён қўйилган тўқима оромкурсига чўқдим, аммо чекмадим, эҳтимол, ҳозир у тамаки тутунини ёқтирмас. Жефферсон ўз вақтида, эҳтимол, сигара чеккан бўлиши мумкин.

– Мен сиз тўғрингиздаги маълумотлардан хабардорман, – деди у анчагина давом этган жимлиқдан сўнг менга ялтираган жигарранг қўзларини тикиб. Менда шундай ҳиссиёт пайдо бўлдики, гўё у чўнтақларимга кўз ташлаб, ҳамёнимдаги пулларимни бирма-бир санаб, елкамдаги туғма доғни ҳам кўришдан эринмагандай туюлди. – Менга сизни ростгўй, ишончили ҳамда фахм-фаросатдан маҳрум бўлмаган киши деб айтишиди.

Жуда ғалати – қария бу маълумотларни кимдан олди экан?

Мен юзларимга шу сифатларга мос ифода бермоқчи бўлдим-у, аммо ҳеч нима демадим.

– Сизни бу ерга таклиф қилишдан мақсадим шуки, – деб сўзида давом этди у, – сизга қўнғироқ килган киши ва идорангизда ўлдирилган хитойлик жувон билан боғлиқ воқеаларни айнан ўз оғзингиздан эшитмоқчиман.

Шунда мен у келинининг номини тилга олмаганини сезиб қолдим. Бундан ташқари «хитойлик» деганда унинг юзи нафратдан буришиб кетди. Шунда бу ёши ўтган ва мавқеига қараганда ёлғиз фарзандининг бошқа қизга уйланиши жуда оғир зарба бўлиб тушганига амин бўлдим. Мен баландроқ гапиришга ҳаракат қилиб, кейинги кунларда рўй берган воқеаларни батафсил ҳикоя қилиб бердим.

Мен гапимни тугатгач, қария шундай деди:

– Миннатдорман, Жаноб Райан. Шундай қилиб, аёлга нима учун сизни кўриш зарур бўлганини тасаввур ҳам қила олмайсиз-а?

– Ҳа, худди шундай!

– Уни ким ўлдирган бўлиши мумкин?

– Билмайман, – дедим мен. – Котил ўзини Жон Ҳардвик деб айтган киши ҳам бўлиши мумкин. Ҳар қандай шак-шубҳадан холи равишда у бу ишга албатта дахлдор.

– Мен Ретникка мутлақо ишонмайман, – деди Жефферсон. – Бу мияси йўқ нусха полицияда юқори амални эгалламаслиги керак, – у ўйчан ҳолда ўзининг қўлларидағи қаварган томирларга тикилди. – Афсуски, мен кейинги пайтларда ўғлим билан муроса қилолмай қолдим. Муносабатларимиз ҳар икки томоннинг ҳатолари туфайли мураккаб ахволга келиб қолди. Энди тушуняпманки, унга нисбатан жуда тоқатли бўлишим керак экан. Мен томонимдан зарур эътибор ва сабртоқат кўрмагани учун у ўзини жуда-жуда ёмон тутган. Энди эса хотини ўлдирилди. Мен ўғлимнинг феълини билганим боис, ишонаманки, у қотилни топиш учун ҳамма ишни қилган бўларди. Аммо энди у ўлган. Ҳозир менинг ўғлим учун бажарадиган ягона ишим – қотилни топишdir. Ўшандагина мен ўзимни Германнинг олдида айбдор хисобламайман, – Жефферсон ўйчан ҳолда узоқларга тикилди, енгил шабада унинг оқарган сочларини силкитди. – Жаноб Райан, мен қариб қолганман, қотил билан шуғулланишга ярамайман. Шунинг учун сизга одам юбордим, қандайдир даражада сиз ҳам бунга дахлдорсиз, чунки мурдани сизнинг идорангиздан топишган. Котил барча жавобгарликни сизнинг зимман-

гизга ағдаришга урингани очиқ күриниб турибди. Сиз ҳақиқий жиноятчини топишни зиммангизга оласизми?

Мен «ҳа» деб жавоб бериш билан кифояланиб, пулни олишим, Ретник қотилни топгунича хотиржам күтиб юраверсам ҳам бўларди. Аммо бундай қилмайман. Шу билан бирга жиноятчини бир ўзим топа олмаслигимга ҳам кўзим етди.

– Жаноб Жефферсон, қотиллик бўйича тергов-суриштириш ишлари полиция қўлида турибди, – дедим мен. – Шунинг учун жиноятчини факат улар топа олиши мумкин, ёлғиз ўзим эса бу ишнинг уддасидан чиқолмайман. Колаверса, Ретник ишига бурнини суқсан кишини жуда ёмон кўради. Унинг гувоҳларини сурокка тутишга менинг асло ҳақим йўқ. Бу хабар дарров унга этиб боради ва бошимга бир олам ғалва ёғилади. Мен пулларингизни ишлаб олишни қанчалик хоҳласам ҳамки, жаноб Жефферсон, бу ишни рад этишга мажбурман.

Аммо Жефферсонни шунчаки ишонтириш осон эмас эди.

– Буларнинг ҳаммасини яхши биламан, – деди у. – Аммо аҳмоқ Ретник ишни нимадан бошлишни билмайди-ку! У Гонконгдаги британиялик маъмурлар билан алоқа боғлаб, бу аёл тўғрисидаги барча маълумотларга аниқлик киритишга ақли етар, деб умид қиласман. Менга ўша аёл Хитойдан келган қочоқ эканлиги шусиз ҳам аён. Бу маълумотни ўғлимнинг юборган хати орқали билганман, унда бир йил муқаддам ўзининг уйланиши тўғрисида менга хабар берган эди. Бу никоҳ менга асло маъқул келмаган. Шу боис ўғлим тўғрисида ҳеч қачон эшитмасликка ҳаракат қилдим.

– Бу аёл ҳақида британиялик маъмурларга бирор нарса маълум, деб ўйлайсизми?

У бош чайқади:

– Менимча, йўқ. Гонконгга ҳар йили юз мингдан зиёд қочоқ боради. Менинг Гонконгта алоқадор ишларим кўп, шу боис маҳаллий воқеалардан хабардор бўлишга ҳаракат қиласман. Менинг англашимга кўра, у ерда аҳвол шундай: хитойлик қочоқлар елканли кемада Макаога қараб йўл олишади, у ер эса ҳозир Португалия ҳудудига қарашли. Макао маъмурларининг бу босқинни бартараф этишга кучлари етмайди. Бу ердан хитойликларни елканли кемаларда Гонконгга қараб юборишади. Британия полицияси шаҳар остоналарини қаттиқ муҳофаза қиласди, аммо хитойликлар жуда сабр-тоқатли. Улар шаҳардан унча узоқ бўлмаган жойларда елканли кемаларда балиқ овлаш билан машғул бўлишади. Одатда елканли кемалар қочоқлар билан бирга балиқ овловчилар кемалари орасига яширинади, полициянинг эса уларни топиши ниҳоят мушкул. Менинг англашимча, британиялик полициячилар Гонконгда қочоқларга раҳм-шафқат қиласди. Уларни кўп ташвишларни бошидан ўтказган ҳамда бизнинг умумий душманимиздан қочиб келяпти, деб ўйлашади. Қочоқлар билан тўлиб-тошган хитойча елканли кемалар Гонконг ҳудудий сувларига киргани ҳамон уларни таъқиб этиш тўхтатилади. Бу бадбаҳт одамлар мақсад сари салкам етиб келишибдими, уларни яна ортга қайтариб юбориш инсонийликка тўғри келмайди, деб ҳисоблайди полициячилар. Бу одамларда ҳеч қандай ҳужжатлар бўлмайди: Гонконгда полиция уларнинг ўтмишини, ҳақиқий номларини ҳам мутлақо билиб ололмайди. Улар Гонконгга келиб жойлашган заҳоти янги ҳаётни, эҳтимол, янги номлар билан бошлаб юборишади. Ўғлимнинг хотини ҳам ана шун-

дайлардан бири эди. Агар сиз бу аёлнинг аввалги ҳаётини билиб ололмасангиз, уни ким, нима сабабдан ўлдирганини аниқлаш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Сиз Гонконгга боришингиз ва у ҳақда нимаики маълумот бўлмасин, билиб олишингиз керак. Бу осон эмас, албатта, аммо уни бажариш Ретникнинг қўлидан келмайди. Гонконглик полициячилар унга ёрдам бериб бўпти! Мен сизнинг сафар харажатларингизни тўлайман, ишонаманки, у муваффақиятли ўтади. Хўш, бу гапларимга нима дейсиз?

Жефферсоннинг таклифи мени қизиқтириб қўйди, аммо ҳар қанча ўйламайин, у омадсизлик билан якунланадигандай қуринаверди.

– Мен бoramан, – дедим мен. – Аммо ишнинг нима билан якунланиши номаълум.

– Яхши, котибам билан гаплашинг. У ўғлимнинг хатларини қўлингизга тутқазади, улар сизга асқотиши мумкин. Сизга нимаики боғлиқ бўлса, ҳаммасини ишга солинг, жаноб Райан.

Қария менга чиқиб кетишим мумкинлиги ҳақида ишора қилиб қўйди:

– Уэст хонимни йўлакнинг ўнг томонидаги учинчи хонадан топасиз.

– Яхши. Фақат гап шундаки, мен Гонконгга дарҳол жўнаб кетолмайман, – дедим ўрнимдан тураётиб. – Мен суриштирув ишларида иштирок этишим керак.

– Мен Ретник сизга халал бермаслигининг йўлини қиласман. Мумкин қадар тезроқ боринг.

Мен хонани тарқ этдим. Қария ўрнидан миқ этмай, фақат олд томонига қараб ўтиради. Инсонни ўзининг виждони қийнаса, у шу тарзда ёлғизликка маҳкум бўлиб қолади.

Үэст хоним мени катта хонада қабул қилди, бу хона ишга оид кабинетларга үхшар эди. У ёзув столига энгашган, олдида чек дафтарчаси, бир қути ҳисоб-китоб варақлари бор эди. Үэст хоним бепарво табассум билан стол ёнидаги курсига мени үтиришга таклиф этди.

– Гонконгга кетадиган бўлдингизми, жаноб Райан?  
– деб сўради у чек дафтарчасини бир чеккага суриб қўяр экан.

– Ҳа, фақат бугун эмас. Ҳафтанинг охирида.  
– Сизда чечакка қарши эмлаш ўтказиш керак. Вабоға қарши ҳам бўлиши мумкин-у, аммо у шарт эмас.  
– Эмлаш борасида менинг ишларим беш.

Мен бир қути сигарета чиқариб, чекишина таклиф қилдим, аммо у рад этди. Мен чекиб, кутини чўнтағимга солдим.

– Жаноб Жефферсон айтди, сиз менга ўғлининг хатларини кўрсатар экансиз. Менга ҳар қандай ахборот ниҳоятда зарур.

– Мен уларни сиз учун тайёрлаб қўйдим, – деди Үэст хоним столдан кутини олиб, хатларни чиқариб қўяркан. – Герман отасига йилда бир марта хат ёзар эди. Улар сизга манзиллардан бошқа ҳеч нима бермаса керак, деб ўйлайман.

Мен хатларни нари-бери қўриб чиқдим. Улар ҳаддан ташқари қисқа бўлиб, ҳар бирида пул ҳақида илтимос ўрин олган эди. Хатнинг бош қисмида Герман Жефферсон соғ-саломат эканлигини, аммо ишда омади юришмаётганини ёзган эди. Биринчи хат бундан олти йил муқаддам юборилган эди. Кейингилари эса тахминан бир ярим йил муддат билан битилган. Мени охирги мактуб қизиқтириб қолди: у бир йил муқаддам жўнатилган эди.

«Осмон салтанати» меҳмонхонаси, Ванхой.  
Мұхтарам ота!

Мен хитойлик қыз билан танишдим ва унга уйланмоқчиман.

У Хитойдан келган қочоқ бұлиб, ҳаёти мاشаққаттарға тұла. Уни Чжо Ян дейишади. У оқила, чиройли ва, умуман, менинг дидимга жуда мос. Мен тушунаман, бу янгилик сизни құвонтирмаса керак, аммо үзингиз ҳар доим менга, үз ҳаётинг билан яшагин, деб үргатгансиз. Шунинг учун мен Чжо Янга уйланаман ва ишонаманки, у менга ажайиб рафиқа бұлади. Ҳозир мен үзимга уй ахтаряпман, аммо уни топиш жуда қийин, нархи ҳам вакт үтгап сари тобора күтарилиб бормоқда. Эхтимол, биз ушбу меҳмонхонада яшаб қолармиз. Бир қатор сабабларға күра, бу менга жуда қулай, гарчи мен шахсий уйни афзал билсам ҳам. Умид қиламанки, сиз мендан үз марҳаматингизни аямайсиз. Дарвоқе, сиз бизга уй учун пул жүннатсангиз яхши бұларди.

Сизнинг Германингиз.

Мен мактубни стол устига қўйдим.

– Бу унинг охирги хати эди, – деди хотиржам оҳангда Жейн. – Жаноб Жефферсон ҳаддан зиёд аччиқланиб, телеграмма юборди, унда бу никоҳни такиқлаган эди. Шундан кейин ўғли ҳақида мана бу ўн кун олдинги хат келгунга қадар ҳеч қандай хабарга эга бўлмади, – у арzon қофозга ёзилган, сандал дараҳти ҳиди анқиб турган хатни менга узатди.

«Осмон салтанати» меҳмонхонаси, Ванхой.  
Жаноб Жефферсон!

Кеча Герман вафот этди – у автомобиль ҳалокатига учраб, ҳалок бўлди. У ҳар доим уйда дағн этилишини

*илтимос қилас эди. Менда пул йүқ. Агар бироз пул жүннатсангиз, унинг жасадини ватанига олиб борардим, Германнинг хоҳиши-иродасини бажариш учун.*

*Чжо Ян Жефферсон.*

Бу хат менинг раҳмимни келтирди. Мен ёш хитойлик келинчакнинг тұсатдан эрдан, пулдан, келажакка умиддан маҳрум бўлиб қолганини кўз олдимга келтирдим.

– Шундан кейин нималар рўй берди? – деб сўрадим мен.

– Жаноб Жефферсон бу хабарга ишонмади. Бу аёл пул ундиromoқчи, деб айтди, ўғлини эса тирик бўлса керак, дея ўйлади. Унинг топшириғига кўра, мен Гонконгдаги америкаликлар элчихонасиға қўнғироқ қилдим ва Герман Жефферсон ҳақиқатдан ҳам автомобиль ҳалокатига учраб нобуд бўлганини билиб олдим. Шунда жаноб Жефферсон менга хат ёзиб, аёлдан ўғлининг жасадини буёққа юборишини илтимос қилишни топширди. Унга унча катта бўлмаган рентани тиклаб бермоқчи бўлди, токи аёл Гонконгда қолиб, яشاши керак эди. У эрининг тобутини олиб, Пасадена-ситига келгани, аммо уйигача ета олмагани сизга маълум.

– Жасад-чи?

Шунда бир нарсага эътибор бердим – Жейн Уэст зўрға ўзини тутиб турға олди. Унинг асаблари қанчалик таранг тортилганини, ўз ҳолатини нақадар азоб билан намоён этмасликка ҳаракат қилганини ҳис этдим.

– Дафн маросими эртага ўтказилади.

– Хар ҳолда Герман Жефферсон Гонконгда хаёт кечириш учун анча ишлаб топгандир.

– Бу номаълум. У Гонконгдан келганида, отаси уни экспорт фирмасига ишга жойлаб қўйди, орадан ярим йил ўтгач, у ишдан бўшаб кетди. Герман ҳеч қачон ўзининг ишлари тўғрисида хабар бермасди. Хатларида фақат пул сўраб ёзилган илтимослар бор эди.

- Жаноб Жефферсон пул юборармиди?
- О, албатта! Ҳар бир илтимосга жавобан.
- Хатларга қараганда, – дедим мен, – Герман бир йилда бир марта пул сўрар экан, бу маблағ катта эдими?
- Беш юз доллардан кўп бўлмасди.
- Бу пул бир йилга етмайди. Демак, у қаердадир ишлаган.
- Эҳтимол.

Мен терлаб кетган энгагимни артдим. Каллам зўр бериб ишларди. Ниҳоят Уэст хонимдаги яширин асабийликни пайқаган ондан бошлаб хаёлимдан ўрин олган саволни беришга қарор қилдим.

- Сиз Герман Жефферсонни шахсан билармидингиз?
- У қизариб кетди, сўнг нигоҳлари мулойимлашиб, юзида аввалги ифода пайдо бўлди.

– Ҳа, мен жаноб Жефферсонда саккиз йилдан бери ишлайман. Герман шарққа кетишидан олдин шу ерда яшаган эди. Отаси бебош деб атаган, аммо энди маълум бўляптики, агар ўғлига кўпроқ сабр-тоқат қилганида, у бутунлай бошқача одам бўлиши мумкин эди. Жаноб Жефферсонни ўғлининг ўлими ларзага солди, шунинг учун бу борада у ўзини айблайди! Герман ахлоқсиз, бузук ва бераҳм одам эди. Шу билан бирга оддий ўғри ҳам эди! Герман, ҳатто менинг пулларимни ҳам ўмарган. У жаноб Жефферсоннинг ўғли эканлигига ишониш қийин. Отаси ажойиб, хулқ-одоби жойида бўлган киши, ҳаётида бирорта ножуя ишга қўл урмаган.

Үэст хонимнинг астойдил айтган сўзлари бошимни қотириб қўйди.

– Хўш нима ҳам дердик, раҳмат, – дедим мен ўрнимдан туриб. – Жаноб Жефферсон учун кучим етганча ишларни уддалашга ҳаракат қиласман.

У чеклар тахламига назар ташлади-ю, биттасини олиб, менга узатди.

– Жаноб Жефферсон сизга гонорарингиз учун ҳақ ажратган. Қачон учишингизни айтсангиз, менга хабар қилинг, самолётга чипта олиб қўяман. Агар пул керак бўлиб қолса, менга мурожаат қиласверинг.

Мен чекка назар ташладим, унда минг доллар бор эди.

– Мен бунчалик қиммат турмасам керак. Менга уч юз ҳам етарди.

– Жаноб Жефферсон шундай деб буюрганлар, – деди у гап худди беш центлик пул тўғрисида кетаётгандек.

– Майли, нима ҳам қилардик, пулдан ҳеч қачон юз ўғирмаймиз, – дедим мен. – Сиз жаноб Жефферсоннинг иш бошқарувчисимисиз?

– Мен унинг котибасиман, – деди у.

Бу гапга нима деб муносабат билдириш мумкин, шунинг учун мен факт:

– Мен жўнашга тўғри келгани заҳоти сизга хабар қиласман, – дедим.

Ҳали эшик олдига ҳам етмаган эдим, у қўққисдан сўраб қолди:

– У жуда чиройлимиди?

Даставвал мен гап ким ҳақида кетаётганини билмай қолдим, Жейн Үэст қўзғалмасдан ўтирас, унинг кўзларида англаб бўлмас ифода қотиб қолган эди.

– Унинг хотинини айтяпсизми? Ҳа. Хитойлик аёллар жуда гўзал, ёқимтой бўлишади. У ўлганидан кейин ҳам гўзаллигича қолган.

– Тушунарли.

Жейн авторучкани ушлади ва чек дафтарчасини олдига суриб қўйди, бу билан гўё менинг кетишимга ишора қилгандай бўлди.

Холлда мени бош хизматкор кутиб туарди. У енгилгина таъзим билан мени кузатиб қўйди. У лом-мим демас, ҳеч ким вайсақилиги учун бу ходимга таъна бермаган бўларди.

Мен майда қадамлар ташлаб, машинага яқинлашдим. Уэст хоним билан кейинги сухбат менга ниманидир очиқ намоён этди. Сухбатни кўнглимдан бир-бир ўтказар эканман, шундай холосага келдим: бир пайтлар Герман ва Жейн бир-бирини яхши кўришган. Германнинг уйланиши, кейин ўлими тўғрисидаги хабар уни қария Жефферсондан кам ларзага солмаган бўлиши керак.

Мен батамом холосага келдим ва у ҳақда кўпроқ билишга жазм қилдим.

Жефферсондан сўнг мен тўппа-тўғри полиция ҳузурига йўл олдим. Ярим соат кутгач, Ретникнинг ҳузурига киришга муваффақ бўлдим. У стол ортида ғамгин, тунд ҳолда ўтирап ва ҳадеб сигара чайнар эди.

– Билмайман, сенга вақт сафрлаш керакмикан, – деди у. – Сенга нима керак ўзи?

– Сизни огоҳлантириб қўишим керак, энди мен Жефферсонда ишлайман, – дея изоҳ бердим мен.

– Билиб қўй, Райан, агар сен терговга халақит берадиган бўлсанг, мен лицензиянгни бекор қилиш учун ҳамма ишни қиласман, – ғазаб билан деди Ретник. – Сенга қанча тўлашди?

Мен хотиржам ҳолда курсига ўтирдим.

– Етарли даражада. Мен сизнинг ишингизга аралашишни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ, бунинг устига яқин кунларда Гонконгга жўнайман.

– Гонконгга? Эсинг жойидами? – деди у. – Умуман, мен ўзим ҳам у ёқقا жон деб борар эдим-а!.. Хўш, у ерга бориб, нима қилмоқчисан?

– Жефферсон хитойлик аёлнинг ўтмиши ҳақида мумкин қадар кўпроқ маълумот билмоқчи. Унинг айтишича, аёлнинг ўтмиши ҳақида билмасдан туриб, биз терговда олға силжий олмаймиз. Эҳтимол, у ҳақдир.

– Буларнинг ҳаммаси вақтни бекордан-бекорга соvuришдан бошқа нарса эмас, – деди Ретник. – Аммо пулни олган бўлсанг, бу сени безовта қиласмиди!

– Бўлмасам-чи, – дадил жавоб бердим мен. – Жефферсон ўз инжиқлигини қондиришга қодир одам, менда эса унга ёрдам беришим учун вақт етарли. Омадим келиб қолса керак.

– Бунинг учун Гонконгга кетишингнинг ҳожати йўқ, – деди Ретник. – Мен Гонконг полициясига расмий талабнома юбордим. Менга у ҳақдаги барча маълумотларни хабар қилишди!

– Улар нималарни етказишди?

– Уни Чжо Ян Чунг деб аташган. Жин ургур исм-а? У уч йил муқаддам Макаодан Гонконгга келган. Олти ойни турмада ўтказган, шундан кейин унга янги ҳужжатлар беришган. У «Пагода-клуб»да раққоса бўлиб хизмат қилган, аникроғи, у ерда фоҳишалик билан шуғулланган. Ўтган йили, йигирма биринчи сентябрда америкаликлар элчихонасида унинг Герман Жефферсон билан никоҳи бўлиб ўтган. Улар фақат хитойликлар яшайдиган «Осмон салтанати» меҳмонхонасига

ўрнашиб олганлар. Айтишларига кўра, Жефферсон ҳеч қаерда ишламаган, у хотини ҳисобига, шу билан бирга отаси юборган пуллар эвазига тирикчилик қилган. Бир йил ўтгач, автомобиль ҳалокатида ўлган. Хотини эрининг жасадини ватанига олиб кетиш учун рухсатнома олиш масаласида мурожаат қилган. Мана шулар, вассалом! Нима учун Гонконгга бориш керак экан?

– У ерга боришим учун сафар ҳаки тұлашади. Мен үша ерда турсам, йүлингизга тұғаноқ бұлмас әдим.

– Бундан хавотир олма, – захархандалик билан күлди Ретник. – Мен исталган пайтда сени йүлдан олиб ташлайман.

Ретникка эътиroz билдириб ўтирмадим. У баъзibaъзида ўз ўрнини шу тарзда хис этиб турмоғи керак.

– Хүш, тергов ишлари қандай кетяпти? Сиз бирор нарсани аниқлай олдингизми?

– Йўқ, – деди у қовоғини уйиб ва сиёҳ билан беланиб кетган ён дафтарига қаради. – Мени ҳаммадан кўра битта савол қизиқтиради: у нима учун кечаси соат учда сенинг хонангга келган?

– Балки мен бу саволга жавобни Гонконгдан то-парман? – мен сигарета чекдим ва сўзимни давом эттиридим. – Қария Жефферсоннинг пули ошиб-тошиб ётибди. Менинг билишимча, уни ўғлига мерос қилиб қолдириши керак эди. Ўғлининг ўлими муносабати билан мерос Германнинг рафиқаси, яъни Чжо Янга ўтиши лозим эди. Жефферсоннинг пуллари унга ўтмаслиги учун кимдир аёлни ўлдирган. Энди, ҳозирги вазиятда пуллар кимнинг ихтиёрига ўтишини суриштиришимиз керак, ана шунда қотилликка нима учун қўл урилганини билишга муваффақ бўламиз.

Ретник ўйланиб қолди ва шундай деди:

– Тұғри фикр!

– Сиз жаноб Жефферсоннинг котибаси Жейн Уэстни танийсизми? Үйлашимча, қария үлганидан сүңг у қандайдыр пул олади. Жейн бир пайтлар Германнинг жазмани бұлган, деб үйлайман. Сиз унинг тунги соат учда, хитойлик аёлни үлдиришганида қаерда бұлганини текшириб күришингиз керак.

– Тұғри, аммо буни қандай амалга ошираман? – жеркиб сүради Ретник. – Бунинг учун у билан гаплашибим керак, бу эса қарияга ёқмаслиги мумкин, чунки унинг шахсий ҳәтини кавлаштиришга тұғри келади. Афтидан, мүйсафид Жефферсон уни жудаям қадрлайди. Шу туфайли менда катта күнгилсизлик рүй бериши мумкин: Жефферсон шаҳарда катта таъсир кучига эга. Дарвоқе, сен нима учун Жейн Уэстни Германнинг жазмани деб үйлаяпсан?

– Чунки мен Уэст билан гаплашдым: у үзини яхши тутди, аммо вақти-вақти билан ҳаяжонланиб кетди. Мен, хитойлик аёлни у үлдирған, деб айттолмайман, аммо, әхтимол, у бизга нисбатан бу қотиллік тұғрисида күпроқ билар. Балки бу аёлнинг иззатталаб дүсти бордир.

– Мен бу ишни кавлаштирумокчи эмасман, – деди Ретник. – Мен факат хитойлик аёл нима учун сенинг хонанға келганини билишим керак. Мана шунинг үзи ишни яқунлаш учун кифоя килади.

Мен үрнимдан турдим.

– Эхтимол, сиз ҳақдирсиз. Тергов қачон бошланади? Мен мумкин қадар тезроқ жұнаб кетмоқчи әдим.

– Тергов әртага соат үнга белгиланған. Гарчи унча зарур бұлмаса-да, сенинг иштирок этганинг маъқул, – Ретник шарикли ручка билан ён дафтариға нимадир чизар экан, маъюс әди.

– Сиз нима учун қандайдир бошқа қадам ташлашингиз мумкин эмас?

– Мен ўзимнинг ҳар бир қадамимни ўйлаб босишим керак. Жефферсон шунчалик таъсир кучига эгаки...

– Биламан, бу ҳақда аллақачон эшилдим...

Мен чиқдим, Ретник эса ён дафтарчасига нимадир чизганича қолаверди. Бу намойишкорона ҳолат Чжо Ян қотилининг димоғини чоғ қилиши тайин эди. Бу унинг кўнглини хотиржам қилган бўларди.

Идорага қайтар эканман, эшик ёнида тўсатдан калламга бир фикр келиб қолди. Кўшни эшик олдида тўхтаб, уни тақиллатдим.

– Ҳелло, – деб қарши олди Жек Уэйд, менинг ташрифим уни очиқдан-очиқ хурсанд қилиб юборган эди.

– Киринг, ўтиринг.

Мен ўтиридим ва Уэйднинг хонасини кўздан кечира бошладим. Меникidan фарқли ўлароқ, кимёгарнинг хонаси жуда катта, яхши жиҳозланган эди. Ёзув столи устида магнитофон, телефон ва мўъжаз ёзув машинкаси бор эди. Бу идора меникига нисбатан ёрқин эди. Шубҳасиз, бизга нисбатан кимёгарнинг хизматига яхши ҳақ тўлашади. Уэйд стол ёнида ўтириб, трубка чекар, олдида қоғозлар турарди.

– Нақадар ёқимли тасодиф, – деди у олтин «Омега»га нигоҳ ташлаб. – Виски ичасизми? Ҳадемай соат олти бўлади.

У шу даражада меҳмондуст эдики, мен Таиланд вискини ичишга рози бўлдим. Уэйд жавондан шиша олиб, стаканчаларга қуйиб чиқар экан, муз йўқлигини айтиб кечирим сўради. Бир амаллаб чидайман, дедим мен. Биз бир-биримизга қараб кулиб юбордик ва вискини сипқордик.

– Мени Герман Жефферсон тұғрисидаги ҳикоянгиз қизиқтириб қолди, – гап бошладим мен. – Менга бу иш бүйича яна қандайдыр құшимча ахборот керак. Билмадым, бу ҳақда айта олармиқансиз?

– Нима учун айтмас эканман? Албатта, айтаман, – у менга ёрдам сұраб нидо қилған юнги узун итлар – сенбернарларда пайдо бұладиган нигоҳ билан тикилиб қаради. – Сизни айнан нима қизиқтиради?

Юзимда жиддий ифода пайдо бұлды, мен бундай чехрамдан Жек Уэйд тахлит кишилар билан иш олиб борганимда фойдаланаман.

– Менинг вазифам қандайдыр маъно касб этадиган умидда имкон қадар күпроқ далиллар тұплашдан иборат. Мана, сиз Герман Жефферсонни биласиз, унинг одатлари ҳамда феъли тұғрисида ҳикоя қилиб бердингиз. Мени бир маълумот қизиқтиради: унинг хотин-қизлар билан муносабати қандай эди?

Уэйднинг юзида қаҳр-ғазаб ифодаси пайдо бұлды. Менга дарров унинг иши бинойи эмаслиги билинди: гольф-клуб ундаги шаҳвоний ҳиссиётларни батамом сұндириб ташлаган эди.

– Унинг аёллар билан муносабати бағритошлиқдан иборат эди. Ёшлиқда ҳаммамиз ҳам аёлларга хушомад қиламиз... Менинг ҳам юрадынан қызим бор эди, аммо Герман у билан ахлоқсиз муносабатда бұлды. Агар обрү-эътиборли отаси бұлмаганида, у бу машмашадан мутлақо қутула олмас эди.

– Сиз унинг маъшуқаларидан бирортасининг исми-ни айта оласизми!

У бир муддат иккиланиб турғач, жавоб берди:

– Аслида уларнинг номини эсламоқчи ҳам эмасдим-ку-я... аммо битта аёли бор эди: Жейн Уэст. У ҳозир жа-

ноб Жефферсонда котиба бўлиб ишлайди. У... – Уэйд жимиб қолди ва қўзларини бир чеккага олиб қочди. – Кечирасиз, бу ҳақда гапирмоқчи эмасдим. Бу воқеа анча аввал, тўққиз йил муқаддам рўй берган. Мен Германни шахсан ўзи сўзлаб берган ҳикояси бўйича биламан, бироқ бу уни сизга баён этиш ҳуқуқини бермайди менга.

Аммо қўрдимки, Уэйд мен билан сұхбатни баҳам кўриш истагида ичи қизияпти. Шу билан бирга қотилнинг пайига тушишга қўшилмоқчи. У ўзи келтирган маълумотларнинг катта аҳамиятга эгалигидан мағрур ҳолатда эди. Шу боис мен жиддий тарзда шундай дедим:

– Ҳар қандай ахборот мени қотил сари етаклаб боради. Шундай экан, менга ҳаммасини айтиб беришга ҳаққингиз бор.

Масаланинг шу тарзда кўндаланг қўйилиши унга анчагина таъсир кўрсатди. Уэйднинг кўзлари чақнаб, рози бўлди.

– Саволни шу тарзда ўртага қўйган экансиз, унда, албатта... – Уэйд қўллари билан калта киркилган сочларини силаб, давом этди. – Бундан тўққиз йил муқаддам Герман ва Жейн ўртасида муҳаббат пайдо бўлди ва улар фарзанд кўришди. Герман никоҳдан бош тортди. Шунда Жейн унинг отасининг олдига келди. Бу гаплардан хабардор бўлган ота даҳшатга гушди ва Германдан Жейнга уйланишини талаб қилди. Герман қатъий равишда рад этди. Кўп ўтмай чақалоқ ўлди. Менимча, чол унга бефарқ эмас эди, шунинг учун Жейнни ўзининг уйига жойлаштириди ва уни ўзига котиба қилиб олди. Кекса мўйсафид Жефферсон ўғли Германнинг ўз карорини ўзгартиради ва унга уйланади, деб ўйлаган эди. У эса отаси Жейнни уйига олиб келганидан дарғазаб

бўлди. Нихоят қария Герман уйланмаслигини билиб, уни шарққа жўнатиб юборди. Жейн Жефферсонни кида котиба сифатида қолиб кетди.

– Жуда ғалати, у нега шу пайтгача турмушга чиқмади экан? – дедим мен. – У чиройли аёл.

– Мени эса бу қизиқтирмайди. Ўйлашимча, чол Жейннинг никоҳига монелик қиласарди. Айниқса, Германнинг ўлимидан кейин қариянинг миллионлари учун ҳеч ким қолмаган бўларди.

– Наҳотки шундай бўлса? – дедим мен ўзимдаги қизиқиши яширишга уриндим. – Аммо, ҳар ҳолда, Жефферсоннинг қандайдир қариндош-уруғлари бордир?

– Гап ана шунда-да, унинг ҳеч кими йўқ! Мен Жефферсонлар оиласини жуда яхши биламан. Герман ўзининг ягона меросхўр эканлигини менга бир неча бор таъкидлаб айтган эди. Кекса Жефферсоннинг вафотидан сўнг энг катта улуш Жейнга тегади!

– Бу ҳолда энди унинг омади чопибди, аммо Германнинг беваси меросга ўз хуқуқини ҳавола қила олмайди.

Уэйд ажабланди.

– Бу ҳақда ўйламаган эканман, бироқ, назаримда, чол хитойлик аёлга бирор нарса қолдиришига кўзим етмайди.

– Ҳа, тўғри, аммо у мархум ўғлининг хотини сифатида меросга талабгор бўлиши мумкин эди. Бу ҳолда ўз ҳиссасини олиши эҳтимолдан холи эмас эди. Эҳтимол, Чжо Ян Жефферсон меросидан ўз ҳиссасини олиши мумкин эди.

Хонага бир тахлам қоғоз кўтарган қиз кирди. Мен Уэйднинг котибасини худди шундай тасаввур қилган эдим: ҳадиксираган, уятчан, кўзойнак таққан. У индамай хатларни стол устига қўйди ва хонани тарк этди.

– Терговга оид бирор янгилик борми? – деб сүради Уэйд қиз эшикни ёпиб чиққанидан кейин.

– Йүқ. Эртага тергов ва суд нотаниш шахс томонидан рүй берган қотиллик бүйича бир қарорга келади. Бу жуда ажайиб иш бүларди.

– Ҳа, албатта... – деди Уэйд паришон бўлиб ва хатларни олдига сурис қўйди. – Агар сизга бирор ёрдамим зарур бўлиб қолса...

Мен идорамга қайтгач, Ретникка қўнғироқ қилиб, Жейн Уэст тўғрисида гапириб бердим.

– Бу шар сизнинг бурчагингизга тушди, – дедим унга. – Агар ўрнингизда бўлганимда, Уэст хоним хитойлик аёл ўлдирилган кечаси соат учда қаерда бўлганини аниқлар эдим.

Телефон гўшагидан Ретникнинг оғир нафас олгани эшитилди.

– У ҳолда сен менинг ўрнимда бўлмасдинг, – деди у. – Эртага терговда учрашамиз. Тоза кўйлак кийишни эсингдан чиқарма. Коронер бу соҳада жуда инжиқ одам.

\* \* \*

Худди айтганимдек, тергов ҳеч бир музокара ва шовқин-суронсиз ўтди. Жефферсоннинг адвокати – семиз ва синчков нигоҳли киши – ишга халақит бермаган ҳолда орқада ўтириди. Жейн Уэст менга нимаики деган бўлса, Коронерга ҳам худди шу гапларни айтиб берди. Иш давомли тергов қилиш учун қолдирилди. Маълум бўлдики, хитойлик қочок аёлнинг ўлдирилиши ҳеч кимни ташвишга солмаган. Коронер суд залидан чиқиб кетгач, мен гугурт чўпи билан тишини то-залаётган паришонхотир Ретникнинг олдига бордим.

– Энди мен жүнаб кетаверсам бўладими? – деб сўрадим ундан.

– Ҳа, – деди у астойдил. – Энди ҳеч ким қўлингдан ушламайди, – Ретник диққат билан Жейн Уэстга тикилди, котиба бу пайтда Жефферсоннинг адвокати билан гаплашаётган эди.

– Сен хитойлик аёлни ўлдиришганида, у қаерда эканлигини била олмадингми?

– Мен бу саволни сиз учун қолдирдим, – дедим ҳозиржавоблик билан. – Айни пайтда у адвокат билан гаплашяпти. Ёнига боринг-у, бу ҳақда дангал сўраб қўя қолинг.

Ретник бошини чайқаб, кулиб қўйди.

– Мен ҳали ақлдан озганимча йўқ, – жавоб берди у. – Сенинг Гонконгда вактингни кўнгилли ўтказишингни тилайман. Хитойлик гўзаллардан эҳтиёт бўл, айтишларича, улар жуда суюқоёқ бўлармиш.

Ретник гаплашиб турган Жейн ва адвокатдан четлануб, нари кетди.

Мен улар гапларини тугатгунича сабр қилиб турдим, сўнгра чиқиш эшигига Жейнга етиб олдим.

– Мен эртага учеб кетишим мумкин, – дедим унга, менга ёт назар билан қараганида. – Чипта олсан бўладими?

– Ҳа, жаноб Райан, чипта кечқурун қўлингизга тегади. Яна бирор нарса керакми?

– Герман Жефферсоннинг фотосуратини олсан, дегандим, – жавоб бердим мен. – Уни топиб бера оласизми?

– Германнинг фотосурати дейсизми? – у ҳайратга тушиб сўради.

– У менга керак бўлиб қолиши мумкин. Ўзим билан бирга хотинининг суратини ҳам олмоқчи эдим.

– Яхши, сизга топиб бераман.

– Мен билан кечқурун бирор жойда учраша олмайсизми? Шунда олдингизга боришимга ҳожат қолмасди: кетиш олдидан бир олам иш йигилиб қолди. Тахминан, соат саккизда «Астор» барига келсангиз.

Бир муддат иккиланиб турган Жейн рози бўлиб бош иргаб қўйди:

– Майли, соат саккизда.

– Миннатдорман сиздан.

У яна бош иргади, совуқ кулиб қўйди, кейин икки ўриндиқли «Ягуар»га миниб, жўнаб кетди.

Ха... Бу ҳақда, айниқса, Жефферсоннинг миллионларига эга бўлиш борасида ўйламай қўя қол. У сендан кўра бошқасини топиб олар. Буни жуда осон ҳал қилиш мумкин.

Мен идорага қайтиб, куннинг қолган қисмини турили ишларни бажариш билан ўтказдим. Бахтимга, хайрият, шошилинч юмушлар йўқ экан, икки ҳафтани кутиб турадиган ишларнинг бўлмагани дуруст. Мен Гонконгда бекор юрмаслик учун ҳаммасини хом-чут қилиб чиқдим. Ниҳоят, сэндвич олиш мақсадида ўрнимдан турмоқчи эдим, эшик тақиллади ва Жек Уэйд кириб келди.

– Кўп вақтингизни олмайман, – деди у. – Мен фақат Германни дафн этиш вақтини билмоқчи эдим. Сиз қачон эканлигини билмайсизми? Назаримда, мен боришим керак.

– Дафн маросими эртага ўтказилади, аммо аниқ соати менга маълум эмас, – жавоб бердим мен. – Балки Уэст хонимга қўнғироқ қиласман. Билмадим, бу тўғри бўлармикан ёки йўқми? Бугун кечқурун Уэст хоним

билан күришаман, истасангиз, ундан сұраб күришим мүмкін.

– Илтимос, албатта сұранг, – жонланиб кетди у. – Ке-чирасиз, сизни қийнаб қўйдим, калламга бирдан келиб қолди... – у гапини тутата олмади.

– Ҳечқиси йўқ.

– Тергов қандай ўтди?

– Худди айтганимдай, у қолдирилди, – дедим сигарета тутатиб. – Эртага Гонконгга учаман.

– Сиз Гонконгга учасизми? – деди Уэйд ажабланиб.

– Нақадар ажойиб сафар! Бу қотиллик билан боғлиқ бўладими?

– Ҳа. Қария Жефферсон менга ўлдирилган хитойлик аёлнинг ўтмишини аниқлаб келишни топширди.

– О, Гонконг, мен боришни орзу қиласиган жойлардан бири! У ерларга борсам қани эди!

– Менинг ҳам ўз-ўзимга ҳавасим келяпти!

– Жуда қизиқ, сиз у ерда нималарни билиб олишиниз мүмкін? – оғирлигини бир оёғидан иккинчисига олди Уэйд. – Бирор жўяли маълумот топишингизга кўзингиз етадими?

– Билмадим, ҳар холда уриниб кўраман.

– Демак, сиз жаноб Жефферсон билан учрашдингиз.

Унинг ҳозирги кўриниши қандай?

– Ахволи унчалик яхши эмас. Менимча, у узоқ яшамаса керак.

– Афсус, жуда афсус, у жуда ажойиб қария, шубҳасиз, унга Германнинг ўлими кучли таъсир қилган, – Уэйд аста-секин эшикка яқинлашди. – Мен ҳузурингизга бир дақиқага кирган эдим. Сафарингиз хайрли ўтсин. Сиз йўқлигингизда бу ерда бирор иш қилиш керак эмасми мабодо?

– Раҳмат. Ҳеч қандай юмуш йўқ. Мен идорани ёпаман, тамом.

– Хўп, унда кўришгунча! Кизиқ, Гонконг сизга ёқармикан? Дафн тўғрисида сўраш ёдингиздан чиқмасин. Мен гуллар юборсам бўладими?

– Сизга ҳаммасини эртага хабар қиласман.

Шундан сўнг мен полиция идорасига бориб, Ретник ваъда қилган Чжо Яннинг фотосуратини олдим. У ажо-йиб сурат бўлиб, сураткаш қизнинг чехрасига жонли ифодани бера олган эди. Мен суратни ўрганиш билан бироз машғул бўлдим: қиз, ҳақиқатдан ҳам ниҳоятда мафтункор эди. Шу билан бирга ўликхона ходимидан уни дафн этиш бўйича қандай фармойишлар берилганини суриштирдим. Ходимнинг айтишига кўра, уни дафн этиш эртага Вудсайд-самитрида жаноб Жефферсон хисобидан ташкил этилар экан. Бу қабристон Пасадена-ситида истиқомат қилувчиларнинг алоҳида имтиёзли табақалари учун мўлжалланган эди.

Ҳар доимгидек, мен соат олтида идорамни ёпиб, уйга жўнадим. Керакли нарсаларимни дарров жомадонга жойладим. Сўнг соқолимни кириб, душ қабул қилдим-у, топ-тоза кўйлагимни кийдим. Бешта кам саккизда мен «Астор» барида эдим.

Жейн Уэст барга саккиздан беш дақиқа ўтганида кириб келди. У ишонч билан боқаётган, башанг кийинган, хушсурат аёл қиёфасида, ҳаммани мафтун этган ҳолда зални кесиб ўтди. Мен ўтирган столга яқинлашгунча, эркаклар уни нигоҳлари билан кузатиб қолишиди.

Биз бир-биримизга бир нечта илтифотли сўз айтдик. Мен унга мартини буюрдим, ўзим эса виски ичдим.

– Мен сизга Гонконг долларини топдим, – деди Жейн. – Улар сизга жуда зарур бўлади. Эҳтимол, сиз

учун меҳмонхонадан жойга буюртма берармиз? Масалан, «Мирамар» ёки «Пенисулар»дан, чунки улар Гонконгда энг яхши меҳмонхоналар саналади.

– Раҳмат, мен «Осмон салтанати» меҳмонхонасида турмоқчиман.

У менга «ялт» этиб қаради:

– Майли, бўпти.

– Сиз менга Герман Жефферсоннинг суратини олиб келишни унутмадингизми?

Официант столга виски ва мартини қўйгунга қадар у тимсоҳ терисидан қилинган сумкани очиб, менга битта хатжилд берди. Каттагина расм мутахассис фотосураткаш томонидан бажарилган ижод намунаси эди.

Суратдаги эркак объективга синчков қараб турибди. Жуда ёқимсиз. Корачадан келган юзи, қалин қоп-қора қошлари уни чиройли кўрсатмас, пастки жағи нотекис, шу билан бирга оғзи энсиз, лаблари унчалик кўринмасди. Бундай башаралар кўпинча полиция ҳужжатларида учрайди. Мен учун буларнинг ҳаммаси кутилмаган ҳол эди: Герман Жефферсонни ёқимли, очиккўнгил ва мулоийим киши бўлса керак, деб тасаввур қилгандим. Суратдаги одам эса ҳар қандай бераҳмлик ҳамда шафқатсизлик қиёфаларига эга. Шунда Жейн Уэстнинг сўзлари ёдимга тушди: «У жуда қўрқинчли одам, ҳеч қандай яхши аломатлар учрамайди». Кейин эса Жейнга қарадим, у ҳам мени кўздан қочирмай кузатарди.

– Сизнинг нимани назарда тутганингизни тушунман, – дедим мен. – У мутлақо отасига ўхшамайди! Тўғрими?

Жейн ҳеч нима демади. Мен суратни ён дафтаримга солиб қўйдим. Шунда калламга Чжо Яннинг расмини унга кўрсатиш фикри келиб қолди.

– Сиз мендан бу аёлни, бинойими, деб сұраган эдингиз, – дедим. – Мана, марҳамат, күринг!

Жейн бир неча сония мобайнида суратта қарашга ботина олмади, у менга ранги бироз оқарғандай күринди. Аммо зум ўтмай әпчил құллари билан расмни олди. Энди менга унинг юзини күздан кечириш навбати келди. Жейн суратта боқар экан, башараси совук ва ифодасизлигича қолди. Сұнг менга суратни қайтариб берди.

– Ха, чиройли экан, – деди у.

Мен ўз қадахимни күттардим ва биз ичишдик.

– Сиз дағын әртага тайинланган дедингиз-а? – сұрадым мен.

– Ха.

– Германнинг мактабдош дүсти илтимос қилған эди, у келса бұладими? Исли Жек Уэйд. Бизнинг идораларимиз ёнма-ён жойлашган.

Жейн бироз безовталаниб, жавоб берди:

– Маросимда жаноб Жефферсон ва мен иштирок этамиз, холос. Дүстлардан бирортасиям таклиф қилинмаган.

– Мен бу гапни унга етказаман. У гуллар юбормоқчи эди.

– Гулларнинг кераги йўқ, – деди Жейн ва соатига қараб, ўрнидан турди. – Мен кетишим керак, Жаноб Жефферсон кутиб қолади. Сиз учун ҳеч нима керак эмасми?

– Йўқ, миннатдорман. Самолёт соат нечада учар экан?

– Соат ўн бирда. Сиз аэропортта ярим соат олдин боришингизга тұғри келади.

– Ташвишга қўйдим, катта раҳмат.

Жейн ўрнидан туриб, ташқарига чиқди. Мен официантга пул узатиб, унинг орқасидан ошиқдим. Менга таниш бўлган «Ягуар» машинаси шундоққина бар олдида турарди. Мен бу ерни уч марта айланиб, машинамни бардан икки юз метр наридаги жойга зўрға қўйган эдим. Бу ҳол кекса Жефферсоннинг қанчалик нуфузга эга эканлигини яна бир карра яққол исботларди. Жейн машина олдида тўхтади.

– Ишонаманки, сафарингиз яхши ўтади, – деди у аввалгидек бутунлай бегона қиёфага кириб. – Агар зарурият туғилиб қолса, кўнғироқ қилинг.

– Наҳотки сиз ҳеч қачон кулмасангиз?! – дедим мен. – Наҳотки сиз бир умр фақат котиба бўлиб ўтсангиз?

Жейннинг нигоҳида бир лаҳза ажабланиш аломати зоҳирланиб, шу заҳоти ғойиб бўлди. У машина эшигини очиб, ўриндиққа чўқди. Бу ҳаракатни ғоят назокат билан адо этди. Мен эшикка қўлимни қўйишга ултурган заҳоти у қарсиллатиб ёпди.

– Хайрли тун, жаноб Райан, – деди у ва жўнаб кетди.

Мен машинани нигоҳим билан кузатиб қўйдим ва соатимга қарадим: эндинга 20.25 бўлган эди. Кечки овқатни у билан бирга тановул қилмоқчи эдим, энди эса мен учун узун ва зерикарли тун бошланди. Пиёдалар йўлагида турар эканман, кечки овқатта таклиф қилишим мумкин бўлган уч ёки тўрт нафар қизни эсладим. Улардан бирортасини Уэст хоним билан тенглаштириб бўлмас эди. Мен жонимга тегиб қолган сэндвични тановул қилиб, уйга кетишга, телевизор кўришга қарор қилдим. Қизик, бундай кечки дастур ҳақида Уэйд нима деб ўйлар экан? Шубҳасиз, унинг ҳафсаласи пир бўларди. У мени гўё сирли ўғрихонага кириб қолганман-у,

ёнимда сарық сочли гүзәл ёки гангстерлар билан уришиб тургандай тасаввур қилар эди.

Мен газак қилинадиган барга кирдим. Бурчақдағи мусиқий автоматдан қандайдыр оңанғ тарапаларди. Жинси кийган ва свитер баданларини қисиб турған икки қызы курсида үтиришарди. Менга үгирилиб қарашиб ганида, улар учун жудаям қари ва зерикарли туюлдим, шекилли, парво қилишмади. Мен сэндвични чүчқа ғұшти билан истеъмол килдим. Ҳатто бұлажак сафар ҳам мен учун бутун тароватини йүқтотған эди. Герман ҳамда Чжо Яннинг суратини қўлимга олиб, уларни дикқат билан кўздан кечира бошладим. Мен ҳозиргача уни Жейн Уэст каби гүзәл фақат севибгина қолмай, ҳатто ундан фарзанд кўрганига асло тушуна олмасдим.

Ҳаммасига қўл силтаб, жин урсин, дедим-у, фотосуратларни қўйнимга тиқдим. Еганларимнинг пулини тұлаб, ташқарига чиқдим, орқамдан қизлар қараб турганини хис этдим. Улардан биттаси қаттиқ кулиб юборди. Балки менинг қиёфам маъқул бўлмагани учун кулгандир! Бу борада уларни асло айблай олмайман! Баъзан соқол қиртишлаётганимда, ўзимнинг ҳам калламга шундай фикрлар келади.

Мен уйимга етиб келдим. У катта уйнинг юқори қаватида жойлашған ва меҳмонхона, ётоқхона ҳамда кичкина ошхонадан иборат эди. Бу уйга Пасадена-ситига келишдін олдин жойлашған эдим. У арzon, қулай ҳамда шаҳар марказига жуда яқин эди. Лифтнинг йўқлиги мени асло безовта қилмасди. Ҳар куни бешинчи қаватгача кўтарилиш гавдамни тўғри тутишга ўргатиш билан бирга кутилмаган мижозлардан мени халос қиласарди. Юқорига чиққач, мен бироз ҳансирағ қолдим. Ҳар сафар шундай ҳол рўй берганида, чекишини таш-

лайман, деб ўзимга сўз бераман, аммо жуда яхши биламанки, бу билан ўз-ўзимни алдайман, холос.

Эшикни очиб, меҳмонхонага кирдим. Унда ним қоронғилик ҳукм сурар, шунинг учун мен чақирилмаган меҳмонни дарров пайқамаган эдим. Агар уй қаршисидаги неон чироқларидан тушган нур хона ичини ёритмаганида, мен бу одамни умуман кўрмас эдим. У менинг севимли оромкурсимда ўтирас, бу оромкурси дераза яқинида бўлиб, кутилмаган меҳмон оёқларини бир-бирига эмин-эркин чалиштириб олган эди. Қўллари эса тиззаси узра ёзиб қўйилган газета устида. Мен чироқни ёқдим.

Бу чақирилмаган кимса ўспирин бўлиб, ўн саккиз ёшларда эди. Эгнида қора мой теккан куртка, бошида попукли қалпоқча бўлиб, қора вилвет шим кийган. Бўйнига қора, пахтадан қилинган рўмолча ташлаб олган. Бундай ёшдаги йигитчаларни ўзига ўхшамаган кишилар даврасида, барлар ёнида учратиш мумкин. Улар кўчанинг кунда-шундаси; улар ёвуз, сарғайиб қолган чўчқа ёғини эслатарди. Кўзлари қотиллар ҳамда бангиларнинг кўзига ўхшаб бефарқ боқади атрофга. Бу йигитнинг бир қулоғи узилиб тушган, энгагида узун, оқарган тиртиқ кўзга ташланарди.

Ўсмир менга хунук тиржайиб қаради.

– Ха, ошна, мен умуман келмасанг керак, деб ўйлаган эдим, – деди у хирқироқ овозда.

Мен полицияхонада анчадан бери ётган тўппончамни олмаганимга афсусланиб қолдим. Даствлабки қўрқувни бир амаллаб бартараф этдим, ҳар ҳолда ёнимда тўппонча бўлганида, анча енгил бўларди менга.

– Жин урсин, бу ерда нима қиляпсан? – деб сўрадим мен.

– Ўзингни бос, ошна, ўтири. Сенда ишим бор, – шу сўзларни айтар экан, у менга курсини кўрсатди. Шунда мен бу ўсмир кўлларига қора қўлқоп кийиб олганини пайқадим. Бирдан жиққа терга ботдим! Мени жиддий хавф-хатар кутаётганини тушундим. Бу нусханинг неғадир ўзига ишончи жуда зўр эди. Мен унга тикилиб қарадим. Кўзларининг қорачиклари кенгайган, афтидан, у бошдан-оёқ гиёхванд моддага тўйинган эди.

– Сенга икки сония вақт бераман, туёғингни шиқиллатиб қол. Акс ҳолда ўзим сени улоқтириб юбораман, – дедим мен мумкин қадар ишонч билан.

У тиржайди ва жимжилоги билан бурнининг учини тортди. Бундай ҳаракатидан тиззасида турган газета полга сирғалиб тушиб кетди. Мен қирқ беш калибрли, ўн иккита ўқ кетадиган тўппончани кўриб қолдим.

– Ўтири, ошна, биламан, сенда замбарак йўқ, – деди у. Кейин тўппончасини чертиб қўйди. – Бу овозни пасайтиради, товушни ютади, уни ўзим ясаганман. Тўғри, у фақат бир марта отишга ярайди, аммо шунинг ўзи ҳам етарли.

Мен курсига аста чўқдим. Биз анча вақтгача хукм сурган сукут ичиди бир-биrimizga қараб қолдик. Бизни олти футли гилам ажратиб турарди. Ундан кир ва тер ҳиди, тамаки иси анқир эди.

– Сенга нима керак? – сўрадим мен.

– Яшаш жонингга тегмадими, ошна? – саволга савол берди у оромкурсига яхшироқ жойлашиб ўтиаркан. – Агар жонингга теккан бўлса, унда ҳаётни тарк этсанг жуда яхши бўларди.

Гиёхванд ўсмирнинг чуқур, ифодасиз кўзларига қараб, елкаларимга чумолилар ўрмалагандай ҳис қилдим ўзимни.

– Мен яшашни яхши кўраман, – деб жавоб бердим нимадир дейиш учун.

– Бу ёмон, – деди у ва тўппончанинг учини тўппа-тўғри менга қаратиб қўйди. – Сенинг маъшуқанг борми?

– Бор, битта эмас, нима эди?

– Шунчаки, қизик-да. Агар сенинг гумдон қилинганнингни билиб қолишиса, афсус чекишадими?

– Эҳтимол. Биттаси ёки иккитаси афсусланади. Менга қара, бу аҳмоқона гап-сўзларнинг нима кераги бор? Менда ишинг борми ўзи? Мен сенга нима қилдим?

– Хеч нарса қилганинг йўқ, – унинг қалин, қонсиз лабларида тиржайиш пайдо бўлди. – Афтидан, сен ёмон йигитга ўхшамайсан. Уйинг ҳам яхши. Мен кўрдим, машина миниб келдинг, машина ҳам рисоладаги-дай.

Мен чуқур нафас олдим.

– Борди-ю сен тўппончани бир четга қўйиб, биз ўртоқларча гаплашиб олсак-чи? – деб таклиф киритдим, гарчи унинг рози бўлишига кўзим етмаса ҳам. – Эҳтимол, бирга ичишармиз.

– Мен ичмайман.

– Ундей бўлса, сендан хурсандман. Баъзида менинг ҳам ичгим келмайди. Шу ернинг ўзида ичимликлар тайёрлаш мумкин. Бу сени қониқтирадими?

У бош чайқади:

– Хозир ичимлик ичиб, базми-жамшид қиласиган вақт эмас.

Бу тентак билан сухбат давомида миям кучли ра-вишда ишлаб кетди. Йигит жуда кучли ва бардам эди, агар тўппончаси бўлмаганида, мен у билан ёқалаша олардим. Менда яна қандайдир қувват бор, бунинг устуга иккита айёrona усулларни ҳам биламан. Бизни

фақат олти фут ажратиб турар эди. Агар құлида түп-понча бұлмаганида, мен бир сакрашда унинг ахволини танг қилиб қўядим.

– Нега биз тантана қилмас эканмиз? – дедим мен оёғимни курсидан сал нарига силжитиб. Бундай ҳолат зарурий пайтда ундан халос бўлишимга имкон бериши мумкин эди.

– Отиш билан боғлик базм, – деди у ҳихилаб.

– Кимни отишаркан?

– Сени, ошна!

Мен терлаб кетдим: илгари ҳам шундай хавфли вазиятга тушганман, аммо бунисига биринчи бор дуч келишим эди ҳозир.

– Нима учун? Сабаби борми?

У тўппончани кўтарди ва юзидаги тиртиғини босган терни артди.

– Билмайман. Бу мени қизиқтирмайди, мен шунчаки пулга ишлайман.

Мен қақраб кетган лабларимни ялаб қўйдим.

– Мени ўлдиришинг учун сенга пул тўлашдими?

– Албатта, ошна, бўлмаса нега сени ўлдираман?

– Шу ҳақда айта қол, – синик товушда унга мурожаат қилдим мен. – Ҳали вақтимиз кўп. Сенга қанча тўлашди?

– Билмайман, ошна. Мен бильярд ўйнаётгандим, бир нусха келиб, беш юз танга ишлаб олишни хоҳламайсанми, деб қолди. Бир чеккага ўтгач, у менга юзталик берди. Колганини сени ўқ билан сийлаганимдан кейин беришини айтди. Шунинг учун бу ерга келдим.

– Ким эди ўша одам?

– Қандайдир нотаниш нусха... Қаерингдан отай, сени, ошна? Мен бу матоҳни жуда яхши эплайман-да!

Бошга ўқ узиш – энг яхиси, аммо буни ўзинг танлашинг керак.

– Ўша нусханинг кўриниши қандай эди? – умидсиз ҳолда сўрадим мен.

Меҳмоним қовоғини уйиб, тўппончани тўппа-тўғри юзимга тўғрилади.

– Бу ҳақда ташвишланмай қўя қол, – деди у ва товуши янада баланд, қатъий тус олди. – Хозир ўзинг тўғрингда ўйлайдиган пайт.

– Беш юзталик, бу – жуда катта пул эмас. Мен ундан кўпроқ беришим мумкин, – дедим мен. – Минг ҳисобида бўладими?

– Мен ҳамиша келишилган битимларни бажараман, – иржайиб жавоб берди у.

Шу аснода орқа томондаги телефон кескин жиринглади. Кўнғироқ овози йигитни бирдан чўчитиб юборди ва у ғайрииҳтиёрий равишда товуш чиқкан томонга ўгирилди. Шунда мен тақдир тухфа қилган фурсатдан фойдаланиб қолдим – у томонга кескин отилиб, каллам билан юзига қаттиқ урдим ва қўлидаги тўппончани уриб туширишга уриндим. Зарбам ниҳоятда қаттиқ эди, бошим билан урганимда, рақибимнинг оғзидан ва бурнидан тирқираб қон келди. Тўппончани тортиб ололмадим, йигит тепкини босишга улгурди. Ўқ овози эшитилди. Унинг овози худди ҳаво тўлдирилган қофозхалтанинг пақиллаган товушига ўхшаб кетди. Йигит, мен ва оромкурси ҳар томонга учеб кетдик.

Менинг рақибим, ўзим тахмин қилгандек, ёш ва етарлича бақувват эди, кўллари ҳам худди пўлат дастаклардек. Аммо у биринчи зарбам туфайли гангид қолган, акс ҳолда менга ўқ узиши мумкин эди. Мен сакрашга улгурдим ва кафтимнинг қирраси билан ку-

ним борича унинг бўйнига туширдим. Бу усул ўсмирни оёғидан йиқитди ва у тўппончани тушириб юборди. Аммо ўзига келгач, у икки қўзимнинг ўртасига жуда кучли зарба берди. Мен бир неча сония мобайнида кўз олдимда фақат оловланган учқунларни кўрдим, гўё кимдир бошимга болға билан туширгандай эди. Аста-секин энгашиб полга йиқилиб тушдим, айни шу пайтнинг ўзида рақибим оёқда турди. У юзимга тепиб юборди, аммо зарбаси унчалик кучли эмасди. Мен уни илк зарбада ёқ үриндиқдан учириб юборган эдим, бундай нусхалар биринчи мағлубиятидан сўнг анча вақтгacha ўзига кела олмайди. Унинг иккинчи тепкисига мен елкамни тутиб химояландим. Ўзимни тезда четга олдим ва қандайдир ҳолатда ўрнимдан туришга харакат қилдим. Энди биз юзма-юз турар, тўппонча эса иккимизнинг ўртамиизда – полда ётарди. У ўшқириб юборди, аммо тўппончага эгилмади. Чунки шундай қилса, оёғимни ишга солишимни тушуниб қолган эди. Сўнгра рақибим менга худди бор кучи билан қутирган буқадай ташланди. Мен уни юзига мушт тушириш билан қарши олдим, аммо у барибир гавдаси билан устимга ёпирилиб келди, иккимиз ҳам деворга бориб урилдик. Мен яна каллам билан унинг юзига қаттиқ уриб, қорнига олтита тез-тез мушт билан солдим. Унинг эса икки мушт туширишиданоқ бошим айланиб кетди. Аммо қорнига урилган зарбалар рақибимни ҳолдан тойдирган эди, шунинг учун у чекинди. Шунда бирдан унинг қўлида пичноқни кўриб қолдим.

Биз яна бир-биримизга қарама-карши турардик. Рақибимнинг юзи буткул қонли ниқобга ўхшаб қолган бўлса-да, ҳали кучи кўп эди. Мен бир неча қадам орқага тисарилдим. У яна бўкириб юборди ва аста-секин

менга яқинлаша бошлади. Мен елкамни деворга тираб турдим. Рақибим қўлида пичоқ билан ташланганида, чап қўлимда химояландим-у, ўнг қўлим билан жағига боплаб туширдим. Бу жуда кучли, «портлайдиган» зарба бўлиб, йигитчанинг кўзлари тепага қараб қолди ва тебрана бошлади. Пичоқ қўлидан тушиб кетди ва мен уни бир чеккага тепиб юборишга улгурдим. Кейинги лаҳзада ўсмир олдинга қараб йиқила бошлади, шунда мен яна унинг жағига туширдим, бармоқларим юз терисини шилиб кетди. У полга чўккалаб қолди ва юзи билан гиламга қулади. Мен эса яна елкамни деворга тираб озгина бўлса-да, нафасимни ростлаб олмоқчи бўлдим. Ҳаддан зиёд ҳолдан тойганимни сездим: бундай кучли зарбаларни анча вақтдан буён бошимдан ке-чирмаган эдим.

Шу пайт бирдан эшик очилиб кетди ва хонага икки полициячи бостириб кирди, уларнинг қўлларида тўп-понча бор эди. Биз ўзаро муштлашиб, бутун уйни саросимага солиб қўйган эдик. Шу онда рақибим туйқус ёнига ағдарилди-ю, бирдан тўппончага ёпишди. У барибир ваъда қилинган пулни ишлаб олмоқчи эди. Мен оҳиста тахта қокқандай овозни эшилдим ва ўқ бошимдан ошибб, деворга текканини, девор шувоги тўкилганини сездим. Полициячилардан бири унга қаратा ўқ узди, бу пайтда ўсмир тўппончадан иккинчи марта отиб, мени гумдон қилмоқчи бўлган эди. Ҳар қалай, полиция нозири ўз бурчини вижданан адо этди.

## ИККИНЧИ БҮЛИМ

Еруғлик воситасида күрсатыладиган лавҳада «Чекилмасин, камарларни үтказинг» деган ёзув ёнгач, тепакал бақалоқ киши зўр бериб иллюминатордан қарашга уринарди.

– Мана, Гонконгга ҳам учиб келдик, – деди у. – Қанчалар гўзал! Айтишларича, ер юзида бошқа бундай жой йўқ эмиш!

Шеригимнинг боши туфайли мен бу манзарани кўришдан бебахра қолган бўлсам-да, камарим билан машғул бўлдим. Ҳар ҳолда жимиirlаб ярқираган денгизга нигоҳ ташлашга улгурдим.

– Сиз бу ярим оролда қоласизми? – деб сўради шеригим мендан.

– Йўқ, мен кўрфазнинг бошқа томонига бормоқчи-ман.

Унинг терлаган юзида норозинамо ифода пайдо бўлди.

– Бу ер – яхши жой. Шинам меҳмонхоналар ҳам, дўконлар ҳам бор! Афтидан, сиз Гонконгга иш билан келган бўлсангиз керак?

– Худди шундай, – жавоб бердим мен.

Бу изоҳим уни қаноатлантириди. Самолётдаги йўловчилар юкларини йиғишга киришиб, кўчма зинадан туша бошлишди. Одатдаги туртиб ўтиш, кечирим сўрашлар билан нихоят ташқарига, очик ҳавога чиқдик.

Ўн дақиқадан сўнг мен божхонадан ўтиб, шовқин-суронга, одамлар ғиж-ғиж қайнаб ётган аэропортга тушиб қолдим. Самолётда ёнма-ён ўтирган шеригим

қайсиdir меҳмонхонанинг кичкина автобусига ўтириб жўнаб кетганига кўзим тушди. Биз бир-биримизга қўлимизни силкитиб қўйдик. Шунда бирваракайига олтита рикша ёнимга келиб тўхтади, уларнинг эгалари бақириб, турли имо-ишоралар қилишарди. Ҳаммасининг ёши ўтинқираган, сарғайган ва қотма юzlари тами қилган ҳолда, раҳм-шафқатга тўла ифодани англатиб турарди. Мен бу тўда қошида бир қарорга келолмас эканман, олдимга чорпахил, елкалари кенг хитойлик киши келди ва таъзим қилди. У европача кийинган эди.

– Эҳтимол, сизга ёрдамим тегар? – деди у. – Сизга такси керакми?

– Мен Ванхойдаги «Осмон салтанати» меҳмонхонасига боришим керак.

– У ҳолда оролга ўтишингиз керак бўлади, – хитойликнинг юзида илтифотли ҳайрат акс этди. – Сиз, яхшиси, кемагача такси олишингиз керак, шундан сўнг Ванхойга қараб йўл олсангиз бўлади. Меҳмонхона паромнинг нариги томонида жойлашган.

– Миннатдорман сиздан, – дедим мен. – Ҳайдовчи инглизча гапира оладими?

– Бу тилни кўпчилик тушунади, – у навбатда турган таксига ишора қилди. – Рухсатингиз билан...

У олдинга қараб йўлга тушди. Мен жомадонни кўтариб, унинг ортидан эргашдим. Хитойлик ҳайдовчига Хитой лаҳжасида нимадир деди. Ҳайдовчи ҳам хитойлик бўлиб,чувиллаб нималардир деди, менга бурилиб қаради, сўнг юзини ўгириди.

– У сизни кемага олиб боради, сэр, – деди каллахум хитойлик. – Бу бир доллар туради, Америка доллари эмас, ўзингиз тушунасиз, Гонконг доллари. Сизга яхши

маълум бўлса керак, Америка доллари салкам олти Гонконг долларига тенг, – у тилла қопламали тишлирини кўрсатиб жилмайди. – Сиз меҳмонхонани осон топасиз, у паромнинг рўпарасида жойлашган, – хитойлик бир нафас иккиланиб тургач, узрли маънода қўшиб қўйди: – Сизни огоҳлантириб қўйишим керак, «Осмон салтанати» америкалик жентльменларга унчалик маъқул тушмайди. Улар бошқа қўнимгоҳларни афзал қўришади. «Осмон салтанати» – осиёликлар учун.

– Мен бу гаплардан хабардорман, аммо ўша ерда тўхташни маъқул деб ҳисоблайман, – дедим мен. – Ёрдамингиз учун ташаккур.

– Ташаккур билдиришнинг ҳожати йўқ, сэр, – деди у ва чўнтағидан қалин ҳамён олди. Ундан ташриф қоғозини чиқариб, менга узатди. – Агар таржимонга зарурат туғилса, марҳамат, қўнғироқ қилсангиз кифоя. Гонконгга келган америкаликларга ғамхўрлик кўрсатиш менинг вазифам, сэр.

– Раҳмат, мен буни эслаб қоламан.

Мен ташриф қоғозини соатимнинг тасмасига қистириб қўйдим. Хитойлик таъзим қилди ва мен таксига ўтириб жўнадим. Самолётдаёқ аэропорт Коулун ярим оролида жойлашганидан хабарим бор эди, у Гонконг оролидан бўгоз орқали ажralиб турарди. Оролгача бўгоз бўйлаб паромда сузиб ўтиш керак, бу кечув кўпи билан беш дақиқа вактни олади, холос. Герман Жефферсон яшаган Ванхой Гонконг оролининг қирғоқ бўйи худудида жойлашган.

Паромгача бўлган йўлга бир неча дақиқа сарф бўлди. Коулун худудида одам қайнаб ётибди. Бу ерда юз километр жойга битта европалик тўғри келади. Ушбу манзара бесаранжом чумолиларнинг ҳаракатини эслаб

тади. Барча йұналишларда гуручли халта ортмоқлаган, бамбук таёқчасига оғир юкларни илдирған кишилар учрайди. Күчалар катта юқ машиналари, рикшалар ва хитойлик ишбилармонларнинг текис, пардоз берилған юзларини ялтиратиб үтирган автомобилларга тўлиб-тошган. Дўконлар пешлавҳаси Хитой тилидаги ёрқин ёзувлар билан жиҳозланган. Ариқ ва зовурларда иркит болалар ғужғон бўлиб үйнашади. Айрим дўконлар олдидаги хитойликлар гурухи чўккалаб таёқчалар ёрдамида гуруч еб үтиради.

Кечув олдидан мен ҳайдовчига кира ҳаки бердим ва чипта сотиб олиб, кеманинг тахта зиналари бўйлаб юқорига кўтарилидим, у одамларни бўғоз орқали олиб ўтарди. Кема аллақачон хитойликлар, америкаликлар ва бошқа сайёхлар билан тўлиб кетган, ёни кесик «чунгизама» кийиб олган ажойиб хитойлик қизларнинг хушбичим, текис оёқлари кўриниб турар эди.

Мен кеманинг жўнашига қадар кема саҳнида үтириб, вазиятни таҳлил қилишга ҳаракат қилдим. Назаримда худди кўп вақтдан бери Пасадена-ситини қолдириб кетгандай ҳис этдим ўзимни. Ёлланма қотил менинг сафаримни икки кунга кечиктирган эди. Ретникка ўзимга қилинган хужумнинг асл сабабини баён қилиб үтирмадим. Уйга келгач, бу аглаҳга дуч келиб, муштлашиб қолганимни айтдим, холос. Унинг уйга киришдан мақсади ўғрилик бўлган, дедим. Айтиб берганларим Ретникка умуман ёқмади, унга, айниқса тўппончага кийдирилган, овозни ютиб юборувчи мослама ніҳоятда шубҳали туюлди. Аммо мен ўзимнинг айтганларимда қатъий туриб олдим, шу билан бу иш поёнига етди. Ишончим комилки, бу йигитни ҳам айнан ўша Ҳардвик ёллаган. Менинг ўттиз саккиз калибрли

яна битта полиция түппончасини сотиб олишимга тұғри келди. Усиз бир қадам ҳам олдинга қадам ташла- масликка онт ичдим, аммо күпинча ваъдамни унугиб күйман.

Кема сохилга келиб тұхтади. Барча йүловчилар, шу жумладан, мен ҳам қирғоққа тушдик. Ванхой юз фоизгача факт хитойликлар билан тұлиб-тошган эди. Қирғоқолди ҳудудларнинг бари улар ихтиёрида, бундан сақич чайнаб турған иккита америкалик мустасно эди, холос. Бу ерда ҳам гуручни қолларга солиб, худди Коулундагидек югуришар, йұлак четларида савдогарлар چүкалаган күйи күкат сотар, рикшалар кажавалари билан турар, кир-чир болалар үйнаб үтиришарди.

Ёшгина қыздар менга даъваткорона нигоҳ билан қарашди. «Осмон салтанаты» меҳмонхонаси ибодатхона билан үйинчоқлар дүкөни үртасида жойлашган эди. Мен жомадонимни күтарғанча айланма ва тор зинапоя орқали меҳмонхона вестибюлига чиқдим. Баланд пештакта ортида ёши үтган хитойлик үтираар, у қоп-қора кийинган, бошида ҳам қора қалпок бор эди. Иягида сийрак оқарған соқоли бұлиб, қарашибари ҳам, бодом шаклидаги күзлари ҳам худди қора ипак матосига монанд равища маъносиз, ифодасиз эди унинг.

– Менга хона керак эди, – дедим жомадонимни пештакта олдига күйиб.

У менга бошдан-оёқ тикилиб қаради. Менинг костюм-шымим ҳаминқадар бұлиб, күйлагим ҳам учиш пайтида ғижимланиб кетган эди. Хитойлик эзилиб, букилиб кетган китобни шарикли ручка билан бирга менга узатди.

Китоб факт Хитой ҳарфлари билан тұлдирилған эди. Мен ўз исмимни ёзиб, шундан кейин дафтарни

қайтариб бердим. Қария девордаги тахтадан калит олиб, құлымга тутқазди.

– Ўн доллар, – деди у. – Йигирма еттинчи хона.

Мен ўн Гонконг долларини узатиб, калитни олдим ва күрсатилган йұналишга чиқдим. Йұлак бүйлаб борар эканман, эшиклардан бири очилди ва у ердан тұла-чадан келган америкалик денгизчи чиқиб келди. Унинг ортида толиққани юзидан билиниб турған хитойлик қиз пайдо бұлди. У боқиб семиртирилган Пекин кучу-гини эслатар зди.

Денгизчи шаҳдам қадамлар билан ёнимдан үтиб кетар экан, менга қараб құзини қисиб қўйди. Мен эшикни калит билан очиб, иккита каравот, шкаф ва стул қўйилган унча катта бўлмаган хонага кирдим. Бурчакдаги оқ тумбочкада ювениш учун тоғора қўйилган зди. Жомадонни қўйиб, стулга үтирдим. Кайфиятим ёмон зди. Албатта, мен яхшироқ меҳмонхонага жойлашсам бўларди, аммо иш барибир иш-да, бу ерга ҳашамат қўйнида яшаш учун келмаганман. Бу ерда Герман Жефферсон ва унинг хотини турған, улар учун бу гўша ажойиб туюлган, у мен учун ҳам яхши бўлмоғи керак.

Бир неча дақиқалардан сўнг асабларим бироз тинчланди. Тоғорада ювиндим, жомадонни очиб, нарсаларимни жавонга қўйдим. Меҳмонхона тинч, фақат кучадаги қатнов овозлари эшитилиб қоларди. Соатим йигирмата кам олтини күрсатар зди. Шунда унинг тас-масига ўзим қистириб қўйган аэропортдаги хитойликнинг ташриф қоғозига қўзим тушди. «Вонг Хопхо, инглиз тилида гаплашувчи гид», – деб ёзилганди унда, пастки қисмида телефон рақами күрсатилган зди. Мен ташриф қоғозини чұнтагимга солдим-у, йўлакка чиқдим.

Қарама-қарши томонда эшик ёндорига суюнганча хитойлик қиз туради. У ўрта бўй бўлиб, миқти жуссасига муносиб эди. Ялтираган, қоп-қора соchlари елкасига маҳкам қилиб турмакланган. Қиз юбка ва шиша рангидаги камзулча кийган эди. Унинг тезда кўзга ташланадиган жиҳати йўқ, лекин шунга қарамай, қиз ниҳоятда жозибадор кўринарди. У гўё чикишимни пойлаб тургандай, менга нигоҳ ташлади.

– Хэлло, жаноб, – деди у кулимсираб ва пешвоз чиқкан каби. – Менинг исмим Лайло. Сеники-чи?

Унинг оддийгина, самимий кулгиси менга жуда ҳам ёқди, кулганида оппоқ ва мустаҳкам тишлари кўриниб кетди.

– Нельсон Райан, – дедим мен эшикни ёпа туриб.  
– Шунчаки Нельсон деб мурожаат қилишинг мумкин. Сен шу ерда яшайсанми?

– Ҳа, – деди у ва менга дўстона назар ташлади. – Шу ерга жойлашдингми?

– Ҳа. Сен-чи, бу ерда анча вақтдан бери яшайсанми?  
– Бир ярим йилдан бери.

Мен бу қизнинг сўзларини кучли талаффузидан зўрға тушунардим. У менга маънодор қаради:

– Агар кўнгилхушлик қилмоқчи бўлсанг, чақир, мен келаман.

Бу мен учун кутилмаган ҳол эди, лекин мен ҳам хушмуомалалик билан жилмайдим.

– Яхши, ёдда тутаман, фақат менга ишониб қолматағин.

Эшиклардан бири очилди ва семиз, паст бўйли одам йўлакка чиқди. Бу пакана ёнимиздан шошиб ўтиб кетаркан, атрофга қарамасди. Унинг изидан анча ёш, деярли ўн беш ёшлардаги хитойлик қиз борарди.

У менга кескин назар билан қаради. Мен энди ушбу муассаса ҳақида нисбатан тушунчага эга эдим.

– Балки сен мен билан ҳозирнинг ўзида... – деди мұлойимлик билан Лайло.

– Йўқ, ҳозир бандман. Кейинроқ...

– Америкалик жентльменлар ҳамиша банд булишади, – деди у. – Хўш, балки бугун кечкурунди? – У афтини хунук буриштириди.

– Сенга айтдим-ку – кейин.

Мен вестибюлга ўтдим, одам жуда кўп эди. Шовқин-суронга тўлиб-тошган кўчага чиқдим. Олдимга дарҳол рикша югуриб келди.

– Полиция маҳкамасига, – дедим енгил кажавага чиқар эканман.

У майда қадамлар билан чопиб кетди. Йигирма-ўттиз ярд йўл босиб боргач, ҳаракатнинг дурустrok воситасини танлаб олмаганимни англадим. Катта автомобиллар ва юк машиналари рикшаларни умуман писанд қилмайди. Уларни истаган дақиқада уриб кетиши мумкиндай гўё. Шунинг учун Гонконг полиция маҳкамасига соғ-саломат ҳамда бус-бутун етиб борганимда елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди.

Ўз ишимнинг моҳиятини навбатчи полициячига баён этганимдан сўнг мени унча катта бўлмаган хонага бошлаб киришди. У ерда соchlари оқарган, мўйлови кичкина бош назоратчи ўтиради. Бир-биримиз билан танишгач, у менга ўтиришни тавсия этди. Бу жанобнинг номи Маккарти бўлиб, шотланд лаҳжасида гапиради.

– Жефферсон дедингизми? – у оромкурсида ўтирганча ўзини орқага ташлади ва стол устидаги чекилган трубкани қўлига олди. Унга тамаки тўлдириб, гапи-

да давом этди. – Нега безовта бўлганингизни тушуна олмаяпман. Биз бу масалада Пасадена-ситига жавоб юборганимиз. Мархумнинг сизга қандай алоқаси бор?

Мен унга Ж.Уилбур Жефферсон манфаатларини химоя қилиш бўйича иш тутаётганимни баён этдим.

– Менинг вазифам – унинг ўғли ва хитойлик аёл тўғрисида мумкин қадар кўпроқ маълумотга эга бўлиш, – дедим мен. – Сиз берадиган ҳар қандай маълумот биз учун жуда катта аҳамият касб этади.

– Сизга америкалик консул кўпроқ ёрдам бериши мумкин, – деди Маккарти трубкасини ёндириб ва пағапаға тутун чиқарап экан. – Менда бу одам билан боғлиқ маълумотлар жуда кам.

– Герман Жефферсон автомобиль ҳалокати туфайли ўлган. Бу қандай рўй берган?

Назоратчи елкаларини қисиб қўйди.

– Ёмғир ёғиб ўтган йўлдан ҳаддан зиёд катта тезлик билан ҳайдаган. Уни топганимизда жасадидан бир қисм бўлаклар қолган эди. Руль чамбараги уни худди тухумни пачоқлагандай мажақлаб ташлаган экан.

– Машинада бошқа ҳеч ким йўқмиди?

– Йўқ эди.

– У қаёққа кетаётганди?

Маккарти менга кулимсираб қаради.

– Билмайман. Бу – бахтсиз ҳодиса. Коулун яқинида, ундан беш миль нарида рўй берган. Эҳтимол, у ўша томонга йўл олгандир?

– Уни ким таниди?

Бош назоратчи жаҳли чиққанини зўрга яширди.

– Хотини.

– Унинг ҳаёти тўғрисида нималарни айтиб бера оласиз? У қаерда ишларди?

– Бу масалада ҳеч нима дея олмасам керак, – Маккарти оғзидан трубкани олиб, шифтга қараб қолди.

– Бахтимизга, бу бизнинг ишимизга кирмайди. У қонунни бузгани йўқ, шу сабабли унга ҳеч қандай эътиroz билдирамаганмиз. Жефферсон қонунларга риоя қиларди. Тўғри, баъзан у тўғрисида бизга ноҳуш маълумотлар ҳам келиб турган. Хусусан, хотинининг ахлоқсиз йўл билан топган пулларига яшаганига асло шубҳа қилмаса бўлади. Аммо, яна такрор айтаманки, биз америкалик фуқароларнинг шахсий ҳаётига асло аралашмасликка интиlamиз.

– Унинг хотини тўғрисида нималар дея оласиз?

Маккарти зериккандек қиёфада тутун пуфлади.

– У фоҳиша эди. Бундайлар билан кураш олиб борялмиз, аммо ишларимиз самараси етарлича эмас. Қочоқ аёлларнинг ишга жойлашиши жуда қийин. Улар учун маош топишнинг энг енгил усули, бу – фоҳишабозлик. Шаҳарни улардан қисман тозаладик, аммо иш бошимиздан тошиб ётибди.

– Мен унинг ўлдирилиши сабабини билмоқчи эдим.

– Бу борада сизга ёрдам беролмайман, – назоратчи стол устидаги бир уюм қоғозга алам билан қараб қўйди. – Мен бу жуфтлик тўғрисида нимаики билсан, барини лейтенант Ретникка етказганман. Қўшимча ҳеч нима илова қилолмайман.

– Начора, раҳмат, – деб жавоб бердим мен ўрнимдан турар эканман. – Мен бу ерда бироз ишламоқчиман, балки нимадир чиқиб қолар.

– Бунга шубҳам бор, – деди Маккарти ва қоғозларни олдига тортди. – Омад тилайман...

Биз бир-биримизнинг қўлимизни қисдик ва мен яна гувиллаб ётган кўчага чиқдим. Вақт етти яrimдан ош-

ган эди. Америка элчихонаси ҳам ёпилган бүлса керак. У ердан Жефферсон түғрисида бирорта маълумот олишимга унчалик ҳам ишонмайман. Асосан, ўзимнинг кучим ва майл-идрокимга суюнишим керак. Ҳозир бошимни кўпроқ қотиргани – ишни нимадан бошлашдан иборат масала эди.

Мен бир соатлар чамаси шаҳар кездим, оломон ва ён-атрофни кўриб чиқдим. Ўзимга тобора ёқаётган шаҳар муҳитига сингиб боравердим. Ниҳоят ичишга қарор қилдим-у, Ванхой соҳилларига қараб йўл олдим. У ерда бир нечта кичик барлар бўлиб, ҳар бири олдида тиззалаб ўтирган хитойлик фуқаро одамларни чорлаш билан овора эди. Мен шундай муассасалардан бирига кириб, шовқин солаётган мусиқа ускунасидан холироқ жой топиб ўтиредим. Барда олти нафар америкалик денгизчи ўтирас, улар ялқовлик билан муздек пиво симиришарди. Мендан бироз нарироқдаги иккита ишбилармон хитойлик эса ниманидир жиддий муҳокама қилишарди. Улар ўртасида бир тахлам аллақандай ҳужжатлар бор эди. Барнинг орқа томонида бир нечта хитойлик қизлар вайсаб ўтиришарди. Уларнинг баланд товушдаги чағир-чуғури қушлар овозини эслатарди.

Официант олдимга келди. Мен Таиланд вискиси ва «кока-кола» буюрдим. У буюртмани тайёрлагунча, қаердандир ёши улуғроқ хитойлик жувон келди-ю, менинг столимга ёндош бўш стулга ўтира қолди.

– Хайрли кеч, – деди у менга синчковлик билан тикилиб. – Сиз Гонконгда биринчи бўлишингизми?

– Ҳа, – жавоб бердим мен.

– Агар эътироз билдирамсангиз, сизга шерик бўлсам дегандим?

– Майли, эътирозим йўқ. Бирор нарса ичасизми?

У жилмайди, шунда оғзидаги тилла қопланган тишлилари ялтираб кетди. Мен официантта ишора қилдим, у шеригимнинг дидини жуда яхши билар экан, шекилли, буюртмаларимга қўшиб, бир стакан сут олиб келди.

– Бу ерда овқатни дуруст тайёрлашади, – деди у. – Агар овқатланишга иштаҳангиз бўлса, албатта.

– Ҳали овқатланишга бироз вақт бор. Сиз сутдан бошқа бирор аччиқроғидан ичмайсизми?

– Йўқ. Сиз «Глостерчер»га тушдингизми? У – шаҳардаги энг яхши меҳмонхона.

– Мен бу ҳақда эшитган эдим.

У менга синовчан тикилиб қолди.

– Сиз бирорта чиройли қиз билан вақт ўтказишни истамайсизми? Мен жуда кўплаб ёш ва гўзал қизларни биламан. Телефон қилинса бас, улар ҳар қандай хизматга шай бўлиб туришади. Агар бирортаси сизга ёқмаса, рад этишингиз мумкин. Агар бирортаси маъқул тушса, менга айтинг, тўғрилаб бераман.

– Раҳмат, фақат ҳозир эмас. Айтинг-чи, бундай қизларни топиш сизга қийинчилик туғдирмайдими?

У кулиб қўйди.

– Топиш қийин, дейсизми? Гонконгда чиройли қизлар жуда кўп. Улар шу йўл билан озгина бўлса-да, пул топишни исташади. Уларнинг жентльменларнинг кўнглини овлашдан ташқари нима ишлари ҳам бўларди.

«Осмон салтанати» меҳмонхонаси ушбу бардан борйиги 200 – 300 ярд масофада жойлашган эди. Агар бу аёл маҳаллий фоҳишаларни бошқарувчи қўшмачи бўлса, у тула равишда Чжо Янни ҳам билиши керак.

– Ўтган йили бу ерда дўстим бўлган эди, у бир қиз билан учрашган, қиз унга жудаям ёқкан экан, – дедим

мен. – Уни Чжо Ян дейишган. Мен у билан танишмоқчи эдим. Мабодо сиз уни танимайсизми?

Аёлнинг кўзларида сониянинг қисмларига тенг оний муддатда қандайдир ҳайратланиш акс этди. Агар мен уни кузатиб турмаганимда, буни мутлақо пай-қамаган бўлардим. Аммо у яна кулиб юборди ҳамда ингичка, қорачадан келган бармоқлари билан столни черта бошлади.

– Албатта, танийман, – деди у. – Жуда чиройли қиз. У сизга ҳам жуда ёқади. Агар хохласангиз, унга ҳозироқ қўнғироқ қилишим мумкин.

Энди ҳайрон бўлиш навбати менга келди:

– Нега энди хоҳламас эканман?

– У менинг энг яхши қизларимдан, – деб давом этди хитойлик аёл. – У сиз билан бирга меҳмонхонага боришига монелик қилмайсизми? Гап шундаки, у ота-онаси билан яшайди ва уйга эркакларни олиб боролмайди. Бу сизга ўттиз долларга тушади. Уй учун эса ўн доллар, шунингдек, менга уч доллар, – у яна жилмайди, тилла қопламалари ялтираб кетди.

Мен кулимсираш асносида, агар кекса Жефферсон хисоб-китоб қилиб, пулларини кимлар учун сарфлаганимни билганида, нималар дейиши мумкинлигини ўйлаб кўрдим.

– Хўш, нимаям дердим, жуда яхши, – дедим мен аёлга жавобан. – Аммо унинг Чжо Ян эканлигини қаердан биламан? У ўзини ҳар қандай ном билан аташи мумкин.

– Сиз ҳазиллашяпсизми? – деди хитойлик аёл менга диққат билан тикилиб. – У яна ким ҳам бўлиши мумкин?

– Ҳа, мен шунчаки ҳазиллашдим.

У ўрнидан қўзғалди.

– Мен бориб, қўнғироқ қиласман.

Хитойлик аёл залдан ўтиб, пештахта устида турган телефон гўшагини кўтарди. Қўнғироқ қила бошлар экан, денгизчилардан бири унинг олдига борди-ю ел-калаидан қучоқлаб олди. У, сабр қил, дегандек ишора қилди. Денгизчи менга қараб қўзини қисди, мен ҳам унга жавобан шундай қилдим. Бардаги мухит дўстона ва қўнгилли эди. Бизнинг келишувимизда ҳеч қандай сирлилик йўқ эди. Аёл гўшакни қўйганида, ҳамма нима гаплигини дарров тушуниб, бундан курсанд бўлди. Аёл денгизчи билан гаплашиб, яна телефонга энгашди.

Афтидан бу ерда иш жуда жадал борар эди.

Мен вискини охиригача ичиб, сигарета тутатдим ва ҳисоб-китоб учун официантни чақирдим. Шу пайт барга икки нафар американлик кириб келди ва охирги столдан жой олишди. Суҳбатни тугатиб, хитойлик аёл менинг олдимга келди.

– У ўн дақиқадан кейин шу ерда бўлади, – деди. – Агар келса, мен сизга имо қиласман.

Шу сўзларни айтгач, жувон мени тарк этиб, американликларнинг олдига борди ва уларнинг даврасида ўтириди. Орадан беш дақиқа ҳам ўтмай, у яна ўрнидан туриб, телефон томон йўл олди.

Чорак соат ўтгач, барга хитойлик қиз кириб келди. У баланд бўили, чиройли эди. Эгнига оқ-кора европача кўйлак кийиб олган. Қиз бояги аёлга қараган эди, у мен томонга ишора қилди ва жилмайди. Қиз гавдасини сиқиб турадиган кийимини қўз-қўз қилганча бар орқали ўтиб, менга яқинлашди. Денгизчилар менга ҳуштак чалиб қўйиши, аввал унга, сўнг яна менга қараб, дўстона тарзда жилмайиши.

Киз мен билан ёнма-ён ўтирди.

- Ҳэлло, – деди у. – Сенинг исминг нима?
- Нельсон, – жавоб бердим мен. – Сеники-чи?
- Чжо Ян.
- Чжо Ян, кейин-чи?

У стол устида турган сигарета қутисидан битта сигарета олди.

- Оддийгина Чжо Ян.
- Чжо Ян Чунг?

У мен томонга қаради-ю кулиб қўйди. Тишлари оппоқ, жуда чиройли эди.

– Ҳа, мени шундай дейишади. Буни сен қаердан биласан?

- Бултур дўстим шу ерда дам олган эди, – дедим мен.
- Сен билан кўришишни ўша одам маслаҳат берди.
- Мен хурсандман, – Чжо Ян бўялган лабларига сигарета қистирди ва мен уни ёқиб бердим. – Мен сенга ёқаманми?
- Албатта.
- Ундай бўлса кетдик.
- Майли.
- Сен менга хоним учун уч доллар берасанми?

Мен қизга уч доллар узатдим. Хитойлик жувон кулимсираб олдимиизга яқинлашди.

- Киз сизга ёқдими? – деди у уч долларни ола туриб.
- Агар мабодо мен керак бўлиб қолсам, шу ерга келаверинг. Доим шу ерда бўламан.

Ўзини Чжо Ян деб таниширган қиз ўрнидан турди ва ташқарига йўналди. Мен унинг ортидан йўлга тушдим, денгизчилар билан бош силкиб, хайрлашдим.

- Мен бу ерда арzon меҳмонхонани биламан, – деди у.

– Мен ҳам, – жавоб бердим унга. – Мен «Осмон салтанати» меҳмонхонасига жойлашдим. Ўша ерга борамиз.

– Яххиси менинг меҳмонхонамга борамиз, – у кўз қири билан менга қаради.

– Йўқ, меникига, – деб унинг қўлидан ушлаб, туда ичидан олиб чиқдим. У индамай, менга бўйсунганча эргашди, ундан қандайдир бегона атирларнинг хиди келади.

Биз меҳмонхонага боргунча бир-биrimизга ҳеч нима демадик. Унинг чиройли елкалари, узун, хуббичим оёқлари мафункор эди. Мен ишни унутаёзиб, кўпроқ унга маҳлиё бўлаётганимни сезиб қолдим. Хитойлик қария пештахта ортида мудраганча ўтирас эди. У бир кўзини очиб, аввал қизга, кейин менга бир қараб қўйди-ю, яна сўнгсиз сукутга чўмди. Мен қизни йўлак бўйлаб ўз хонамга бошлаб бордим. Хонасининг очиқ эшиги олдида Лайло тирноғига оро бериб турарди. У шеригимга бошдан-оёқ қараб, менга калака қилгандай кулиб қўйди. Мен ҳам унга жавобан кулдим ва эшикни калит билан очиб, Чжо Янни ичкари киритдим-у, эшикни калит солиб, ичкаридан қуфладим.

– Сиз менга ўттиз доллардан кўпроқ пул бера оласизми? – деди қиз. – Мен эллик доллар олишни хоҳлардим, – шу сўзларни айтиб, у тезда ечина бошлади.

Мен уни тўхтатишга зўрға улгурдим.

– Бир сония тўхта, – дедим мен. – Бунга шошилмаса ҳам бўлади.

У менга талмовсираб қараб қолди. Мен Чжо Яннинг ўлихонадан олинган суратини унга тутқаздим. У расмга қаради, сўнгра менга савол назари билан тикилди.

– Чжо Ян Чунг мана шу, – дедим унинг сўзсиз билдирилган саволига жавобан.

Киз шошилмай кўйлагининг тугмаларини қадаб олди. Шунда унинг кўзларида ҳорғинлик ва шу билан бирга хавф-хатарли ифода акс этди.

– Сизда унинг сурати борлигини мен қайдан билибман, – деди у. – Хоним менга бу ҳақда айтмади.

– Сен уни танийсанми?

Киз каравот қиррасига суюнди.

– Бу шунчалик муҳимми? Мен ундан анча чиройлиман-ку!

– Мен, сен уни танийсанми, деб сўрадим.

– Йўқ, танимайман, – у бетоқатлик билан елкаларини ўгириб, тескари қаради. – Мен ваъда қилинган пулни олсам бўладими?

Мен бешта ўн долларлик қофоз пулларни олиб, кўзга кўринарли жойга кўйдим.

– Чжо Ян америкалик Герман Жефферсонга турмушга чиқкан эди, – дедим мен. – Сен ўша Германни билармидинг?

– Мен у билан учрашганман... – қиз яна фотосуратга диққат билан тикилди. – Нега унинг кўриниши жуда ғалати? Худди ўлиқдай...

– Айнан шундай.

Киз даҳшатга тушиб, гўё сурат чақиб олгандай, уни четга улоқтирди.

– Ўликлар суратига тикилиш, о, бу жуда ёмон аломат, – деди у. – Менинг улушимни беринг, кетишим кепрак!

Мен Герман Жефферсоннинг фотосуратини чиқариб, уни ҳам кўрсатдим.

– Қара, бу – унинг эри.

У суратга бирров күз ташлади.

– Мен адашибман, бу одамни ҳеч қачон күрмаганман. Энди пулни олишим мүмкінми?

– Аммо сен ҳозиргина, Герман Жефферсон билан учрашганман, дединг-ку!

– Йүк, хато қилибман.

Биз бир-бириңизге индамай қараб қолдик. Унинг юз ифодасига боқиб, мен вактни бекор үтказаётганимни англашим. Бу қиз бошқа ҳеч нима дея олмайди. Мен унга пул узатдим, у сумкасига жойлаб, эшик томон йўл олди.

– Агар Герман Жефферсон ҳақида нимадир гапириб берсанг, бундан кўп пул оласан, – дедим мен унинг ортидан умид қилмасам ҳам.

– Яна такрорлайман, мен у ҳақда ҳеч нимани билмайман. Пул учун раҳмат.

У эшикни очиб, ғойиб бўлди. Мен эса ўтириб, пулни бехуда сарфлаганимни ҳамда ҳеч нима билолмаганимни тушундим. Аммо харажатлар мени унча безовта қилмас, чунки барчаси учун қария Жефферсоннинг маблағидан ишлатаётган эдим.

Мен самарасиз ўй-фикр юритишдан чарчаб, бирор жойга бориб овқатланмоқчи бўлдим. Йўлакда менга яна Лайло дуч келди. У эшик ёндорига суюниб туради. Лайло жуда башанг кийинган, қоп-қора соchlарига оппоқ Альп бинафшасини тақиб олган эди.

– Ҳалиги қиз ҳузурингизда кўпам қолмади, шекили? – деди у. – Мен шу ерда туриб, нега уни олиб келдингиз?

– Ҳа, шундай, ўзим... – мен Лайлого назар ташладим: у жуда мафтункор эди. – Қулоқ сол, мен билан бирга овқатланишга нима дейсан?

– О, жуда ажойиб фикр!

У тезгина хонасига кириб кетди, сумкасини олдида, қайтиб чиқди.

– Жудаям овқатлангим келяпти! Мен сизни энг яхши ресторанга олиб бораман. У ерда бизни мазали овқат билан сийлашади, бу қимматга ҳам тушмайди.

Биз меҳмонхонанинг кекса дарбони олдидан ўтиб кетдик, у аллақандай ҳисоб-китоб ишлари билан банд эди. Ингичка, сарғайган бармоқлари нозик мунчоқ доналарини илиб, ҳайратланарли тезлик билан ҳаралат қиласарди. У биз томонга, ҳатто қараб ҳам қўймади. Кўчага чиққач, биз такси машиналари тўхташ жойига қараб бурилдик.

– Биз кемагача боришимиз керак, – деди Лайло. – Ресторан ўша томонда жойлашган.

Биз кемагача бориб, бўғоз орқали нариги томонга ўтиб олдик. Шу вақт давомида Лайло бугун кўрган киносининг мазмунини сўзлаб берди. Хитойлик хотин-қизлар кинони ҳаддан ортиқ яхши кўришларини билиб олдим. Кинотеатрлар олдида узундан-узоқ навбатда турганларни бир неча бор кўргач, бунга тўлиқ равишда ишондим. Лайлонинг изоҳ беришига кўра, у яхши жойни эгаллаш учун эрталабдан навбатда турар экан.

Нариги томонга ўтгач, Лайло Натан-роудда жойлашган ресторангача пиёда юришни таклиф қилди, бу иштаҳани очишга ёрдам берар экан. Ёнма-ён юриб, сухбатлашишнинг иложи йўқ эди. Бу пайтда Коулуннинг барча кўчалари одамлар билан лиқ тўлган, сайр-томуша қилиш талай қийинчиликларни юзага келтиради. Ҳамма жойда неон рекламалари ярқирайди. Хитой иероглифлари афишаларда жуда шинам ва ярқираб кўринар экан, деган карорга келдим. Уларни ўқиб бўл-

майды, шу боис ушбу иероглифлар санъат асарлари билан бир қаторда туради. Күпrik устида рикшалар, машиналар ва велосипедлар тиқилиб кетган.

Ниҳоят биз бир амаллаб ресторанга етиб келдик. У ён томондаги күчалардан бирида жойлашган бўлиб, одамлар билан тўлиб-тошган эди.

– Биз мана шу ерда мазали ва яхшилаб овқатланишимиз мумкин, – деди Лайло.

Ресторан мени шовқин-сурони билан қарши олди, аммо мижозлар кўринмасди: ҳар бир стол парда билан тўсилган. Фақат коса-товор, ликопча ва хитойликларнинг хушчақчақ овозлари эшитилар эди. Хўжайн Лайлони таниб кулиб қўйди ва бизни худди шундай парда билан беркитилган стол олдида ёлғиз қолдириб кетди.

Лайло сумкасини стол устига қўйди, стулга яхшилаб ўрнашиб олди ва мени ёрқин кулгиси билан сийлади.

– Овқатга мен буюртма бераман, – деди у. – Аввал қовурилган майда қискичбақа, сунгра акула қанотидан қилинган шўрва ва, албатта, маҳсус буюртмали – тоблаб пиширилган жўжа тановул қиласиз. Кейин эса ўйлаб қўрамиз, аммо аввал – қовурилган қискичбақа.

У олдига келган официант билан кантон лаҳжасида гаплашди. У кетгач, эркаланиб, қўлимдан ушлади.

– Мен америкалик жентльменларни яхши қўраман, – деди Лайло. – Улар шу қадар серғайрат, шу билан бирга пуллари мўл.

– Аммо сен кўпам бу фикрга суюниб қолмагин, – дедим мен. – Акс ҳолда қачон бўлмасин ноумид бўлиб қолишинг мумкин. Гонконгда анчадан бери яшайсанми?

– Уч йил бўлди. Ўзим Хитойдан келган қочоқман. Тутинган акам елканли кемада Макаога қочишга ёрдам берди, кейин бу ерга келдим.

Официант хитой ароғидан олиб келди ва уларни жажжи пиёлачаларга қүйди. Ароқ жуда ўткир ва бироз иситилган эди. Официант кетганидан сұнг Лайлодан сұрадим:

– Сен Чжо Ян Чунг исмли қизни билармидинг? У ҳам қочоқмиди?

Лайло ҳайратланиб қолди.

– Ҳа, мен уни жуда яхши билардим. Уни қаердан танийсиз?

– Мен у билан таниш әмасман, – жавоб бердим мен.

Жим бўлишга тўғри келди, официант қисқичбака олиб келган эди.

– Унда исмини қаердан биласиз? – қайта сұради Лайло, у қисқичбақаларни чўп таёқчага илиб, соя қайласига аралаштираш эди.

– У менинг дўстимга турмушга чиққан, у билан биз битта шаҳарда яшар эдик, – мен қисиқичбақани чўп таёқчага қистириб, оғзимга солмоқчи бўлиб уриндим. Қисқичбақа жуда мазали эди. – Балки сен у билан учрашган чиқарсан? Уни Герман Жефферсон дейишарди.

– О, албатта! – Лайло жуда эпчиллик билан таомни паққос туширарди. Мен бор-йўғи учдан бир бўлак егуンча, у деярли ярмини пок-покиза туширди. – Мен Чжо Ян билан Кантондан қочган эдим. Унинг омади келди: америкаликка турмушга чиқди!

Официант ликопчага гуруч, майдаланган гўшт, қисқичбақа ва тухум солинган таом келтирди. Лайло гуручни ўз ликопчасига солди, унинг таёқчаси ҳавода ўйнар, гуруч доналарини оғзига ташларди. Бу мен учун мутлақо бажариб бўлмайдиган иш эди: таёқчалар билан ишлашда тажрибам етишмаслиги маълум бўлиб қолди.

– У аёл билан меҳмонхонада яшадими? – деб сўрадим мен, Лайлого етиб олиш учун дастурхонни гуруч билан тўлдириб ташлар эканман.

Лайло индамай бош иргаб қўйди. У қисқа вақт ичida жуда кўп овқат тановул қилиш ҳадисини яхши ўзлаштирган эди.

– Герман уйланишга қадар ўша қиз билан қўшни хонада уч ой бирга яшади. Шундан кейин ғойиб бўлди.

Акула қанотидан пиширилган шўрва катта идишда келтирилди. Лайло шу заҳоти ундан ўз идишига қўйиб олди.

– Қанақасига ғойиб бўлди?

Лайло елкаларини қисиб қўйди. Аслида шўрвани қошиқ билан ичиш одат тусига кирган бўлса-да, мен қиздан орқада қолмасликка муваффақ бўлдим.

– Нима учун унинг қизга эҳтиёжи қолмади экан?

Лайло менга масхаромуз ва ҳаёсиз назар ташлади, индамай шўрвани ичишда давом этди.

– У Чжо Янга осилиб, унинг ҳисобига яшаш учун уйланган эди, – деди бироздан сўнг. – Ўзи ишлаб, пул топа бошлаганидан сўнг қиз энди керак бўлмай қолди.

– У эрини боқиш учун қандай йўл билан пул топарди? – деб сўрадим жавобини олдиндан билсам ҳам.

– У ҳам худди мен каби жентльменларнинг вақтини хуш қиласди, – деди Лайло ва менга хотиржам қаради.

– Ахир пул топадиган бошқа усул йўқ-да!

Парда ортидан официант кўринди: у унча катта бўлмаган бўйра келтирди. Кейин изидан хитойлик бола саватда нимадир олиб кирди, саватда овқат ўрнига түяқуш тухумини эслатувчи шар бор эди. Болакай шарни бўйра устига юмалатди. Лайло ҳаяжонланиб деди:

– Диққат билан қара: ҳеч нимани назардан қочирма! Аввал жүжани ҳар хил зираворлар билан түйинтиришади, сұнг уни нилуфар баргига үраб, устидан лой суркашади, – деб изоҳ берди Лайло стулда типирчилаб үтирап экан. – Кейин эса уни бир неча соат қизиб турған күмир устига қўйишади. Қара, лой худди тошга үхшаб қолган.

Бола болғани олиб, лойли шарни бир неча зарбда уриб ёрди. Мен хушбўй ҳидни туйдим. Официант ва бола бўйра устида бир-бирига қарама-қарши ҳолатда үтиришди. Болакай нилуфар баргига ўралган таомни официант ушлаб турған идишга солди. Сўнг официант чаққонлик билан таомларни бизнинг тақсимчаларга солди. Лайлонинг қўлидаги таёқчалар ҳаракати икки баробар тезлик олди. Мен шу пайтгача бу қадар хуштаъм овқатни еб кўрмаган эдим. Лайло таёқчаларига гўштни қисганча, менга қараб:

– Қалай, ёқдими? – деб сўрай олди, холос.

Мен кулиб юбордим.

– Албатта, ёқди.

Хозирги лаҳзаларда Лайлого савол бериш ноўрин, албатта. У овқат ейишга буткул берилиб кетган эди, мен уни тўла-тўқис тушундим. Биз индамай жүжани паққос туширдик. Шундан кейин Лайло қўзиқорин, бамбук новдалари, шўр занжабил ва энг охирида бодомли пирог буюрди. Бу сафар мен таслим бўлдим. Жим ҳолда сигарета чекар эканман, Лайло ютадиган бунча миқдордаги егулиқдан ҳайратга тушган эдим.

Орадан йигирма дақиқа ўтгач, у қўлидаги таёқчани қўйди ва қаноат ҳосил қилгандек чуқур нафас олди.

– Қалай тушлик, маза қилдингизми? – деб сўради Лайло.

Мен унга шавқ билан қарадим: шунча овқат еган билан хүшбичим қоматини сақлай олган ва шунга мұносиб эди у.

– Ха, жудаям, – жавоб бердим мен.

У жилмайди.

– Сигаретандындан олсам майлими?

Лайлого сигарета узатиб, ёндиригичимдан олов чиқариб тутдым. У кичкина бүялған оғзидан тутун чикарап экан, менга кулиб қаради.

– Балки энди меҳмонхонага қайтармиз? – деди у. – Энди ишқий үйинни бошласак бўлади. Бундай тушликдан сўнг бу иш ёмон бўлмас эди.

– Ҳали эрта. Олдимиизда бутун кеча турибди, – дедим мен. – Менга Герман Жефферсон тўғрисида яна гапириб бергин. Сен тўйдан уч ой ўтиб, у пул топа бошлади, дединг-а? Қандай йўллар билан?

У қовоғини уйди. Кўрдимки, сухбатимиз мароми, Жефферсон тўғрисидаги гаплар уни жудаям зериктириб юборган.

– Билмайман. Чжо Ян менга ҳеч нима дегани йўқ. Бир куни мен унинг йиғлаётганига кўзим тушиб қолди, Жефферсон мени ташлаб кетди, деди у. Жефферсоннинг Чжо Янга муҳтоҗлиги қолмаган, чунки энди унинг ўзи пул топа бошлаган эди.

– Чжо Ян қандай йўл билан пул топганини айтмадими?

– Йўқ, бу билан нима ишим бор!

– У барибир ортга қайтмадими?

– О, нимасини айтасиз, у хотинининг ҳузурига тез-тез келиб турарди, – Лайло уятсиз кулгили ҳаракат қилди. – Фақат тунда келарди. Эркаклар ҳамиша ҳар хилликка қизиқадилар!

– Эри ташлаб кетгандан кейин Чжо Ян нима иш қилди?

– Қайдам... – Лайло менга ҳайрон бўлиб қаради. – Нима қилиши керак эди? Худди олдингидек ишлашни давом эттираверди.

– Жентльменларнинг кўнглини овлаш биланми?

– Бўлмаса, қандай яшаш керак?

– Агар Жефферсонда пул пайдо бўлган, Чжо Ян унинг хотини бўлса, хотинига нимадир бериши ҳам керак эди-ку.

– Хотинига урвоқ ҳам бермади.

– Сен билсанг керак, Герман ундан кетгач, қаерда яшади?

– Чжо Ян менга унинг Рипали-бейдаги жуда катта виллани эгаллаганини айтган эди. Мен кўрганман, – Лайло ичиқоралик билан ўлгудек қизғанган кўйи хўрсишиб қўйди. – У ер ниҳоятда гўзал эди... Улкан, оппоқ вилланинг зинапоялари тўғридан-тўғри денгизга туташиб кетган, кичкина соҳилда ҳам жуда чиройли катер бор эди.

– Чжо Ян у ерда бирор марта бўлганмиди?

Лайло «йўқ» дегандай бош чайқади.

– Йўқ, уни таклиф қилишмаган.

Сертабассум официант таъзим қила-қила яқинлашди ва хисоб-китоб варақасини узатди. Унда ёзилган пул миқдори кулгили даражада кам эди. Мен тўлар эканман, Лайло кузатиб турди.

– Сизга ёқдими? – сўради у.

– Жуда ажойиб тушлик бўлди!

– Ундай бўлса, энди меҳмонхонага қайтамиз ва айшу ишрат қиласиз.

Менинг рад этишим уни ранжитиши мумкин эди. Кузатишими, Гонконгда ўзининг қонунлари хамда ҳисларига итоат этган ғалати бир муҳит ҳукм сурарди. Боз устига мен ҳеч қачон хитойлик аёллар билан муомала қилмаган эдим. Энди бу сафар эътиборсизлик кўрсатиб бўлмасди.

– Яхши, – дедим мен. – Мехмонхонага қайтамиз.

Биз шовқин-сурон ҳамда қоронғиликни тарқ этиб, Натан-роудга йўл олдик.

– Эҳтимол, сиз менга кичикроқ совға олиб берарсиз? – деб сўради Лайло менинг қўлимдан ушлаб.

– Нимани олишни хоҳлардинг?

– Сизга кўрсатаман.

Биз бироз юрдик ва Лайло мени унча катта бўлмаган дўкон пешлавҳасига бошлади.

– Менга сиздан узук совға бўла қолсин, – деди у. – Майли, арzonидан бўлсин.

Биз бирга дўконга кирдик ва у нефритдан қилинган узукни танлади. Узук жуда оддий, аммо Лайло хурсанд бўлганидан терисига сиғмас эди. Сотувчи унинг нархини қирқ Гонконг доллари, деб айтди, аммо Лайло у билан ўн дақиқалар тортишиб савдолашгач, нихоят йигирма беш долларга сотадиган бўлди.

– Мен бу узукни ҳар доим такиб юраман, – деди у узукка табассум билан нигоҳ ташлар экан. – Доимо сизни эслаб тураман. Энди эса меҳмонхонага қайтамиз.

Мен ҳатто, ҳозиргacha нима рўй берганини англай олмайман. Лайлони кемадан қирғоқقا тушаётганда йўқотиб қўйдим. Биз томонга такси кела бошлади ва уч нафар бақувват хитойлик йигит мени туртиб юборди. Улардан бири соф инглиз тилида мендан кечирим сўрай бошлади, бу пайтда қолган иккиси ёнимда ту-

парди. Сүнгра учовлон мени ўз ҳолимга қўйиб, кутиб турган машинага ўтиришди-да, жўнаб қолиши.

Мен атрофга кўз югуртириб қараганимда, Лайло йўқ, уни гўё йўлак ютиб юборгандай эди.

\* \* \*

Мен Лайлони ўн беш дақиқа давомида кенг соҳил бўйлаб қидирдим. Аммо бунинг фойдаси бўлмади. Қиз ҳеч қаерда йўқ эди. Мен ташвиш, безовталик ва аччиқланиш ҳис-туйғулари билан чулғанган ҳолда меҳмонхонага қайтдим. Қария ҳамон пештахта ортига мудраб ўтирад эди.

– Лайло қайтмадими? – деб сўрадим ундан.

У оғир қовоқларини зўрға кутарди ва эътиборсизлик билан менга қараб жавоб берди:

– Меники инглиз тили тушунмайди, – яна қўзларини юмди.

Мен ўз хонамга кирдим. Лайлонинг хонаси эшиги очиқ эди. Мен чироқни ёқиб, хонани кўздан кечирдим. Лайло бу ерда ҳам йўқ эди. Мен унинг хонасидаги чироқни ўчирмай, хонамга келдим, Лайло қайтганида кўриниши учун эшикни очиқ қолдирдим.

Каравотга ўтириб чекдим ва кута бошладим. Бир соат чамаси вақт ўтди. Мен ўринда яхшилаб жойлашиб, ҳаддан зиёд иссиқдан ва тўйиб овқатланганимдан пинакка кетиб, ухлаб қолибман.

Нихоят офтоб нурлари қалин пардалар орқали ўтгач, мен уйғондим. Бу офтобда ётиб бўлмас, нокулай эди. Мен бошимни кўтардим ва соатга қарадим. Эрталабки етти-ю қирқ эди. Каравотга ўтириб, Лайлонинг хонасига кўз ташладим: у олдингидек бўм-бўш эди. Елкам узра совуқ нимадир ўрмалагандай бўлди: хаё-

лимда даҳшатли ҳодиса юз бергандек эди. Ишончим комил: Лайло мендан шунчаки кечиб кетмайды. У күп нарсани билар, бу кимнидир қониқтирмас эди. Шунинг учун уни ўғирлаб кетишиди.

Нимадир қилишим керак. Мен сакраб ўрнимдан туриб, соқолимни олдим, дарз кетган тоғорада ювиндим. Топ-тоза кўйлагимни кийиб, ўзимни тартибга келтирдим. Сўнг эшикни ёпдим-у, йўлакка чиқдим. Пештахта ортида битта бола турар, у, назаримда, қариянинг на-бираси эди.

– Лайло ҳозиргача қайтмадими? – дедим мен.

Бола саросима ичида кулимсиради ва таъзим қилди. Афтидан, у бирортаям сўзимни тушунмаган эди. Кўчада такси ушлаб, полиция маҳкамасига йўл олдим. Омадим чопди. Маҳкамада машинадан эндиғина тушган назоратчи Маккартига дуч келдим. У билан бирга барга кириб, оқ сопол пиёлачаларда аччиқ чой ичдик. Мен Маккартига бор гапни айтиб бердим. Аммо Маккартининг бу борадаги муносабати менда ноxуш таас-сурот уйғотди. Британиялик полициячиларнинг тепса-тебранмаслиги фифонимни фалакка чиқариб юборган эди.

– Мен сизга, у бахтсиз ҳодисага учраган, деяпман, ахир, – такрорладим бақириб юбормаслик учун. – Бунга ишончим комил! У шундоқ ёнгинамда эди, зум ўтмай ғойиб бўлди. Ҳозиргача меҳмонхонага қайтгани йўқ.

Маккарти трубкасини олиб, уни шошилмасдан та-макига тўлдира бошлади.

– Биродар, – деди у, – бу ҳаяжонланишга асло арзимайди. Мен ўн беш йиллик тажрибам мобайнида бундай қизлар билан роса тўқнаш келганман, сиз айтган

воқеаларнинг кўпига гувоҳ бўлганман. Эҳтимол, уни нимадир кўпроқ қизиқтирган-у, сизни шунинг учун ташлаб кетиб қолган. Бу уларнинг доимий қўядиган тузоги. Улар сизда нимаики бўлса, шилиб олишади-ю, кейин ғойиб бўлишади.

Мен ғазабимни зўрға ичимга ютиб, чойни ҳўплаб ичаман.

– Бу борада вазият мутлақо бошқача. Биз меҳмонхонага қайтмоқчи эдик. Йўқ, жин урсин, у кўп нарсани биларди, шунинг учун уни ўғирлаб кетишган.

– Нима ҳақда биларди?

– Мен қотиллик бўйича ишни тергов қиляпман, шунинг учун менга айрим тафсилотларни гапириб берган эди.

Маккарти оғзидан тутун пуфлар экан, менга қараб жилмайди. Кўрдимки, у менинг қиёфамда навбатдаги америкалик телбани назарда тутмоқда.

– Хўш, у Америкада рўй берган қотиллик ҳақида қандай маълумот бермоқчи эди?

– Унинг айтишига кўра, Герман Жефферсон тўйдан уч ой ўтгач, пул топа бошлаган ва хотинини ташлаб кетган. Шуниси ғалатики, у Рипали-бейдан жуда муҳташам виллани ижарага олган.

Бош назоратчи беғараз кулиб қўйди.

– Биродар, бунчалик жиддий ёндашиш ярамайди, бир фохиша гапирса гапирибида.

– Демак, мен анойиман. У мени алдади ва бутун тун бўйи азоб чекишимни хоҳлагани учун ҳам хонасига қайтмади, шундайми?

Маккарти яна тутун пуфлади.

– Унинг учун тунни қаердадир ўтказиш – оддий иш, бу уларнинг касби ҳисобланади.

- Билмайсизми, америкаликлар орасида Рипалибейда истиқомат қилаётганлар борми?
- Назаримда, бор.
- Борди-ю, Жефферсон үша ерда яшаганида, сиз ҳам билган бўлар эдингиз.
- Албатта, аммо Жефферсон у ерда яшамаган.
- Демак, қиз мени алдабди-да?
- Бўлиши мумкин, – у елкасини қисди.

Мен вақтни беҳуда сарфлаётганимни тушуниб, бу фойдасиз сухбатни тўхтатишга қарор қилдим. Ўрнимдан турдим ва Маккартига шундай дедим:

- Чой учун раҳмат, ишончим комилки, биз сиз билан яна учрашамиз.
- Мен сизга ёрдам беришдан ҳамиша хурсандман.

Шундай қилиб, мен таксида меҳмонхонага қайтдим. Дарбон, кекса хитойлик аллақачон пештахта ортини эгаллаб ўтирас эди. У менга таъзим қилди. Ундан сўраш дуруст бўларди, албатта, аммо тил билмаслик мутлақо ўтиб бўлмайдиган тўсиққа айланди. Бундай ҳолатда менга малакали таржимонга эҳтиёж туғилди. Шунда «инглиз тилида гаплашувчи гид», яъни аэропортда менга ташриф қоғозчасини берган киши эсимга тушди. Балки у менга ёрдам берар?

Мен хонамга қараб йўл олдим. Лайлонинг хонаси эшиги берк эди, мен тақиллатдим. Ҳеч қандай жавоб бўлмади. Яна тақиллатдим, қулоқ солиб турдим, аммо ичкаридан овоз эшитилмади. Елкамни қисиб, яна ўз хонамга кирдим. Нимадир қилиш керак, аммо ҳали вақт эрта эди. Мен роса ўйладим, кейин ўзим билмаган ҳолда ухлаб қолибман.

Мени эшикнинг эҳтиёткорлик билан астагина тақиллагани уйғотиб юборди. Соатга қарасам, ўн бўлиб-

ди. Каравотдан тушиб, эшикни очдим. Йүлакда хитойлик бола турарди. У түхтөвсиз таъзим қилар, кулиб, күли билан вестибюлни күрсатарди.

Пастга тушганимда, қария дарбон менга телефон гүшагини берди. Биш назоратчи, полициячи Маккарти құнғироқ қилган экан.

– Менга айтиб берган қизингиз борасида құнғироқ қиляпман, – деди у. – Сиз унга нефритли узук сотиб ол-ганингизни гапирган әдингиз-а?

– Ҳа, қалбаки нефрит билан ясалған, – жавоб бердим шоша-пиша.

– Сиз ҳозир Читам-роуддаги полиция нозирхонаси-га кела олмайсизми? Бу Коулунда жойлашған. Бу, әх-тимол, сиз айтган қизга тегишли бўлиб чиқар. Қўлида нефритдан қилингандай узук бор экан.

– У ўлганми? – деб сўрадим мен шоша-пиша.

– О, ҳа...

Шундан сўнг телефон гүшаги орқали қимматбаҳо тамакининг ҳиди анқигандай бўлди.

– Агар сиз уни танисангиз, маълум даражада иши-мизни енгиллаштирган бўласиз. Шотландиялик Хэ-мишдан сўрайсиз.

– Худойим, яна битта шотландияликми?

– Худди шундай. Бизнинг полицияда шотландия-ликлар анчагина.

– Шотландиядан жуда мамнунман, – дедим киноя билан ва телефон гүшагини илиб қўйдим.

Орадан қирқ дақиқа ўтгач, мен Читам-роуддаги нозирхонага олиб борувчи зинапоядан юқорига кўта-рилардим. Улкан вестибюль деворида сурат осилган, ойна тагида ўлихонада олинган кўплаб даҳшатли фотосуратлар ёйиб қўйилган, денгизда, кўчада ўлиб

қолганларнинг суратлари эди бу. Ҳар бир расм тагида инглиз ва Хитой тилида таниб олишга даъват этувчи сўзлар ёзилган.

Навбатчи мени хонасига бошлади. У ерда жиддий чехрали, соchlари оқариб кетган ёш йигит қофозларга кўмилиб, тер тўкиб ўтиради. Мен ўзимни таништириб, навбатим нечанчи эканлигини билиб олдим. Ноzирнинг номини Хэмиш дейишар экан.

Хэмиш чўнтағидан трубкасини олди, у наъматак поясидан ясалган эди. Ажабо, бутун Гонконг полициячилари трубка чекувчилардан иборат! Мен Хэмиш трубкага тамакини қандай жойлаштириб, сўнг чекканини кузатиб турдим! Бу вақт мобайнида у совуқ кўзларини менга тикканча бақраяр эди.

– Шеф айтдики, сиз бу масалада бизга ёрдам берингиз мумкин экан. Уни кеча дарёning қуилиш жойидан топиб олишган, соат иккилар чамасида. Жасад мажакланиб кетган, шубҳасиз, у кемалардан бирининг остига тушиб кетган бўлиши керак.

Мен бирдан юрагим қисилганини ҳамда пешамдан совуқ тер чиқиб кетганини ҳис этдим. Хэмиш столдан қаддини кўтарди.

– Бу жин ургур хитойликлар нуқул ўз жонларига қасд қилишади, – деди у. – Бизда ҳар куни олтитагача ўлик бўлади. Улар ҳаётни жиддий қабул қилишмайди, шунинг учун уни қадрлашни билмайдилар.

Биз йўлак бўйлаб ўликхонага йўл олдик. Жасадларнинг кўплигига қараб, бу кеча полициячилар учун жуда серташвиш келган, деб айтиш мумкин, ўликлар қалин ёпинчиқлар остида ётарди. Сержант мени клеёнка билан нари-бери ёпилган стол олдига бошлаб борди. Унинг устидаги клеёнкани кўтариб, семизгина қўлни

күрсатди, бармоқлардан бирига сохта нефрит узук та-  
қилган эди.

– Мен нонуштага тузланган чүчқа нимтаси билан  
күймоқ тановул қиласман, – деди Хәмиш. – Агар сиз  
унинг узугини танисангиз, мени нонуштадан маҳрум  
қиласиз.

– Ха, бу ўша узук, – дедим мен ва ўз-ўзимга бутун-  
лай хунук кўринганимни хис этдим.

– Яхши, мен бош назоратчига шундай деб айтаман.

Аммо мен Лайло билан сўнгги бор видолашишим  
керак эди, шунинг учун клеёнкани кўтариб, унга узок  
тиклиб турдим. Кўз олдимда унинг хушсурат гавдаси,  
чиройли, оппоқ тишлари, кулгиси намоён бўлди. Мен  
Лайло билан жуда қисқа муддат бирга бўлдим, аммо у  
кўнглимдан жой олганини хис этдим.

Кемадан ҳали тушмасдан мени кутаётган изқуварга  
дуч келдим. У алпқомат киши бўлиб, юзлари қип-ки-  
зил, исми Макферсон эди. Бундай шотландча исмлар-  
нинг охири тугамайдиган кўринади! У мени полиция  
машинасида меҳмонхонагача олиб борди. Изқувар  
кекса дарбонга кантон лаҳжасида нимадир деди ва  
Лайло турган хонанинг калитини олди. Йўлак бўйлаб  
борар эканмиз, Макферсон менга шундай деди:

– Бу қари шайтон кутуряпти. Биз аллақачон бу иш-  
ратхонанани ёпишимиз керак эди. Аммо у қизни суюқ-  
оёқ эмас, деб айтгани-айтган.

Макферсоннинг сўзлари мени ўйлантириб қўйди.  
Лайло шотландиялик посбон айтганига қарама-кар-  
ши равишда мақтовларга сазовор аёл эди, у ҳеч қандай  
суюқоёққа ўхшамас эди.

Макферсон эшикни очди ва хонага кирди. Мен йў-  
лакда қолдим. Полициячи яхшигина тинтув ўтказди:

жавонда учта кўйлак ва битта тунги ички кийим бор эди. Макферсон қаноатланган каби «ҳм» деб қўйди.

– Шундай бўлишини билардим... – у жавон ичидан кумушсимон зар қоғоз олди. Бу бўлакни ўнта сигаретага жойлаш мумкин эди. – Биласизми, нима эканлигини? – деб сўради у менга зар қоғозни кўрсатиб, унинг ўртасида унча катта бўлмаган коракуя доғи бор эди.

– Билмайман, ўзингиз айтинг, – дедим мен.

У жавон ичини диққат билан яна бир бор кўриб чиқди ва майда шам бўлагини топди, уларни асосан исмлар ёзиладиган пироглардан тортиб олишарди. Макферсон каравотга ўтирди, у қўлида зар қоғоз ва шам тутган эди.

– Сизнинг қизингиз банги бўлган, у героин истеъмол қилган экан, – деди у. – Бу ерда ҳар ҳафтада бир дюжинага яқин гиёхвандлар ўз жонига қасд қилишади.

– Сиз нима учун уни гиёхванд деб атаяпсиз? – сўрадим мен.

– Манови ашё кимда бўлса, у гиёхванд ҳисобланади, – деди Макферсон. – Биласизми, бундан қандай фойдаланишади? Героинни зар қоғоз ичига солиб, уни олвода қиздиришади ва буғини хидлашади. Бунга бир неча сония кетади. Ҳукумат чекувчиларга қарши афюн урушини эълон қилиб, аҳмоқона иш тутди. Уларни шу йўл билан мавҳ этиши мумкин, деб бехуда ўйлади. Чекувчилар учун хона, ўрин керак ва, табиийки, чекиш учун аппарат керак, буларнинг ҳаммаси пул, ҳаддан зиёд кўп маблағ талаб қиласди. Биз учун шундай бузуқхонани топиш ҳамда бутун чекиш асбоб-ускуналарини йўқотиш ортиқча қийинчилик туғдирмасди. Чекиш учун асқотадиган трубка бир олам пул туради, бироз вақт ўтгач, чекувчиларни томма-том қувиш, таъқиб қилиш, ускуналарни синдириб ташлаш бутунлай жонларига

тегди. Бизга худди наркомания деярли тугагандай күринди, аммо биз адашдик... – изқувар шляпасини елкаси томон суриб қўйди ва давом этди. – Гиёхвандлар морфийдан героин ажратиб олишни ўрганиб олдилар, бунинг учун зар қоғоз парчаси ва шам керак бўлади, холос. Улар бу заҳарли тутун қаерда бўлмасин, ҳидлаб кетишлари мумкин: автобусларда, кинотеатр ва жамоат жойлари ва трамвайларда, хуллас, деярли ҳамма жойда буни ҳидлаб кетиш мумкин. Агар дикқат билан кузатсангиз, сиз мутлақо кутилмаган жойларда шам юқининг доғ-дуғларини кўришингиз мумкин. Афюн чекиши, албатта, ҳалокатли одат, аммо унинг оқибати ўлимга олиб бормайди. Героин эса, эсингизда турсин, афюндан тез ўлдиради. Агар афюн чекишга қарши курашмаганимизда ҳозир бизда героин ҳам бўлмасди.

У ўйланиб қолди ва бақбақасининг терини артди.

– Маъруза учун катта раҳмат, – деб Макферсонга миннатдорчилик билдиридим мен. – Аммо мен, бу қиз бангига эди, ўз жонига қасд қилиб ўлиб кетди, дея олмайман. Назаримда, уни ўлдириб, манови ашёларни сиз хисобга олишингиз учун ўзлари ташлаб қўйишган.

Изқуварнинг совуққон юзида ҳеч қандай ифода пайдо бўлмади. У трубкасини олиб, уни қоқа бошлади.

– Шундай деб ўйлайсизми? – киноя билан сўради кейин. – Шеф айтдики, сиз хусусий изқувар экансиз. Мен Чандлер ҳамда Хеммет асарларини ўқишини яхши кўраман. Улар тўқима воқеаларни баён этишади. Биз эса ҳақиқий ҳаёт билан иш олиб борамиз.

– Ҳақиқатан ҳам шундай, – дедим мен. – Майли, нима ҳам қиласардик, бунинг энди унчалик аҳамияти йўқ.

– Сиз нима учун уни ўлдиришган, деб ўйлаяпсиз? – сўради Макферсон ҳеч қандай қизиқиш билдирмай.

– Афсуски, менда сизни ишонтирадиган далиллар йўқ. Сиз Лайлонинг буюмларини нима қиласиз?

– Уларни полиция ихтиёрига топширишга тўғри келади. Балки бирор киши талаб қилиб қолар. Унинг қариндош-уруглари бор-йўқлигини қария ҳам билмаса керак. Менинг бундан аввал ҳам дарбонга ишим тушган эди: унга ҳеч қачон ҳеч нима маълум бўлмайди. Агар сизнинг ўрнингизда бўлганимда, қиз тўғрисида умуман ўйлаб ўтирас эдим.

Макферсон ўрнидан туриб, жавондан топилган буюмларни жомадонга тартибсиз ташлай бошлади.

– Агар сиз ҳам биз каби ҳар куни худди шундай ишга дуч келсангиз, уни аллақачон унутиб юборган бўлардингиз.

– Албатта. Бу гапингиз тўғри!

– Нима тўғри? – у менга диққат билан тикилди.

– Қотил Лайло ўз жонига қасд қилган деган холоса қолдириш учун шундай иш тутган.

У кутилмаганда кулди.

– Қўйсангиз-чи! Бизда ўз-ўзини ўлдириш билан боғлиқ бундай ҳодисалар юзлаб марта рўй берган.

Макферсоннинг бу қадар ўзига ишончидан кўнглим айниб, бехузур бўлди.

– Мен бу ҳақда аллақачон эшитдим, – деб йулак орқали ўз хонамга йўл олдим. – Агар сизга керак бўлиб қолсам, бу ерда яна бир неча кун бўламан, унутманг.

Макферсон талмовсираб сўради:

– Сиз нима учун менга керак бўлиб қолар экансиз?

– Биз бирорта детектив асарни биргаликда овоз чиқариб ўқисак дуруст бўларди, – деб жавоб бердим мен ва эшикни унинг нақ тумшуғи остида ёпдим.

\* \* \*

Энди қария Жефферсон пулларининг бир қисмини сарфлаш вақти келди, деб фикр юритдим мен. Ишончим комилки, кекса дарбон Макферсонга нисбатан менга кўпроқ маълумот бериши мумкин, факат кўпроқ пул қистириб, уни қизиқтириш керак. Изқувар меҳмонхонани тарқ этганига ишонч ҳосил қилганимдан сўнг мен дарбоннинг хузурига йўл олдим. У менга шубҳа билан тикилиб қаради. Мен телефонни кўрсатган эдим, истар-истамас уни олдимга суриб қўйди. Мен Вонг Хоп Хонинг рақамларини тердим, у худди телефон олдида ўтириб, қўнғироғимни кутгандек, дарров гўшакни кўтарди.

– Сиз мени эслайсизми? – сўрадим ундан. – Аэропортда ташриф қоғозингизни берган эдингиз. Менга таржимон керак.

– Сизга хизмат қилишдан хурсанд бўлардим, сэр, – деб жавоб берди у.

– Мен билан ярим соатдан сўнг Гонконг банки олдида учраша оласизми?

– Сўзсиз ўша ерда бўламан, – жавоб берди у.

– Менга машина керак.

У ҳаммасини кўнгилдагидай адо этиши ва бутунлай менинг ихтиёrimда бўлишини таъкидлади. Афтидан, жаноб Вонг Хоп Хонинг ишлари юришиб кетган кўринади. Мен унга миннатдорчилик билдириб, гўшакни жойига қўйдим. Сўнг меҳмонхонадан чиқиб, кемага ўтирдим, кейин эса такси билан банк тарафга йўл олдим. Мен чекдаги пулларни нақдга айлантириб, қиссамни Гонконг доллари билан тўлдирган эдим.

Кейин йўлакда туриб, Вонг Хоп Хони кута бошладим. Орадан ўн дақиқа ўтгач, у ярқираб турган «Пак-

кард» машинасида келиб қолди. Биз бир-биримиз билан құл олишиб сұрашдик, у үзини оддийгина Вонг деб аташни илтимос қилди; унга одатда америкалик сайёхлар шундай деб мурожаат қилишаркан. Мен машинага ўтирдим.

– Ҳозир мен тұхтаган меҳмонхонага борамиз, – дедим Вонгга. – У ерда хитойлик дарбондан айрим маълумотларни олишим керак, у инглиз тилини билмайди.

Вонг ҳайрон бұлди, унга изоҳ беришимга тұғри келди:

– Мен хусусий изқуварман, бир иш бүйича суриштириб юрибман.

У тилла тишлиарини ялтиратиб, фахрланғандек кулиб қўйди.

– Мен детектив асарларни кўп ўқиганман, – деди у.  
– Ҳақиқий изқувар билан танишганимдан хурсандман.

Мен унга эллик доллар узатдим.

– Бу бир кунлик харажатга, – дедим. – Сиз менга тез-тез керак бўласиз.

Вонг машина учун кўпроқ пул тўлашим кераклигини айтиб огохлантирди. Мен савдолашишим мумкин эди-ю, аммо уни ўз томонимга оғдириб олишни хоҳладим, шунинг учун рози бўлиб қўя қолдим. Биз меҳмонхонага йўл олдик, машинани эса соҳил бўйига қўйдик. Йўлни кесиб ўтиб, зина орқали вестибюлга кўтарилидик.

– Бу ёмон меҳмонхона, – деди Вонг, зинадан кўтарилар экан. – Сизга бу ерда қолишни маслаҳат бермайман, сэр! Агар истасангиз, сизни ажойиб меҳмонхонага жойлаштирадим.

– Бу ҳақда кейин гаплашамиз, – деб унинг сўзини бўлдим мен. – Ишга киришайлик.

Биз дарбонга яқинлашдик, у менга таъзим қилди, Вонгга эътибор ҳам бериб ўтиrmади.

– Унга таржима қилинг: бир нечта саволлар бермоқчиман, – дедим мен Вонгга. – Агар у менга ёрдам берса, яхши ҳақ тўлайман.

Вонг қандайдир шевада узундан-узоқ нутқ ирод этди, сўзлари вақти-вақти билан таъзимлар орқали бўлиниб турди. Бу вақт мобайнида мен пуллар тахламидан ўнта беш долларлик санадим-у, уларни букиб, қолганини чўнтағимга солиб қўйдим. Қарияни Вонгнинг нутқидан кўра менинг пулларим кўпроқ қизиқтириб қолди. Узоқ музокаралардан сўнг таржимоним, нихоят, чол барча саволларга жавоб беришга тайёр эканлигини билдириди. Мен Чжо Яннинг фотосуратини чиқариб кўрсатдим.

– Ундан сўраб кўринг-чи, бу қизни танирмикан?

Қария суратга қараб, бу қиз шу меҳмонхонада яшаган эди, ҳисоб-китоб қилмай, кетиб қолган, деб жавоб берди.

– Жаноб у қиз учун тўламайдиларми?

Мен рад этдим. Кейинги саволларга Вонг изоҳ бериб айтдики, у бир американликка турмушга чиқиб, бу даргоҳдан хонани ижарага олишган экан. Ҳа, унинг исми Герман Жефферсон экан, кейин у автомобиль ҳалоатида ҳалок бўлган. Ўлимидан сўнг қиз ҳисобидаги пулларни тўламай, кетиб қолибди. Мен Жейн Уэст берган фотосуратдаги Герман Жефферсонни кўрсатдим.

– Ундан сўранг-чи, бу одамни билармикан?

Дарбон фотосуратга тикилиб қаради ва уни менга қайтариб берди.

– Бу ўша жентльмен, у шу ерда яшаган эди.

– Анча вақт яшадими?

– Ўлимигача шу меҳмонхонада яшади, – деди қария.

Бу Лайло томонидан айтилган биринчи тафовут қи-  
лувчи далил эди. Лайло менга, Жефферсон ўлимидан  
ўн ой муқаддам меҳмонхонани тарк этган, деган эди.  
Хозир эса чол, Жефферсон бу ерда уч ҳафта муқаддам  
яшаган эди, демоқда.

Вонг чол билан қатъий овозда яна гаплашди, сўнгра  
шошиб-пишиб менга таржима қилди. Чолнинг ишон-  
тириб айтишича, америкалик бу ерда ўлимига қадар  
яшаган экан. Демак, қария рост гапираётган бўлса,  
Лайло мени алдаган.

– Унга Жефферсоннинг кетганини менга Лайло сўз-  
лаб берганини айтинг. Шундай экан, чол менга ёлғон  
гапиряпти, шекилли.

Вонг чол билан яна узундан-узоқ музокарага ки-  
ришди, сўнг кулимсираб, менга ўгирилди.

– Йўқ, у алдамаяпти, сэр. Ўша қиз хато қилибди.  
Жефферсон эрталаб тонгда кетиб, кечқурун коронғи  
тушганда келар экан. Шу сабабли у кетиб қолган деб  
ўйлаган-у, у билан кўп вақт учраша олмаган.

– У ҳолда нега Чжо Ян унинг кетиб қолганини айт-  
ган? – деб сўрадим мен.

Бу саволга дарбон ҳеч нима демади, бошини хам қи-  
либ, елкалари орасига олиб, фақат сукут сақлаб турди.  
Қария пулни ичиди ҳисоблаб, бу суҳбатни тўхтатишни  
хоҳлаётганга ўхшади. Вонг шундай деди:

– У бу саволга нима деб жавоб беришни билмайди,  
сэр.

– Жефферсон қайси пул ҳисобига яшади? – деб сў-  
радим мен суҳбат мавзусини ўзгартириб.

Дарбон бу ҳақда ҳам ҳеч нима билмас эди.

– Унинг олдига европаликлар келишармиди?

Жавоб:

– Йўқ.

– Чжо Янни дугоналари йўқлаб туришармиди?

Яна «йўқ» деган жавоб бўлди.

Нихоят, бирорта янги гап эшитмаганимни англайдим. Агар Лайло мени алдаган бўлса, мен яна терговнинг авж нуктасида турибман.

– У кетганидан сўнг бирорта буюми қолганми? – тўсатдан сўрадим мен. Бу ўта маккорона савол бўлиб, дарбонни қопқонга туширгандай бўлди.

– Йўқ, – жавоб берди у Вонг орқали. – Хеч нимаси қолмаган.

– У ҳамма лаш-лушини олиб, сизнинг олдингиздан қандай ўтиб кетган? Боз устига ҳақини ҳам бермаган экан?

Вонг аччикланиб, қарияга нимадир деди ва у иқор бўлиб, нарсалар солинган кира ҳақи учун жомадон олиб қолинганини айтди. Мен ўша буюмларни кўздан кечирмоқчи бўлдим. Қария бизни хонага олиб кирди, у Лайлонинг хонаси билан ёнма-ён эди. Чол эшикни очди ва каравот остидан арzonгина бир жомадонни олди.

– Бу жомадон ўша қизга тегишли экан, – деди биз билан хонага бирга кирган Вонг.

Мен жомадонга қарадим, у қулфланган эди.

– Иккингиз ҳам чиқиб туринг, – дедим уларга.

Вонг ва қария индамай хонадан чиқиб кетишди. Жомадон қулфини очиш жуда осон эди. Чжо Яннинг кийимлари Лайлоникига нисбатан анча дуруст эди. Мен жомадонни дикқат билан кўздан кечира бошладим. Унинг тагидан битта оқ пакет чиқди. Унда Герман Жефферсоннинг фотосурати бор эди: мен Жейн Уэстдан олган суратнинг айнан ўзи! Пастида эса «Хотиним

Чжо Янга» деб ёзилган эди. Мен Жефферсоннинг дарғазаб, шафқатсиз қиёфасига тикилдим, сўнг суратни конвертга солиб, жомадоннинг тагига қўйдим. Каравотга ўтириб, сигарета чекдим. Қизик, қандай қилиб бир хил сурат ҳам Чжо Янга, ҳам Жейн Уэстга тушиб қолди экан?

Бироз мулоҳаза юритганимдан сўнг шундай хуносага келдим: уларнинг ҳар иккиси ҳам суратни Жефферсоннинг қўлидан олган. Мен фикран Лайл ва кекса хитойликнинг кўрсатмаларини таққосладим. Улардан қайси бири бўлмасин очиқдан-очиқ ёлғон гапирган эди! Шундай экан, бу одам нима учун Лайл бўлиши керак? Бироз ўй-фикр юритгач, шундай қарорга келдим: энди бундай ўта қашшоқ меҳмонхонада қололмайман, бунга ҳеч қандай зарурият йўқ. Бу чигал воқеани ечиш учун яна қаердадир бўлишга тұғри келади.

Мен ўрнимдан туриб, йўлакка чиқдим, сигарета чекиб турган Вонгга кўзим тушди. Унинг ёнида қария йўқ эди, балки у олдинги жойига, пештахта ёнига қайтгандир.

– Ишларингиз жойида, деб ўйлайман, сэр?.. – таъзим қилиб деди Вонг.

– Кўрамиз, – деб жавоб бердим унга. – Мен бу ердан кетаман. Рипали-бейда бирорта меҳмонхона борми?

Вонг бир оз ҳайратланиб қолди.

– Ҳа, сэр. У ерда ажойиб меҳмонхона бор, сизга, албатта, ёқади.

– Бу ишни ўз зиммангизга олинг. Мен бу ердан дархол кетаман.

– Кўряпсизми, сэр, меҳмонхона шаҳардан маълум масофа узоқда жойлашган. Агар сиз Коулунга бормоқчи бўлсангиз, бу айрим қийинчилклар туғдиради.

– Бу мен учун унчалик мухим эмас. Қариядан ҳисобни олинг ва мени кетади, деб айтинг.

– Сиз ундан бошқа ҳеч нимани сўрамайсизми? – сўради Вонг, мен унинг юзида очик тарзда ноумидлик акс этганини пайқадим.

– Йўқ. Бу ердан тезроқ кетайлик!

Яrim соатдан сўнг биз «Паккард»га ўтириб, равон йўл билан Рипали-бей сари кетиб борардик.

Рипали-бей ҳақиқатан хушманзара маскан бўлиб, меҳмонхонаси ҳам ўзига жуда ярашган эди. Хушҳаво, гўзал боғлар, кўм-кўк тоғ мовий денгиз манзарасида товланиб қуринар, бари-бари бу дунёning бир бўлгини мафтункор гўшага айлантирган, мен бундай масканни илгари кўрмаган эдим! Ўз вақтида кўплаб сафарларда бўлганман, ажойиб қадамжоларни кўрганман, бироқ бу ер янада бетакрор эди.

Вонг денгиз томонга қараган хона олди. Менга «Паккард»ни қолдириб, ўзи анча узоклашди, кета туриб, у бутунлай менинг ихтиёrimda эканини айтди.

Мен дарҳол лаш-лушларимни жойлаштиридим-у, ишга киришдим.

Биринчи навбатда телефонлар китобчасини олиб кўрдим, у ерда Герман Жефферсоннинг номи йўқ эди. Пастда дарбон билан сұхбатлашиб, Жефферсон ҳақида бирор маълумот билмоқчи бўлдим. Дарбон бундай фамилиядаги кишини мутлақо эшитмаганини айтди. Мен ҳув анови оппоқ вилла, зинапоялари денгизга туашган кичик кемаларнинг тўхташ жойи ва катер кимга қарашли эканини сўрадим. У бироз ўйланиб, сўнгра деди:

– Сиз жаноб Лин Фанни назарда тутяпсиз, шекилли? Ҳозир у ерда жаноб Энтрэйт синглиси билан туради.

Кундузи мен пляж томон йўл олдим. Ижарага сув велосипедини олдим-у, бўғозда дам олаётган сайёҳ қиёфасига кириб, у билан суза кетдим. Мен оёғимни узоқ вақт ишга солиб, ниҳоят шундай қулай жой топдимки, бу жойдан қирғоқ бўйлаб бутун кўрфаз кўриниб турарди. Дарҳол Лин Фан вилласига кўз ташладим. Вилла алоҳида яшил бурунда жойлашган эди. Вилладан кичик бандаргоҳга қадар зинапояларда тушилар, у ерда тезюарар катер турарди. Агар борди-ю, Герман Жефферсон ҳақиқатдан ҳам бу ерда яшаган бўлса, бу унга арzonга тушмагандир! Аммо у аслида уни ижара га олганмикан? Балки Чжо Ян Лайлого вилла тўғрисида шунчаки мақтаниб гапиргандир? Аёлларда баъзан шундай ҳоллар бўлади-ку!

Мен эриниб сузар эканман, иккинчи қаватдан, дебраза орқали тўсатдан иккита ялтироқ нуқтани пайқаб қолдим. Кимдир мени дурбин орқали очиқ-ойдин кузатиб турарди. Кузатиш давом этаётганини кўрганим ҳамон дарҳол қирғоқ томон суза кетдим. Вилла билан тенглашгач, мен сездирмасдан у томонга қарадим: икки ялтироқ нуқта ҳамон менинг суратимни чизмоқда эди гўё. Қизиқ, менинг шахсим кимнинг диққатини жалб қилди экан?

Қуёш ботиши билан мен меҳмонхонага қайтиб, бундан кейин буладиган ҳаракат режаси устида фикр юрита бошладим. Эртаси кунигача калламга бирор арзигулик фикр келмади. Соат ўнда пляжда пайдо бўлдим-у, олтиндек товланган қумда ястаниб олдим. Маълум вақт Герман Жефферсон тўғрисида ўйламай қўйдим, уни унутдим, Жейн Уэст ва, хатто шўрлик Лайлони ҳам хаёлимга келтирмадим.

Мен бутун танамни қүёшга, қирғоққа уриладиган түлқин овози ҳамда баъзан табиат бизга инъом эта-диган эркинлик туйғулари ихтиёрига бериб қўйдим. Шу тарзда икки соатча ётдим, ҳеч нимани ўйламадим, танам қүёш нурини сўриб ётди. Кимдир менинг ёнимдан ўтганида ялқовланиб кўзимни очдим. Шунда қо-матдор, гавдаси қүёшда олтиндек товланган аёлга кў-зим тушди. Бу хоним гавдасининг бир қисмини қизил ёпингич салгина ёпиб турарди. Барча эркаклар, эъти-роф этиш керакки, шу жумладан, мен ҳам унга терми-либ қолдик. У иссиқ қум узра оҳиста юриб келар, енгил шабада пишиб етилган буғдой рангидаги чиройли соч-ларини тортқилаб ўйнар эди. У бамисоли Брамс муси-қаси сингари жон олар ва фитнакор эди!

Хоним шляпасини бир четга бепарво ташлади, сўнг соглача тезгина сузиб борди-да, унга ўтириб олди ва оёқларини сувга солди. У ерда ёлғизлангандай бўлди, шунинг учун унга шерик бўлгим келди. Ўзимни сувга ташлаб, олдигача сузиб бордим-у, солга ўтириб, қиз то-монга бироз сурилдим. У орқаси билан ётар, кўкрагини ингичка сийнабанд сиқиб туар эди. Тўсатдан у менга қаради.

– Агар сизга халақит берган бўлсам, айтинг, мен шу заҳоти қайтиб кетаман, – дедим мен.

У сукут сақлаб мени ўргана бошлади, шекилли, син-чиклаб тикилди. Унинг тажрибали ва ҳаётда оқ-қорани яхши таниган жувон эканлиги кўриниб турарди.

– Мен шерикликдан бош тортмайман, – деди кейин кулимсираб. Унинг овози паст ва енгилгина бўғиқ эди.

– Сиз бу ерга яқинда келдингиз, шундайми? Исмингиз нима?

– Нельсон Райан, – деб ўзимни таништиридим. – Мен бу исмимни адмирал шарафига олганман. Отам Англия тарихига жуда қизиққан ҳамда Нельсонга алоқадор киши эди.

– Мени эса Стелла Энрайт дейишади, – деди у. – Шу ерда яшайман. Янги чөхраларни учратиб қолиш ма-роқли! Сиз бу ерда узок турасизми?

Инсон шу қадар омадга эришиши мүмкінми?! Мен билан Лин Фандан виллани ижарага олган Энрайтнинг ўзи гаплашяпти-я! Балки омад әмасдир! Бу учрашув маҳсус уюштирилган бўлса-чи?

– Бу ерда яна бир ҳафта туриш ҳақида ўйладаяпман, – жавоб бердим мен ва сув ўтказмайдиган чўнтакчадан сигарета ҳамда ёндиригични олдим. – Сизнинг омадингиз бор экан, шу ерда яшайсиз. Шундай гўзал жойда!

Мен унга сигарета таклиф қилдим. Биз чекишдик.

– Ҳа, бу ер ажойиб, тўғри, ёз ҳаддан зиёд иссиқ, – у сигарета тутунини пуллади. – Акам Гонконг тўғрисида китоб ёзяпти, мен эса хўжаликни юритаман, – Стелла менга қаради. – Сиз меҳмонхонага жойлашдингизми?

– Ҳа. Сиз-чи? Бу ерда уйингиз борми? Йўқ, сиз, назаримда, Лин Фандан уйини ижарага олгансиз?

У ҳайрон бўлиб қолди.

– Ҳа, сиз уни қаёқдан биласиз?

– Эшигтанман, – бироз иккилангандан сўнг шундай дейишига мажбур бўлдим. – Менимча, илгари бу вилла-ни Герман Жефферсон ижарага олган эди?

Стелла яна ҳайратланиб, қошлигини керди.

– Герман Жефферсон? Сиз ҳали уни ҳам танийсизми?

– Биз у билан бир шаҳарданмиз.

– У ўлди... Автомобиль ҳалокатида ҳалок бўлди.

- Бу хақда эшитган эдим. Сиз уни билармидингиз?
- Акам Гарри Герман билан таниш эди. Ўзим эса уни бир ёки икки марта кўрганман. Демак, сиз Жефферсонни биласиз-а? Гарри учун бу жуда қизиқ. Ўлгани жуда ёмон бўлди... Айникса, хотини...
- Нима? Сиз хотининиям танирмидингиз?
- Йўқ, мен уни тасодифан кўриб қолганман. У бенихоя кўркам эди. Герман севиб қолганини мен тўла-тўкис тушунган эдим.

Аслида Стелла ўз жинсдоши тўғрисида бошқа аёллар қатори аччикроқ сўзлаши, кинояли иборалар ишлатиши мумкин эди, аммо у ундан демади.

- У эрининг жасадини Америкага олиб борди, балки ўзиям ўша ерда қолар. Хулласи калом, Германнинг отаси миллионер, менинг ўйлашимча, у ўша аёлга ғамхўрлик қилса керак.

Мен Стеллага Чжо Яннинг ўлими тўғрисида гапириб юборишдан ўзимни тийдим.

- Менга кимдир, Герман омади келиб, пулнинг остида қолди, дегандай бўлган эди. Шундан кейин у хотинини ташлаб, бу виллани ижарага олганми?

Киз қовоғини уйди.

- Бу қандай бамаънилик! Сизга ким айтди?
- Ким айтгани эсимда йўқ, – шоша-пиша жавоб бердим мен. – Ё бундай эмасми?
- Албатта, йўқ, – у бирдан хотиржам тортди ва менга кулиб қаради. – Бу, ахир, кулгили. Герман... – у жимиб қолди, сунг очилиб қолган, қуёшда тобланган елкаларини қисиб қўйди. – Аммо, ростини айтганда, Герман бўлмағур одам эди. Мен уни ёқтирасдим, аммо у Гаррининг димогини чоғ қиласди. У хотинининг топганига яшайди, деган овозалар юрган. Герман ҳеч қачон

Лин Фаннинг вилласини ижарага ололмас эди. Бу гап жуда күлгили! Сизга бу ҳақда ким айтган ўзи?

Моторнинг гуриллагани эшитилди ва иккимиз ҳам бурилиб қарадик. Бизнинг олдимизга моторли тез-юар қайиқ тұлқинларни ёриб, ортидан оппок күпикли из қолдириб келар эди.

– Мана, Гарри ҳам келди, – деди Стелла.

У ўрнидан туриб, тебраниб турған сол устида мувозанатини сақлаган ҳолда акасига құлини силкитди. Қайиқ тезлигини камайтирди, сұнг мотор үчирилиб, бизга яқынлашды. Қүёшда тобланған, әгнига чизиқли майка кийған, шортикдаги баланд бүйли әркак Стеллаға құвноқ ҳолда кулиб қаради. Унинг чиройли, шу билан бирга ажинқираган юzlари соғлом ҳаёт кечируди кишига асло муносиб эмас эди. Қизарған юzlари, майда томирчалари қуриниб турған бурни Гаррининг ичимликни яхши күришини, үткір ичимликлар шайдоси эканлигини намоён этарди.

– Ҳадемай, тушлик бўлиб қолади, шунинг учун олдингга келдим, – деди у синглисига ва менга савол аломати билан қаради. – Ким бу, сенинг янги танишингми?

– Бу киши Нельсон Райан, – деди Стелла ва менга қаради. – Биласанми, у Герман Жефферсонни билар экан. Танишинглар, бу – акам Гарри.

Биз индамай бир-биримизга бош иргаб қўйдик.

– Сиз Германни билармидингиз? – сўради Гарри. – Бу ерда яна неча кун турасиз?

– Афсуски, бир ҳафтадан кўп эмас, – деб жавоб бердим мен.

– Агар бирор бошқа жойга таклиф қилинмаган бўлсангиз, сиз билан бирга тушлик қилиш учун ҳузурин-

гизга катерда келардим. Виллага бошқа йүл билан келиб бўлмайди. Розимисиз?

– Албатта, аммо сизни ташвишга қўйишим нокулай!

– Бунинг ташвишли жойи йўқ. Пляжда роппа-роса соат саккизда бўлинг. Мен келаман, тушлиқдан кейин эса, катерни миниб, кўрфаз бўйлаб сайр қиласиз, – Гарри Стеллага қаради: – Қани, кетдикми?

– Аввал мени пляжга олиб боргин, у ерда шляпамни қолдирибман, – деди у.

Стелла чаққонлик билан қайиқقا чиқди, мен унинг нафис, қуёшда қизарган елкаларидан қўзларимни узолмасдим. Бирдан у елкаси оша қаради ва менинг нигоҳим билан кўзи тўқнаш келиб, фикримни уққан каби кулиб қўйди.

– Кўришгунча, – деб қичқирди у қўлини силкитиб ва акаси билан ёнма-ён ўтирди.

Қайик моторини гуриллатиб, кичик тезлиқда пляж томон бурилди. Мен сигарета чекиб, солда бироз ўтирдим-да, янги танишим тўғрисида ўй сура бошладим. Кейин очиққанимни сезиб, сол устидан тушдим-у, пляж томон сузиб кетдим.

Соат саккизда мен яна пляжда эдим. Кўп ўтмай, қоронғилик ичидан катер пайдо бўлди, уни хитойлик бошқариб келарди. У менинг катерга чиқишимга ёрдамлашаркан, кўллари, панжалари қанчалик метин эканлигини хис этдим. Хитойликнинг изоҳига кўра, жаноб Энрайт келолмай, бунинг учун узр сўрабди.

Катер жуда тез юрди. Бир неча дақиқадан сўнг биз виллага элтадиган зинапоя олдида туардик. Мен пиллапоялардан енгил нафас олганча кўтарилиб, каттакон айвонга чиқдим. Кечки оппок кўйлак кийган Стелла оромкурсида ўтирас, унинг қўлида коктейлли қадаҳ

бор эди. Бир четда эса ёшгина хитойлик хизматкор тұрарди. Гарри Энрайт ҳеч жойда күринмас, ундан асар ҳам йўқ эди.

– Ниҳоят келдингиз! Нима ичасиз?

Мен содали виски сұрадим.

– Гарри ҳадемай келади. Менга яхшиrok қўринишингиз учун қулай ўтилинг.

Мен катта оромкурсида у билан ёнма-ён ўтирдим. Мехмонхона эшиги пешайвонга очилар, у хитойча усулда ишланган: деворларга қизил ипак қофозлар ёпиширилган, нафис столларда гулдонлар, лакланган қутичалар қўйилган, ўртада овқатланадиган стол бўлиб, унга садаф билан жило берилган эди.

– Бу жойлар чакки эмас экан, – дедим мен.

– Ха, омадимиз чопган. Биз бир неча ҳафтадан буён шу ердамиз, унгача эса Коулумда истиқомат қиласдик, аммо виллада яшаш бутунлай бошқача.

– Сизларгача виллада ким яшаган? – деб сұрадим мен.

– Менимча, ҳеч ким яшамаган. Хўжайнин яқинда уни ижарага қўйишга қарор қилди. У ҳозир Макаода яшайди.

Ана шу аснода Гарри Энрайт пайдо бўлди. Биз бир-биримиз билан қўл қисишиб қўришдик ва оромкурсларга чўкдик. Хитойлик хизматкор унга «хайболл» келтирди. Бир неча мулозаматлардан сўнг Энрайт мендан сұради:

– Гонконгга иш билан келганмидингиз?

– Йўқ, таътилдаман, – жавоб бердим мен. – Мана энди турли хаёлларга берилмай, бирдан шу ерга кела-вердим.

– Сизни тушунаман, – деди Гарри Энрайт менга дүс-тона назар ташлаб. – Үзим ҳам Гонконг дейишса, эсим оғиб қолаёзди. Стелла сизни, Пасадена-ситидан келди, деб айтган эди. Герман Жефферсон билан яқин таниш әдингизми?

– Мен унинг отасини яхши биламан. Қария ўғли-нинг ўлимидан жуда каттиқ қайғуда. Шунинг учун бу ёққа келаётганимни эшитиб, у ҳақда айрим маълумотларни олиб келишни илтимос қилган эди.

Энрайт қизиқиб қолди.

– Кандай маълумотлар экан?

– Дейлик, Герман Гонконгда беш йил яшаган. Уйга жуда кам хат ёзган. Бу ерда унинг нималар билан шуғулланганини отаси тасаввур ҳам қилолмайди. Ўғли-нинг осиёлик аёл билан турмуш қурганини билиб, чол ларзага тушди.

Энрайт қайғуга шерик бўлгандек бош иргади ва Стеллага қаради.

– Агар яна...

– Менинг фикримча, у ўғлига ёрдам бермагани учун ич-этини еб қўймоқда. Герман ҳаёт кечириш учун қандай пул топганидан хабарингиз бордир?

– У бирор иш билан шуғулланганида, дуруст бўларди-я, – ўйланиб жавоб берди Гарри. – Герман ўзини қандайдир сирли тутарди. Шахсан менга у ҳеч қачон ёқмаган, – Энрайт шундай деб кулимсиради ва Стеллага бурилиб қаради. – Стелла-ку, унга мутлақо тоқат қила олмасди.

Стелла ўқиниб, юзини ўғирди.

– Сен ошириб юборма, – деди у. – У менга мутлақо бефарқ эди. Аёллар бизни албатта севишилари керак, деб ҳисобладиган эркакларни жиним суймайди!

Энрайт хохолаб кулиб юборди.

– Майли, сен унга бефарқ экансан, дейлик, – деди у заҳархандалик билан, сўнг кулимсираб давом этди. – Худди пишмаган узум воқеаси каби... Аммо менга у, ҳатто ёқа бошлаган эди...

– Сен ахлоқизсан шунчаки, – деди унга синглиси. – Сени кулдирган одамлар сенга ёқа бошлайди.

Хитойлик хизматкор кириб, овқат тайёр бўлганини эълон қилди. Таомлар буткул хитойча усулда тайёрланган бўлиб, менга жуда ҳам ёқди. Биз овқатланиш пайтида турли мавзуларда гаплашиб ўтиридик. Энрайт сухбатни анчайин жонли тарзда бошқариб борди, Стелла эса қандайдир фикр-ўйлар билан банд бўлиб, бизнинг гурунгимизга қисман қўшилиб ўтирас эди. Овқатланиш охирлаганда, у тўсатдан сўраб қолди:

– Жаноб Райан, Герман бу виллани ижарага олгани ҳақида сизга ким айтган эди?

– Герман ижарага олган? – тушунмай сўради Гарри.

– Ким айтди сизга бу сафсатани? – у кулимсираб менга қаради.

– Бир хитойлик аёл гапирган эди, – деб жавоб бердим мен. – У билан «Осмон салтанати» меҳмонхонасида танишгандим.

– Қизик, унга бундай бемаъни гапни тасдиқлаш нима учун керак бўлди экан? – қовоғини уйиб деди Стелла.

Мен елкаларимни қисиб қўйдим:

– Афтидан, у мени шунчаки алдаган кўринади.

Шунда бирдан менда гўё кимдир ортимдан кузатаётгандай туйғу пайдо бўлди. Бу кўркув ҳисси мени ҳеч қачон алдамаган эди. Сездирмайгина бурилиб қарадим. Каттакон тошойна орқали холлда турган қандайдир но-

таниш пакана киши гавдасининг аксини қўриб қолдим. У европаликларга хос костюмдаги хитойлик бўлиб, менга эътибор билан тикилиб турарди. Нигоҳларимиз тўқнашди ва у бурилиб, қоронғилик ичига сингиб кетди. Хавф-хатар ҳиссиёти мудҳиш бир тарзда музга айланиб, елкамда жимиirlаб айлана бошлади! Аслида бу одамда қандайдир сирли ҳамда таҳдид этувчи нимадир намоён бўлиб турарди. Энди эса менинг вазифам ўзимни гўё ҳеч нарсани сезмаганга солиш эди.

– Хитойликлар фикрига кўра, улар сиз эшлишини хоҳлаган гапларни гапиришади, – деди Энрайт. – Хитойлик аёллар эса дунёдаги энг ёлғончи одамлардир.

Гарри мени диққат билан кузатиб турганига эътибор бердим.

– Наҳотки? – сўрадим мен.

Сўнгра сездирмасдан яна ойнага назар ташлаб қўйдим ва нигоҳимни Гаррига қаратдим.

– Келинг, айвонга чиқамиз, – деб таклиф қилди ўрнидан туриб Стелла. – Бренди ичасизми?

Мен рад этдим ва биз пешайвонга чиқдик. Ой чиқиб, тинчиб қолган денгиз унинг нури билан жимиirlай бошлади.

– Мен қўнғироқ қилишим керак, маъзур тутасиз, – деди Энрайт. – Кейин катерда сайр қиласиз, қарши эмасмисиз?

Мен Стеллага қарадим.

– О, мен қарши эмасман, – қандайдир итоаткорлик билан деди у. – Гарри ўзининг қайигидан бошқа ҳеч нимани ўйламайди.

Энрайт кетди, Стелла эса менинг қўлимдан ушлаб, пешайвонга чиқди. Биз денгизнинг силлиқ сатҳидаги ой аксини узоқ вақт томоша қилиб турдик.

– Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўша хитойлик аёлдан омад юз ўгирибди, – деди тұсатдан Стелла ғаразгүйлик билан. – Эхтимол, Германнинг отаси унга ғамхұрлык қилаётгандир. Уни жуда бадавлат деб эшитдим!

– У эрини йүқотди, – жавоб бердим мен, Чжо Ян ўлими тұғрисида сўзлашнинг мавриди бўлармикан, деб билолмай қолдим.

Стелла илтифотлилик билан қўлини силтади.

– Яхшиям ундан ўз вақтида халос бўлди. Энди у озод, ҳур, бой-бадавлат бўлиб, Америкада яшайверади, – шундай деб хўрсиниб қўйди. – Нью-Йоркка шунчалик қайтгим келадики...

– Сиз ўша ердан келганмисиз?

– Бир йил бўлди, у ерда бўлганим йўқ, менда ватани қўмсаш бошланди.

– Нима учун қайтмайсиз? Сизни бу ерда нима ушлаб турибди?

– Биз акам билан шу ерда яшашга ўрганиб қолдик, – деди Стелла узоқ жимлиқдан сўнг. У олисларда ястаниб ётган тоғларни кўрсатди. – Ахир булар гўзал эмасми?

Мен Стелла жўрттага мавзууни ўзгартириб, мени ҳам шунга мослаштирмоқчи, деб тушундим. Гарри қайтган пайтда биз ҳамон кўнгил учун хурсанд бўлгандай ўти-рар эдик.

– Хўш, қани энди кетамиз, – деди у. – Биз сизга бекиёс Абердин қишлоғини кўрсатамиз.

– Кетдик, – жавоб бердим мен.

Биз зинапоя орқали катерга тушдик. Энрайт рулга ўтириди. Мен ва Стелла эса ўриндиққа чўқдик. Катер очиқ денгизда сузиб кетди. Мотор шовқини бизнинг гапиришимизга халақит берди. Стелла ой ёғдусида ёришиб турган денгизга ғамгин қараб турарди. Мен

Энрайтлардан олинган янги маълумотлар устида ўйланиб қолган эдим. Лайло алдаган, деган гапга қандайдир ишонгим келмасди. Энрайтларнинг ўзи гүё Жефферсонлар тұғрисидаги ҳақиқатни билмайди ёки Герман ҳақидаги ноҳақ гапларни айтиш учун баҳоналарга эга бўлишган. Аммо бунинг уларга нима кераги бор?

Абердин ҳақиқатдан ҳам ажабтовур қишлоқ экан. Бу қишлоқнинг бутун қирғоги турли қайиқ ва елканли Хитой кемалари ҳамда одамлар билан тұлиб-тошган эди. Қирғоққа яқин боришнинг асло имкони йўқ, шу боис катер лангар ташлади, биз эса ўн уч ёшлардаги қизча бошқарган сампанга миниб, қирғоққа чиқдик.

Қирғоқда бир соатлар айланиб юрдик, сўнг Стелла, чарчадим, деди ва катерга қайтишга тұғри келди. Катерда кетаётганимизда, йўлда Стелла мендан сўраб қолди:

– Сиз ҳали оролларда бўлдингизми? Улар кўришга арзигулик, бунинг устига у ёқقا кема қатнайди.

– Йўқ, ҳали у ерда бўлмадим.

– Мен эртага эрталаб Сильвер-Майн-Бейга жўна-моқчиман. Бир кишини кўришим керак, агар истасангиз, бирга боришмиз мумкин. У ерда жуда чиройли шаршара бор, уни кўришни маслаҳат берардим. Мен сафарга кетгунча сиз шаршарага бора оласиз. Шундан сўнг биз бирга қайтамиз.

– Жуда соз, – дедим мен.

– Синглим очиқкўнгил, – деди Энрайт. – Бу ерга келгунимизга қадар хизматкор аёлимиз бор эди, қариб қолгани боис уни бўшатиб юбориши. У ҳозир Сильвер-Майн-Бейда яшайди. Стелла баъзан уни совға-салом билан йўклаб туради.

Гарри моторни юргизди ва сұхбат тұхтади. Биз виллагача бұлған масофани йигирма дақиқада босиб үтдик.

– Хайрли тун, – деди Стелла зинапояда тураркан. – Кема соат иккіда йүлга тушади. Кемалар боғлаб қўйиладиган жойда учрашамиз.

Мен уларга жавоб тарзіда бу ажайиб кеча учун миннатдорчилик билдиридим. Энрайт мени меҳмонхона ёнидаги пляжга бошлаб борди.

– Сиз қачон жўнайсиз? – деди у биз хайрлашаётган пайтда.

– Тахминан бирор ҳафтадан кейин.

– Унда, сиз ҳеч бўлмаганда яна бир марта бизниги келишингиз керак.

Биз хайрлашдик ва мен қўзларим билан олислашиб кетаётган катерни кузатиб қолдим, сўнгра бурилиб, пляж орқали меҳмонхонага қайтдим. Бутун оқшом ойнадан менга тикилиб турган хитойликнинг манфур баширасини сира унута олмадим. Бу қиёфада таҳдид ва қўрқув туйғулари уфуриб турарди.

\* \* \*

Эртаси куни эрталаб мен Америка элчихонасининг учинчи котиби хузурида эдим. У ерга тушиш жуда қишин, аммо Жефферсон фамилиясини доимий равища эслаб туриш эшикларнинг очилишига ёрдам берарди. Котиб семиз, ёш киши бўлиб, дипломатик дахлсизлик оғушида эди. У менинг ташриф қоғозимни жирканганным оларда қўлига олиб, худди оғир касал юқтирадигандай ушлаб турарди.

– Нельсон Райан, хусусий изқувар, – деб үқиди у овозчиқариб, сўнг үзини каландимоғ кўрсатиш учун оромкурсида ястаниб олди. – Бизга қандай хизмат бор?

– Мен Уилбур Жефферсонга хизмат қиласман, – дедим мен. – Менинг вазифам бу ерда ўн етти кун муқаддам автомобиль фалокатида ҳалок бўлган унинг ўғли Герман тўғрисида маълумот тўплашдан иборат.

У шоша-пиша сигарета чекди:

– Хўш, нима бўлти?

– У Гонконгда доимий яшаб келган ва, турган гапки, сизларда расмийлаштирилиши керак эди.

– Шундай, дейлик.

– У яшаган охирги яшаш манзилини бера оласизми?

Котиб қалин бармоғини ялаб, сўнг ўзининг чап қовоғини силади.

– Фараз қилайлик, мен унинг яшаш манзили ҳақидаги маълумотни бердим, лекин бу нимани ўзгартира олади? Фалокатга алоқадор иш ёпилган, унинг ҳужжатларини ахтариб топиш мен учун жуда қийин бўлади.

– Бу гапларни жаноб Жефферсонга айнан сиз айтгандек етказишимни хоҳлайсизми? – деб сўрадим мен.

– Тасаввур қиляпман, унинг муносабатини, Америка элчихонасининг учинчи котиби қўлини совуқ сувга ҳам урмайди, демайдими?

Бўлажак нохушликларни идрок этган котиб телефон гўшагини кўтариб, шундай деди:

– Давенпорт хоним, марҳамат қилиб, Герман Жефферсоннинг ҳужжатларини олиб келсангиз... Ҳа, ҳа, миннатдорман, – у гўшакни кўйди ва юзига табассум югуртириди. – У қандай яшяпти, соғ-саломатми?

– Яхши ва кимга керак бўлса, орқасига боплаб тепадиган куч-куватга ҳам эга, – дедим мен дадил, хушовозлик билан. – Жин ургур оёғи узун, пойафзали ҳам жуда оғир!

Учинчи котиб гарчи афтини буриштирса-да, тутила-тутила кулимсираб, қайнотасининг олдига биринчи дуч келган күёв каби довдираб қолди.

– Ажабо, бу магнатлар жуда узок яшайди-я! Шубҳасиз, ҳали биздан ҳам ошиб яшайди булар!

Давенпорт хоним кирди ва котиб столининг устига қалин папкани қўйди. Кейин менга кўз қирини ташлади ва майда қадамлар билан эшик ортида ғойиб бўлди. Биз иккимиз ҳам унинг ортидан қараб қолдик. Котиб папкани очди.

– Биз унинг ҳужжатларини жасади билан бирга жўнатган эдик, – уэрнамо оҳангиде деди у. – Аммо, барibir, нимадир қолган экан.

Кейин эса яккаю-ягона қофозга қараб, ташвишланган кўйи бошини тебратди.

– Кўрқаманки, бу ерда бутунлай, бироз... Унинг охирги манзили... «Осмон салтанати» меҳмонхонаси экан. У Гонконгга 1954 йилнинг 3 сентябрида келган ва ўшандан бери шу меҳмонхонада яшаган. Ўтган йили хитойлик аёлга уйланган.

– Ниманинг хисобига кун кечирган экан?

У яна қофозга кўз тикиди.

– Бу ерда экспорт қилувчи сифатида кўрсатилган, аммо менинг тушунчамга кўра, у ҳеч қаерда ишламаган. Назаримда, унинг хусусий даромадлари бўлган, аммо ўзи ҳаддан зиёд тартибсиз ҳаёт кечирган.

– Унинг Рипали-бейдаги ҳашаматли виллани ижрага олгани тўғрисида эшитганингизда ҳайратга тушмасмидингиз?

Котиб гангиган ҳолда менга қаради:

– Аммо, агар шундай бўлганида, у яшаш жойини ўзgartиргани ҳақида хабар қилиши керак эди. Сиз

виллани ижарага олганига ишонасизми? У қандай вилла экан?

– Лин Фан вилласи.

– О, йүк, жаноб Райан. Жефферсон уни ижарага ололмасди! Энг камида ҳар ойда түрт юз фунт турадиган жой-ку!

– Хозир виллани Гарри Энрайт синглиси билан ижарага олган, – дедим мен.

У бош ирғади, юзи ҳам бироз жонланди.

– Түгри, ёмон йигит эмас, мен Энрайтни назарда тутяпман... Унинг синглиси эса Гонконгдаги энг чиройли аёл!

– Менинг билишимча, вилла Энрайтлар токи уни ижарага олгунига қадар бүш турган?

– Йүк, у ерда қандайдир инглиз турган. Мен у билан хеч қачон учрашмаганман.

– Жефферсон ва хитойлик аёл ҳақиқатдан ҳам турмуш қуришганиди?

– Ҳа, улар бу ерда никохдан ўтишди. Мен сизга уларнинг никоҳ ҳақидаги гувохномасини қўрсатаман. Бу нусхаси, албатта.

– Яхши бўларди, мен уни бир кўрмоқчи эдим.

У яна телефон орқали қўнғироқ қилди.

– Мен унинг хотинини яхши билардим, ёқимтой қиз эди, – деди кейин. – Унинг ҳужжатларини тўғрилаб, тартибга солиш ва тобутини жўнатиш вазифаси менинг зиммамда эди... Қайғули ҳодиса, – у ҳамдардлик никобини кийди. – Мен унга ҳаддан зиёд ачиндим.

Хонага яна Давенпорт хоним кирди, у стол устига никоҳ тўғрисидаги гувохномани қўйди ва чиқиб кетди. Гувохнома бир йил муқаддам Герман Жефферсон ва Чжо Ян Чунгнинг биргалиқда турмуш қурганлиги тўғ-

рисида шохидлик бериб туарди. Фрэнк Беллинг ва Му Хай Тон эса гувоҳ сифатида қатнашганлар.

– Ну, Фрэнк Беллинг дегани ким? – сўрадим мен.

Котиб елкасини қисди.

– Билмадим, балки Жефферсоннинг бирорта дўстидир. У инглиз бўлиши керак, аммо бизда унинг хужжатлари йўқ.

– Қиз-чи?

– Билмайман, келиннинг дугонаси бўлса керак, – у ручканинг кети билан ўзининг мармар тишларига таққиллатиб урди ва ниманидир кутгандек менга термилиб қолди. Мен ундан бошқа маълумотга эга бўла олмаслигимни тушундим-да, ўрнимдан турдим.

– Майли, ортиқ вақтингизни олмайман.

У менинг ташрифим улкан қаноат баҳш этганини айтди. Аммо кетишим янада кўпроқ хурсанд қилиши очик-ойдин кўриниб туарди.

– Сиз Герман Жефферсон билан ҳеч қачон учрашмаганмисиз? – дедим мен эшикка яқинлашар эканман.

– Шуниси ғалатики, учрашмаганман. У менинг дўстларим рўйхатига кирмасди.

Мен элчихонадан чиқиб, машинага ўтиридим ва элчихона котибидан олинган маълумотлар тўғрисида фикр юрита бошладим. Улар жуда оз эди, мен хитойлик Му Хай Тон, шу билан бирга Фрэнк Беллинг билан гаплашиб олмокчи эдим. Шу мақсадда полиция бошқармасига жўнадим ва Маккарти қабулига кириш учун рухсат сўрадим. Бироз кутганимдан сўнг у мени хонасига олиб кирди.

Бош назоратчи ўзининг трубкасини тозалаш билан банд эди. У индамай менга курсини кўрсатди, трубкасини пуллаб, унга шошилмай тамаки жойлай бошлади.

– Сизга қандай хизмат күрсатишим мүмкін? – деб сүради кейин.

– Мен Фрэнк Беллинг исмли кишини излаб юрибман, – жавоб бердим мен. – У ҳақида маълумот бера оласизми?

Маккарти, ниҳоят трубкасини ёқишига муваффақ бўлди ва тутунини мен томонга пуллади. Шубҳасиз, унинг покер ўйинида омади чопмаган: юзи бепарво ифодани акс эттирас, аммо кўзлари сергак ҳамда қатъият билан боқарди.

– Фрэнк Беллинг, дедингизми? – сўради у оғзидан труккани олар экан. – Сиз нега у билан қизиқиб қолдингиз?

– Маълум бўлишича, у Жефферсоннинг никоҳ тўйида иштирок этган гувоҳлардан бири бўлган экан. Бу сизга маълумми?

Маккарти истар-истамас бош ирғади.

– Ҳа, – жавоб берди у. – Демак, у Жефферсоннинг гувоҳларидан бири бўлган? Бу ғалати... Сиз унинг ҳозир қаерда эканлигини билмайсизми?

– Мен бу ҳақда сиздан сўрамоқчи эдим, – деб жавоб бердим мен.

– Биз у билан анчадан бери учрашишга ҳаракат қиласиз, – деди назоратчи. – Беллинг маҳаллий фаол ташкилотнинг гиёхванд моддаларини ташиб бўйича аъзоси ҳисобланади. Биз унинг изига тушганмизда, бирдан ғойиб бўлди. Бутун полиция оёққа турди, аммо изини топиб бўлмади. Ўйлашимча, у Макао ёки Кантонга ўтиб кетган.

– Уни ўша ердан излашдими?

– Биз у ҳақда Макаодан маълумот сўрадик. Кантонда эса ўзимизнинг хабар берувчи кишиларимиз йўқ.

– Уанглияликми?

– Ҳа, англиялик, – Маккарти бармоқлари билан трубкага тамаки жойлаштириди. – Унинг бу ташкилотга аъзо эканлигини аниқ биламиз, у бизни жуда кўп марта ташвишга қолдирган. Улар Кантондан героин олиб ўтишади. Беллинг яқин кунларгача ушбу банданинг барча операцияларида фаол иштирок этарди. Биз унинг ортидан кузатардик, шу билан жуда катта миқдордаги героиннинг келишидан хабаримиз бор эди, – Маккарти яна трубкасини ёқиб, давом этди. – Хабарчиларимиздан бири орқали мол шу ойнинг биринчи кунида келиб тушишини билиб олдик, аммо айни шу пайтда Беллинг изсиз ғойиб бўлди. Афтидан, Беллингни хавф-хатардан огоҳлантиришган, у ғойиб бўлишни, ўзини панага уришни афзал билган.

– Биринчи сана – ахир, бу Герман Жефферсоннинг ўлимидан икки кун олдинги муддат-ку?

– Ҳа, бу ниманидир англатадими?

– Мен далилларни аниқлашга ҳаракат қиляпман, холос. Келин томонидан гувоҳ хитойлик Му Хай Тон бўлган. Бу исм сизга ҳеч нимани эслатмайдими?

– Йўқ.

– Сиз Жефферсонни ҳам шу бандага тортишган, дея оласизми?

– Бўлиши мумкин, – жавоб берди Маккарти. – Аммо бизда айни шундай аниқ маълумотлар йўқ. У Беллингни яқиндан билган бўлса, бунга албатта ишониш мумкин.

– Му Хай Тонни излаб кўришимга ёрдам беролмайсизми?

– Мен архивларимизни титкилаб кўраман. Агар бирор маълумот топа олсан, сизга тқдим этаман. Сиз Рипали-бейдаги меҳмонхонага кўчиб ўтдингизми?

– Худди шундай.

– Сизларда – хусусий изқуварларда хаёт жуда ажо-йиб-да! Менимча, сизларнинг барча харажатларингизни тұлашса керак?

– Ҳа, сиз ҳақсиз, – деб кулиб юбордим мен ва үр-нимдан турдим. – Ҳўп, бўлмаса, раҳмат. Ўйлайманки биз ҳали яна учрашамиз.

Вақт ўн икки ярим бўлган: Куинг-роудда одам кўп эди. Мен машинага ўтириб, Ванхой қирғоғидаги барга келдим. Икки кун муқаддам бу ерда хоним билан учрашган эдим.

Бу вақтда бар бўшаб қолган эди. Пештахта олдида иккита хитойлик официант сухбатлашиб ўтиради. Улардан бири мени таниб қолиб, дўстона жилмайиб, ёнимга келди.

– Хайрли кун, сэр! Сизни яна кўрганимдан хурсандман. Бирор нарса ичасизми ёки овқат олиб келайми?

– Менга ром ва «кока-кола» келтирсангиз, – дедим мен. – Хоним шу ердами?

– Йўқ, ҳадемай келиб қолади.

Бу «ҳадемай» келиб қолишига тахминан ярим соат фурсат кетди, аммо хитойликлар учун вақтнинг унчалик аҳамияти йўқ.

Нихоят хитойлик таниш аёл барга келди.

– Бу ерда яна сизни кўрганимдан мамнунман, – деди у. – Үмид қиласманки, сиз мен топиб берган қиздан хурсанд бўлгансиз?

– Ўшанда мени алдаган экансиз, – кулиб юбордим мен. – У Чжо Ян эмас эди, сиз буни аниқ билардингиз.

– Хато бўлган, – тасдиқлади у. – Бу қиз Чжо Яндан яхшироқ эди. Мен сиз эътиroz билдирмайсиз, деб ўйладим.

## ДҮНЁ ДЕТЕКТИВИ ДУРДОНАЛАРИ

– Энди эса менга бошқа қыз керак, унинг исми Му Хай Тон. Сиз уни танийсизми?

Аёл бош ирғади, аммо юзидан ҳушёр тортгани билиниб қолди.

– У менинг энг яхши қизларимдан бири, сизга ёқиши аниқ.

– Фақат бу сафар унинг Му Хай Тон эканлигини исботлайдиган далил керак. Мен у билан бир ишни мухокама қилишим зарур.

Хоним бир сония үйланиб қолди, сұнгра шундай деди:

– Далил бұлади. Сиз у билан нимани мұхокама қиласыз?

– Бунинг сизга дахли йүқ. У билан қачон учрашиб шым мүмкін?

– Қыз сизга ҳозир керакми?

– Йүқ, яхшиси, кечқурун. Мен бу ерда соат саккизда бўламан. Шундай қилингки, у албатта барга келсин.

Хоним рози бўлгандек бош ирғаб қўйди.

– Агар шу ишни уddyласангиз, эллик доллар оласиз.

– Сизга ваъда бераман, – деди хоним ва кўзларида ўт чақнаб кетгандай бўлди.

Мен стаканимдаги ичимликни охирига қадар сипкордим ва ўрнимдан турдим.

– Демак, бугун кечқурун соат саккизда, – дедим мен.

– Ўйлайманки, бу сафар ёлғон аралашмайди. Мен тезда ҳақиқатнинг тагига етаман.

Хоним менга қараб кулди:

– Ташвиш тортманг, сиз хурсанд бўласиз.

Мен бугунги куним зое кетмаганини ҳис этган ҳолда меҳмонхонага қайтиб келдим.

## УЧИНЧИ БҮЛИМ

Мен йўловчиларни оролга ташийдиган кема саҳнида туриб, пастки палубага жойлашаётган одамларни кузатар эдим. Шундан сўнг биринчи тоифа йўловчиларнинг кўтарилаётганини кўриш учун бурилиб қарадим: улар орасида Стелла йўқ эди. Аммо мен ташвишланмадим, чунки у энг охирги дамда келишига ишонардим. Бундай аёллар ўзларининг келиш вактларини ҳамиша аниқ ҳисобга оладилар. Улар анча кеч ёки жуда эрта келмайдилар. Йўловчилар орасида мен бирдан калтабақай хитойликни кўриб қолдим, у қўлтиғи орасида катта портфель тутган, қора рангли ишбол костюмда эди. Бу нусханинг Энрайдлар виласидаги ойнада кўринган ўша хитойлик эканлигига ишончим комил эди. Мен унга диққат билан тикилдим. У қирқ ёшларда бўлиб, бутун гавдаси пинхона кучдан нафас олар, ўзи бамисоли мушук каби енгил ҳаракат қилар эди.

Хитойлик ёнимдан ўтиб кетиб ўриндиқقا ўтирди ва ўзини газета билан паналашга ҳаракат қилди. Мен яна соатга қарадим.

Стелла кема жўнашига бир дақиқа қолганида пайдо бўлди. У чиройли яшил кўйлакда бўлиб, қўлида сават тутган эди. Мен Стелланинг палубага кўтарилишига ёрдам бериб, қўлидан саватни олдим. Биз ўриндиқقا ўтирдик ва умумий мавзуларга оид сўз юритдик. Жефферсоннинг номи тилга олинмади. Стелла бепарво ҳолда эрталаб менинг нима билан машғул бўлганимни сўради. Гонконгнинг эски ҳудудини ўргандим, деб жавоб бердим мен.

– Мана, ниҳоят етиб келдик, – деди Стелла, кема Сильвер-Майн-Бей түхташ жойига лангар ташлаганида. – Мен харид қиласман, сұнг кампир билан бироз лақиллашаман. Бир ярим соатдан кейин бүшайман, сиз унгача шаршара бүйіда сайр қилиб туриңг.

– Яхши, шундай қиласман. Биз шу ерда учрашамизми?

– Ҳа, кейинги кема олтида жүнайди.

– Сиз ҳозир анови сұқмоқ йүлдан Баттерфляй-хилл бүйлаб боринг, – деди у. – Күприк орқали үтасиз. Кейин яна битта күприк келади. Унинг орқасида шаршарага құзингиз тушади.

– Мен топаман, – дедим.

Стелла кетгач, мен каллахум хитойликни изладим, аммо у ҳеч қаерда йўқ эди. Унинг кемадан тушганини кўрган эдим. Аммо шундан кейин қаерга гумдон бўлди, бу номаълум эди.

Соат олтигача вақт кўп. Шу боис мен шошилмасдан сайр қилмоқчи бўлдим. Стелла кўрсатган сұқмоқ бўйлаб юриб кетдим. Орадан ўн дақиқа үтгач, киши қадами тегмас жойга тушиб қолганимни сездим. Ўнг томонимда ям-яшил катта тепалик ястаниб ётарди. Мен йўлда ҳеч кимни учратмай, шаршарагача бордим. Уни қанча керак бўлса, шунча завқ-шавқ билан томоша қилдим, сұнг келган йўлимга қайта бошладим.

Ҳаммаси ана шу лаҳзада бошланди. Тўсатдан юзим олдидан тукли ари учеби үтгандек бўлди. Кейин ўқ овоздини эшитдим. Пиёдалар сафида хизмат қилганим асқотиб, мен тезда ўзимни ерга отиб, маҳкам қапишиб олдим. Ана шу онда иккинчи ўқ узилди, мен ундан икки ярд нарида эдим. Бутун баданим тердан ҳўл бўлиб қолган, юрагим гурс-гурс уради. Ўзимни үтлар орасига олдим, катта юмалоқ тошгача етиб бориб, кат-

та тезлиқда унинг ортига яшириндим. Жимлик чўкиб, мен бироз ўзимга кела бошладим. Менга ўқ узаётган киши баланд тепалик устида турар, у оптик нишонли милтиқдан фойдаланаётган эди. Товушига қараб тахмин қилинадиган бўлса, у мендан камида чорак мил нарида эди.

Тўппонча олмаганим учун ўзимни лаънатладим. Аммо эгнимда енги калта кўйлак ва енгилгина шим бўлиб, тўппончани жойлашнинг имкони ҳам йўқ эди. Ўқ узадиган одам мени қалин ўтлар ичида кўрингу-нимча кутса кифоя. Мен ниҳоятда эҳтиёткорлик билан бошимни кўтардим, мақсадим қарааш ва қочиб қолиши-ни мўлжаллаш эди. Худди шу сонияда шундоқ ёнимдан ўқ визиллаб учеб үтди! Мен ерга янада маҳкамроқ қа-пишдим. Улар икки киши эди! Биттаси узоқда, иккинчиши эса анча яқин, қош билан кўз орасидай яқин эди. Мен қуролланмаганман, улар ўқ теккиза олмасликни ўйлаб, тобора яқин келишига ҳеч вақо халақит берол-масди. Соатга қарадим: ўн еттидан йигирма беш дақи-қа үтибди. Стелла, агар мени кемалар тўхташ жойида кўрмаса изимдан келармикан? Айтайлик... У манови икковлонга тўқнаш келади. Уни ўлдиришса-чи?

Мен тошдан нарига қараб ўрмалаб кетдим, шу со-нияларда зўр бериб ҳарбий машғулотларни хотирамда тиклашга тиришардим.

Орадан беш дақиқа үтгач, мен олдинги жойимдан юз фут нарида эдим. Яна бошимни кўтардим, атрофга қарамоқчи бўлдим. Бирдан ўқ узилди, ёнимдан визил-лаб үтди. Мен яна ерга қапишиб олдим. Мен ё пиёда аскарман, ёки ўйлаганимдан ҳам ақллироқман! Дар-ҳол жойимни ўзгартирдим, қарангки, буни вактида ба-жарган эканман. Яна бир ўқ овози жаннатмакон гўша

тинчлигини бузди, у сал аввалроқ ётган жойимга бориб тегди.

Хозирча омадим чопди.

Ўнг томонда қалин ўтлар тугаб, ундан нариги томон гиёҳ ўсмаган қок ер эди. Мен ётар, қулоғим динг, кутар эдим. Ҳеч нима эшитилмасди. Эшитиш учун бошни бироз күтариш керак эди. Мен күхна армияга хос хийла-найрангни эсладим: қулоқни ерга бериб эшитиш! Рақибим ҳадемай ёнимда бўлади. Мен унинг турган жойини билишим жуда зарур. Бирдан ирғиб туриб ўзимни аввал ўнг томонга, сўнг чап томонга ташладим, иккинчи мерганни шу билан чалғитмоқчи бўлдим. Ўқ овози эшитилди ва у яқинимга келиб тегди. Сакрашлар пайтида мен ўтлар орасидаги ҳаракатни пайқадим-у, душманни кутиб олишга шайлана бошладим.

Ўтлар орасида яшил куртка кийган хитойлик қаддини ростлади, унинг шими ҳам, бошидаги кепкаси ҳам худди шу рангда эди. Уни пайқаб қолишга улгурдим: ўрта бўйли, каллахум ва чайир киши. Қўлида ушлаган пичоқ тифи қуёш нурида ялтиради. Унинг мен томонга яқинлашиб, кўксимга пичоқ уришини кутиб тура олмасдим. Биринчи бўлиб ўзим сакраб туриб унга отилдим, гавдам ва бутун оғирлигим билан уни йиқитдим. Биз ўтлоқ устида юмалашиб қолдик. Мен унинг пичоқ тутган қўлинини маҳкам ушлаб, бўш қўлим билан бирваракайига томоғидан ғиппа бўғиб олдим. У қўзимга бармоқларини тиқиб олмоқчи эди, мен пастдан туриб унинг бошига калла қўйдим. Хитойлик менга нисбатан енгил ва заиф эди. Мен унинг қўлидаги пичоқни уриб тушириб, бор кучим билан томоғидан бўғдим. У бир неча бор қўлимдан чиқиб кетмоқчи бўлиб типирчилади, сўнг шалвираб қолди. Мен оғир нафас олганча

унинг устидан тушдим. Иккинчи мерган кузатиб турибди, деган хаёл сира ёдимдан кўтарилилмасди. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, хитойлик ўзига келди ва ингради. Шунда мен орқа томонидан бориб у билан олиша кетдим.

Олишув пайтида унинг бошидан кепкаси тушиб кетди ва бундай узоқ масофада ким ким билан ёқала-шяпти – билиб бўлмасди. Шубҳасиз, иккинчи мерганга кимни отишнинг фарқи йўқ эдими ёки унга шундай кўриндими, шу заҳоти бирдан ўқ узилди. Хитойликнинг юзи қора қонга бўялиб қолди. Бу аниқ нишон эди! Хитойликнинг танаси «шилқ» этиб ўт-ўланлар устига тушди, мен ундан четга сурилишга қарор қилдим.

Ўтларга ёпишиб, вақт ўтган сари қулоғимни ерга бериб, душманнинг яқин келишини эшлишига ҳаракат қиласдим. Узоқ кутишга тўғри келди. Соатим етти яrim эди, ниҳоят мерганнинг тоқати тоқ бўлди, шекилли, баландликдан пастга тушди, у нима воқеа рўй берганини ўз кўзи билан кўрмоқчи эди, назаримда. Олдимга ишонч билан келди, мени ўлик ёки энди хавфли эмас, деб ўйлаган бўлса керак. Тушиб келган баланд жой менга кўриниб турарди. Бироз вақт ўтгач, мен уни танидим: Энрайтлар уйида ҳамда кема сатҳида турган гирдиғумдан келган хитойлик! У қўлтиғига милтиқ қистириб келарди. Бутун вужудимни ғазаб ҳамда хавф-хатар туйғулари эгаллаб олди! Бу оролни кўриш ғояси Стелладан чиқкан эди. Виллага ҳам мени таклиф этишдан мақсад бу каллахум хитойликка мени кўрсатиш бўлган. Менга бу тузоқقا ўзим ихтиёрий равишда тушиб қолгандек туюлди.

Бу мерганнинг ҳаракатига қараб, унинг яна ўн дақиқадан кейин олдимга келишини тахмин қилдим.

Мен қўлимга узун тиғли пичоқни олдим, пичноқ милтиққа нисбатан афзал бўлмаса-да, ҳар ҳолда аслача эди. Оғир, ялпок тошни ҳам қўлимга олдим. Хитойлик энди эҳтиёткорона қадам ташларди. Мен ўлдирилган хитойликдан йигирма ярд нарига сурилдим, иложи борича сездирмай, гавдамни ерга ёпишириб, сурилишга харакат қилдим. Менинг ҳисобим бўйича хитойлик дастлаб шеригининг жасадига тўқнашиб кетиши керак, менга эмас. У менга анча яқин келиб қолди, энди уни кузатишмнинг ҳожати йўқ эди. Мен ерга ёпишиб олдим, бир қўлимда тош, иккинчисида пичноқ! У шеригини кўриб, сокин товуш чиқарганини аниқ эшитдим, бошимни кўтарганимда нигоҳларимиз бир-бирига қадалди. У ғайриихтиёрий равища милтиқни кўтарди, аммо нишонга олгунига қадар мен тошни улоқтиришга муваффақ бўлдим. Тош бориб қўлига тегди, аммо у барибир отишга улгурди. Ўқ менинг елкамни ялаб ўтди, аммо милтиқ унинг қўлидан тушиб кетди.

Кейинги лаҳзада у милтиқни ердан олмоқчи бўлганида, мен бор кучим билан унга ташландим. Рақибим мени осонгина енгиб, елкамдан қаттиқ силтади. Менинг нафасим қайтиб, қўлимдан пичноқни тушириб юбордим. У афтини буришириб, семиз, сариқ юзи билан тобора яқинлашаётганини кўриб турардим, аммо қўлида милтиқ йўқ эди. Хитойлик ўзини тўхтата олмади, мени ушламоқчи бўлиб қўлини чўзганича, ёнимдан учиб ўтиб кетди. Мен бурилиб, унинг кетига қаттиқ тепдим. У ерга ағанади ва тепаликдан пастга қараб силжиганча тушиб кетди. Қаддини кўтармай туриб, мен ерда ётган тошни олдиму калласини мўлжаллаб улоқтирдим. Тош унинг гарданига тегди. Эҳтимол,

жароҳатлангандир, аммо бу мени асло ташвишлантирилди. Ҳар ҳолда энди у мени маълум вақт ўз ҳолимга кўяди!

Мен оғир нафас олганча елкамдаги оғриқдан қийналиб, йўлга тушдим, кемалар тұхташ жойига томон қадам ташлар эканман, гандираклар эдим.

Роппа-роса соат саккизда мен Ванхойдаги барга кирдим. Мен ювиниш, қайта кийиниш ва елкамдаги ўқдан шилинган жойга пластик ёпиширишга ултурган эдим. Елкам қаттиқ жароҳатланган бўлса-да, умуман, менинг омадим келган, ҳаммаси муваффакиятли якунланган эди.

Бар одам билан тўлган. Америкалик денгизчилар хитойлик қизлар билан бирга ичишар ва рақсга тушишар эди. Тўсиқ билан чегараланган кабиналарда, ишбилармон хитойликлар иш борасида музокаралар юритишарди. Мен эшик олдида туриб атрофга қарганча нигоҳим билан хонимни ахтарар эдим. У сигарета дуди бурқсиб ётган жойдан чиқиб келди ва менга қараб жилмайди. Шундан сўнг хоним мени бўш хоначага бошлаб кирди.

– Нима ичмоқчисиз? – сўради у менинг кўзларимга қарамай.

– Шотландия вискиси, сиз-чи?

– Мен ҳозир сизга виски келтираман.

У чиқиб кетиб, рақсга тушаётганлар орасида ғойиб бўлди. Ўн дақиқа ўтгач, официант столга содали виски келтириб берди. Яна беш дақиқадан сўнг хитойлик жувон қайтиб келиб ўтирди. У енгил безовта ҳолатда эди.

– Му Хай Тон сиз билан учрашишга кўнди, фақат бу ерда эмас, – деди хоним. – У сизни ўз уйида кутадиган бўлди.

Яна битта тузоқ! Менга бугунги таассуротларнинг ўзи етарли! Тўғри, энди мен костюм кийганман, бу костюм остида полициячиларнинг ўттиз саккиз калибрли қуроли бор.

– У қаерда яшайди?

– Унча узоқ эмас. Мен сизга такси чақириб беришим мумкин.

Мен бироз ўйланиб, сўнг бош ирғадим.

– Яхши. Аммо унинг менга керакли қиз эканлигини қандай биламан?

– У сизга хужжатларини кўрсатади.

– Хозир боришим керакми?

– Ха, у сизни кутяпти.

Мен вискини охиригача сипқордим ва ўрнимдан турдим.

– Қиз билан гаплашиб олай, кейин сизга эллик доллар тўлайман.

– Яхши, мен сизга такси топай, – деди у зўрма-зўраки жилмайиб.

У бир неча дақиқадан сўнг қайтиб келди.

– Ҳайдовчи сизни қаерга олиб бориши кераклигини жуда яхши билади. Қизнинг уйи энг юқориги қаватда. Уни осонгина топасиз.

– Сиз билан яна кўришамиз, – мен шундай деб чиқиб кетар эканман, кўча бўйлаб юриб, димиқкан қоронғи кеча қўйнига кирдим.

Ёнимда турган таксига ўтирдим ва биз жўнадик. Ўн дақиқа чамаси одамлар тўла кўчалардан юргач, машина заргарлик дўкони олдида тўхтади. Ҳайдовчи менга ён эшикни кўрсатди. Мен унинг ҳақини бердим, чойчака ҳам узатдим, у кўчада бироз тўхтаб қолди. Нихоят муюлишда кўздан ғойиб бўлгач, мен эшикни итариб,

подъездга кирдим. Лифт ёрдамида охирги қаватгача күтарилдим.

Менинг қаршымдаги майдончада қизилга бүялган эшик бор эди. Костюмим остидаги түппонча қинини очиб, қуролни енгилгина сұғуриб олдим. Шундан сұнг эшик құнғироғини босдим. Бұсағада ёшгина хитой-лик қиз турарди. Эгнида ипак «чунгзам», оёғида қизил шиппак, соchlари нилуфарнинг икки рангидә бүялган эди.

– Мени Райан дейишади, – мурожаат қилдим унга. – Сиз мени кутаётгандынгиз?

У оппоқ тишлигини ялтиратиб жилмайды:

– Ҳа, кираверинг.

Қиз мени катта ёруғ хонага бошлади. Ичкари чиройли гуллар, ёрқин рангли дубдан ясалған замонавий мебеллар билан жиҳозланған эди. Дераза денгиз томонға қараган эди.

– Сиз My Хай Тонмисиз? – деб сұрадым мен қиз эшикни беркитиб оромкурсига чүкканида.

– Ҳа, мени шундай деб аташади.

– Буни нима билан тасдиқлайсиз?

Менинг саволим, афтидан, қызниң күлгисини қистади. У менга столни күрсатди.

– Анув ерда ҳужжатларим ётиби.

Мен шахсни тасдиқловчи гувохномани олдим. У Гонконгга беш йил мұқаддам келған экан. Ўшанды йигирма уч ёшда бүлған. Раққоса булиб ишлаган.

Мен бироз хотиржам булиб, унинг қаршиисига үтириб олдим.

– Сиз Герман Жефферсонни танирмидингиз?

– Албатта, мен уларнинг никох түйларида гувоҳ сиғатида иштирок этғанман.

- Герман нима ҳисобидан яшашини билармидингиз?
  - Эхтимол, саволингизга жавоб беришдан олдин ўзингиз кимсиз, бу ерга нима учун келганингизни айттарсиз? – у ҳамон қулимсирар экан, шу саволни берди.
  - Мен Жефферсоннинг отаси учун керакли маълумотларни олиб боришим керак, – жавоб бердим мен.
  - У ўғлининг Гонконгдаги ҳаёти тўғрисида мумкин қадар кўпроқ билишни истайди.
  - Нима учун? – қиз савол маъносида қошларини керди.
  - Билмайман. У менга маълумотларим учун ҳақ тўлайди, шунинг учун уларни йиғишига уринаман. Агар сиз бирор жўяли маълумот айтсангиз, мен ҳам сизга ҳақ тўлайман.
  - Хўш, қанча тўламоқчисиз?
  - Бу сизнинг менга нималарни айтиб беришингизга боғлиқ.
  - Сизни у нималар эвазига ҳаёт кечиргани қизиктиряптими? – сўради қиз афтини буриштириб. – Хеч қандай... У Чжо Яннинг пули ҳисобига яшар эди.
  - Лайлонинг айтишича, у Рипал-бейда ҳашаматли виллани ижарага олган эмиш.
- Қиз бошини орқага ташлаб, қулиб юборди:
- Унинг, ҳатто меҳмонхонада турган хонаси учун пул тўлашга қурби етмасди. У жуда дангаса.
  - Мен уни гиёҳванд моддалар савдоси билан шуғулланган, деб эшиитдим, – дедим бепарво қиёфада.
- Бу маълумот қизга бошқача таъсир қилди. У тўлиб кетди ва юзидағи табассум ғойиб бўлди. Аммо тезда ўзини қўлга олиб, елкаларини совукқонлик билан қисиб қўйди.

– Мен гиёхвандлик савдоси ҳақида ҳеч нимани билмайман.

– Мен ҳам, сиз биласиз, деётганим йўқ. Героинни Гонконгга олиб ўтиш тўғрисида нимадир билсангиз керак?

– Йўқ, ҳеч нимани билмайман.

– Бу иш билан Фрэнк Беллинг шуғулланармиди?

– Мен у ҳақда ҳеч нимани билмайман!

Энди Му Хай Тон асабий ва синчковлик билан мени кузата бошлади.

– Сиз Беллингни билар эдингиз, шундайми?

– Биз у билан фақат бир марта... никоҳ маросимида учрашганмиз, холос.

– У Жефферсоннинг дўсти эдими?

– Эҳтимол, аммо менга у ҳақида ҳеч нима маълум эмас.

– Никоҳ маросимидан сўнг кўп ўтмай Жефферсон хотинини ташлаб, Рипал-бейдаги виллага кўчиб ўтган, деб эшигандим.

Киз оромкурсида безовта қимирлаб кўйди, манглайдаги ажинлар унинг мияси зўриқиб кетганидан да-лолат берар эди.

– У «Осмон салтанати» меҳмонхонасида узоқ вақт, ўлимига қадар яшади. Жефферсон ҳеч қачон бу вилла-ни ижарага олмаган.

Мен қизни сигарета чекишига таклиф қилдим, аммо у рад этди. Чекар эканман, ўйланиб қолдим: нима учун мен фақат сўрашдан иборат йўлни танладим? Нима сабабдан Лайло ростини айтди-ю, ҳаммаси алдаяпти, деб ўйлаяпман ўзи?

– Келинг, Чжо Ян тўғрисида гаплашайлик, – таклиф киритдим мен. – Сиз уни яхши билармидингиз?

Қиз бош ирғади:

– У менинг эң яхши дугоналарымдан бири эди. Чжо Ян Америкага кетганига жудаям ачиндим. Аммо ҳадемай у ҳақида хабар эшитсам керак, деб умид қиласман. Чжо Ян Америкада жойлашиб олгач, мени у ерга ўтка-зишга ваъда берган эди.

Мен бироз вакт иккиланиб, аммо барибир айтишга жазм қилдим:

- Демак, сизга ҳеч нима маълум эмас экан!
- Нима маълум эмас?
- Чжо Ян ўлган!

Қиз кучли зарба егандай ўзини орқага ташлади. Кўзларини катта очиб, қўлларини кўкрагига қовуштириди. Мен уни диққат билан кузатардим. Туйғуларини яширишга қанчалик интилмасин, бу хабар уни бутунлай гангитиб ташлаган эди.

– Ўлган?! Бўлиши мумкин эмас! – деди у бўғиқ овозда.  
– Уни Пасадена-ситида, Гонконгдан борганидан бир неча соат ўтгандан сўнг ўлдиришган.

Қизнинг юзи бўзарив, хунук тусга кириб борарди.  
– Сиз ёлғон гапирияпсиз! – қичқириб юборди у. – Бу ёлғон!

– Афсуски, рост. Полиция унинг қотилини изляяпти!  
Энди у юзини қўли билан беркитиб йиғлар эди.  
– Кетинг, – деди у ҳик-ҳик йиғлаб. – Илтимос қиласман, кетинг!  
– Ўзингизни босинг, – дедим мен. – Мен сизга озор етказдим, бундан таассуфдаман. Мен ўзим қотилни излаб юрибман, бу борада сиз ёрдам бера оласиз. Кулок солинг...

У ўрнидан сакраб туриб, бошқа хонага отилди, ортидан эшикни қаттиқ ёпди.

Кетишимга түғри келди. Мен лифт билан пастки қаватга тушдим, дикқат билан майдонга қулоқ солиб, юқорига қараб турдим. Қиз эшикни очди, атрофга бир қаради-ю, сұнг уни ёпди. Шунда мен унинг қаватига күтарилдим. Қизил эшик ёніга бориб, ичкарига қулоқ солдим. Бир неча дақықадан сұнг мен у телефон ракамини тераётганини, сұнг гүшакка секин нималардир деганини эшитдим, аммо сүзларини англай олмадым. У сұхбатини тугаттач, пастта тушдим-у, күчага чиқдим. Қарама-қарши томонда, йүлдан үтгач, дүкон бор эди, мен ана шу дүконга кириб, пешлавxa олдида туриб, уйни кузата бошладим.

Орадан үн дакиқа үтгач, Му Хай Тон уйдан чиқди. Бириңчи лаҳзада уни таниб олиш жуда кийин эди. Му Хай энди камбағал қиз либосида – қора кофта ва худди шу рангдаги шим кийиб олган эди. У атрофга дикқат билан қаради ва шундан кейин сохил бүйлаб юриб кетди. Мен изидан таъқиб этганча одимлай бошладим. У такси автомашиналари тұхташ жойига етиб, ҳайдовчи билан ғаплашды ва машинаға үтирди. Такси автомобиллар оқимига құшилиб, йүлга тушди. Мен иккінчи таксига қараб чопдим, омадим келди: ҳайдовчи инглиз тилида озроқ ғаплаша олар экан. Үнга бояги таксининг орқасидан ҳайдашни буюрдим ва йигирма долларлик пулни күрсатдим. Бу уни рухлантириб юборди, кулим-сираб, машинани үша такси ортидан жадал ҳайдади.

Му Хай Тон солсімон ясси кема олдида таксидан тушди. Мен ҳайдовчи билан теңгина ҳисоб-китоб қилиб, яна уни таъқиб эта бошладим. Му Хай кеманинг учинчи тоифасига, мен эса бириңчи тоифасига патта олдик. Кема бизни Коулундаги кемалар тұхташ жойига олиб борди.

Кемадан тушгач, қиз ўзига рикша ёллади. Мен унинг ортидан пиёда йўлга тушдим, сал бўлмаса уни кўздан қочираёздим. Биз Гонконгнинг аслида Хитойга қарашли худудига тушиб қолдик. Қандайдир вактлар орасида британ маъмурларининг бу худудга киришга ҳақлари йўқ, у жиноятчилар ва бангилар учун «қўриқхона»га айланниб қолган эди. Жиноятчилик шунчалик авж олиб кетганки, бунинг натижасида полиция у ерда маҳсус патруль хизматини жорий этган ва хитойлик маъмуряят ходимлари бунга эътиroz билдирамаган эди. Аммо у ёки бу тарзда мазкур жой оврупаликлар учун асло маъқул эмас эди.

Мен қизнинг изидан қолмасдан борардим. Хитойликлар билан тўлиб, тиқилиб кетган энсиз муюлишлар, тор кўчаларда беркиниш амри маҳол эди. Агар қиз орқасига ўтирилиб қараса борми, мени албатта кўрган бўларди. Биз тор, сассик, эгри-буғри кўчалардан узоқ юрдик. Нихоят қиз битта уй олдида тўхтади ва ичкарига кирди. Мен қўшни уй ёнида ўтирган, ётган хитойликларнинг нигоҳидан хижолат бўлганча кутиб турдим. Уларнинг қони қотиб қолган башараларига боқдим: кўзларининг қорачиқлари кенгайиб кетган эди. Билмайман, улар мени кўришдими, йўқми, барibir, совуқ назари мени довдиратиб юборди, сесканиб кетдим. Мен эшикни очдим ва ичкарига қадам қўйдим. Олдимда тор айланма зина турарди. Тўппончамнинг филофини очиб, жим ҳолда зинапоядан кўтарилидим. Юқоридаги саҳнда иккита эшик бор эди. Улардан бири олдида тўхтадим, ичкаридан қандайдир эркакнинг овози эшитиларди.

– Кулоқ сол, агар мени алдаётган бўлсанг, сени албатта ўлдираман, – деди у. Бу овоз америкаликка те-

гишли бўлиб, қаҳр-ғазаб ва таҳдидга тўла эди. Мен буни унинг кучли лаҳжасидан англадим.

– У худди шундай деди, – қичқирди Му Хай Тон. – Уни Пасадена-ситига борганидан сўнг, бир неча соатдан кейин ўлдиришибди.

Кутилмаганда орқамдан хотиржам овоз эши билди:

– Жаноб Райан, қимиrlаманг! Илтимос, қўлингизни кўтаринг!

Бу менга анча таниш хитойча лаҳжада гапирган кишининг овози эди. Мен ҳаракатсиз қотиб, қимиrlамай туардим. Гап оҳанги илтифотли, мулоим бўлса-да, аммо унда таҳдид кучли эди.

– Сиздан илтимос, эшикни очинг ва киринг. Огохлантираман, қўлимда тўппонча бор.

Мен олдинга бир қадам қўйдим ва эшикни енгилгина итардим. У очилиб кетганида, деярли ҳувиллаб ётган хонага қўзим тушди. Уйнинг бир томонини кенг чўп супа эгаллаган бўлиб, устига ранги кўринмас даражага келиб қолган ирkit адёл ташланган эди. Тескари қўйилган қути устида қурум босган темир чойнак, чой дамлаш учун чинни чойнак ва пиёлалар туарди. Деворга қоқилган михда кир босганидан ола-була ахволга келиб қолган сочиқ, унинг остида эса тоғора, сув тўла кўза туарди. Хонада икки киши тиззалаб ўтиради, мен кирганимда, улар бурилиб қарашди. Улардан бири Му Хай Тон бўлиб, иккинчиси эркак киши эди. Бу кичик жуссали, хитойча костюм кийган эркакни мен дастлаб хитойлик бўлса керак, деб ўйлаган эдим. Му Хай Тон кўрқанидан қичқириб юборди, эркак урганида эса у полга йиқилиб тушди.

– Сарик машак! – қичқирди у. – Уни бу ёқقا сен бошлаб келдингми?! Йўқол бу ердан!

– Сиздан илтимос, киринг, – деди хотиржам овозда орқамда турган киши ва елкамдан туртди.

Киз хўнграб йиғлаганча ўрнидан сакраб турди ва менинг ёнимдан ўтиб, зинапояга чиқди. Мен унинг қадам товушларини эшитдим, хиёл ўтмай эшик ёпилди.

Хонага кириб, таваккал қилиб елкам оша орқамга қарадим. Вонг Хоп Хо – «инглиз тилида гапирувчи гид» кулиб турарди. Унинг қўлида кирқ беш калибрли коль тўппончаси тўппа-тўғри елкамни мўлжалга олган эди. Вонг эшикни ёпди ва унга суюниб турди. Мен энди рўпарамда турган эркакка тикилиб қолдим. У касалманд ва аборг кўринишда эди. Боз устига жуда иркит ва соқоллари ўсиб кетган.

– Текшириб кўр, тўппончаси бўлиши мумкин, – деди у.

Вонг бир қўли билан менинг биқинимни пайпаслаб, тўппончамни топди ва уни қинидан чиқариб олди. Менинг рўпарамда бошқа киши эмас, нақ Фрэнк Беллингнинг ўзи турибди, деб жазм қилдим. Акс ҳолда ҳамма ҳаракатларим ўз маъносини йўқотар эди!

– Сиз Беллингмисиз? – сўрадим мен. – Мен сизни ахтариб юрибман!

– О’кей! Мана, мени топдингиз, аммо бу яхшиликка олиб келмайди!

– Демак, мен сизнинг тузоғингизга тушибман, – дедим алам билан. – Мени аэропортдаёқ кузатган экансиз-да! Келишимни сизга ким айтган эди?

Вонг баланд овозда жавоб берди:

– Бизнинг ўзимизда ахборот берадиган манбалар бор! Бу қадар қизиқувчан бўлмаслик керак, жаноб Раян! Сиз бу ерга бехуда келгансиз!

– Нима бүлганды ҳам мен аллақачон шу ердаман, – дедим мен. – Начора, мен шунчалик қизиқувчанман, касбим шунақа.

– Сизга нима керак ўзи? – сұради Беллинг.

– Мен Чжо Ян Жефферсоннинг қотилини топиш учун юрибман. Бу қалтис қадамни худди шу ердан бошладим.

Унинг күзлари гийирлиқдан ялтираб кетди:

– Унинг үлгани ростми ўзи?

– Ҳа.

Беллинг бошидан кепкасини олиб, бир чеккага улоқтириди. Ифлос қум рангидаги униқиб кетган сочлари текислашга мұхтож эди. У соchlарини ифлос құли билан силади ва лабини тишлиди.

– Унга нима бүлди ўзи? – сұради у. – Батафсил сұзлаб беринг.

Мен Жон Ҳардвикнинг сирли құнғироғи, мени қандай қилиб идорадан чиқарып юборишгани, қайтиб келганимдан сүңг Чжо Янни ўлик ҳолда топганимни гапириб бердим. Сүңг қария Жефферсон менга қотилни топишни юқлаганини айтдым.

– Агар Герман тирик қолганида, у хотинининг қотилини албатта топарди, деган эди. Бу ўғли учун қиладиган ишининг бир қисми эканлигини чол қистириб ўтди, – дедим.

– Полиция нима қиляпти ўзи? У қотилни топа олмайдими? – сұради Беллинг.

– Улар ҳеч нимани аниклай олишмади, мен ҳам. Шу боис сизни йўқлаган эдим.

– Мен сизга қандай ёрдам бера олардим, жин урсин! – унинг озғин юзидан шаррос тер қуйилар, менга ғазаб

билин тикилар, айни пайтда мен унга ҳадиксираб қараб турардим.

– Жефферсон түғрисида бирор нарса дея оласизми?  
– сүрадим мен. – Сиз аъзо бўлган гиёхванд моддаларни ташиш билан машғул ташкилотга у ҳам аъзо бўлган эдими?

– Мен Жефферсон түғрисида ҳеч нимани билмайман! Бу ишга бурнингизни тиқманг! Энди эса жўнаб қолинг! Жефферсон ўлган, уни тинч кўйинг. Даф бўлинг, тезроқ йўқолинг!

Мен Вонгдан эҳтиёт бўлишим, уни кузатишим керак эди, аммо бундай бўлмади, шунинг учун таъзиримни едим. Беллинг Вонгга қараб, билинар-билинмас ишора қилди, мен кескин бурилдим. Шунда Вонг қорнимга қаттиқ урди, мен оғриқнинг зўридан букилиб қолдим, у тўппончанинг сирти билан гарданимга қаттиқ туширди...

Мен анчадан кейин ўзимга келдим, қандайдир овоз: «Фрэнк Беллинг, шубҳасиз, англиялик», – дерди, бошқа овознинг: «Тўппа-тўғри, у англиялик», – дегани қулоғим остида жаранглагандай бўлди.

Шу билан бирга ўзини Беллинг деб атаган ифлос нусха америкача кучли лаҳжада гапирав эди. Инглиз худди шундай оҳангда гапира олариди? Менимча, йўқ. Шунда бошимдаги қаттиқ оғриқ бутун мулоҳазаларимни чилпарчин қилиб юборди, мен ўзимнинг заиф ноламни эшитдим.

– Ҳечқиси йўқ. Ҳечқиси йўқ, – дедим ўз-ўзимга. – Сен осон қутилдинг! Сенинг ишингда бундай ҳодисалар доимо рўй бериб туриши турган гап. Омадинг келгани – сен тирик қолдинг.

Мен күзларимни очдим, аммо қоронғида ҳеч нимани күра олмадим. Таниш ҳид туфайли ҳамон Вонг мени урган хонада турганимни билиб қолдим. Аста-секинлик билан қаддимни ростлаб үтирдим, бошимни пайпаслаб, оғриқдан ихраб, бошимдаги катта ғуррани топдим. Бир неча дақиқадан сүнг пол устига энгашиб, кучимни түпладим-у, сүнг турдим. Эшик менинг орқамда, ўнг томонимда бўлиши керак. Мен тутқични пайпаслаб топдим ва очдим. Зина турган майдондаги хира нур сочиб турган ёғду қоронғиликдан бирдан чиққаним боис сал бўлмаса мени кўр қилаёзди. Кўзларимни юмишга мажбур бўлдим, бироз турдим, кейин эшик тирқишидан қулоқ солдим. Соатимга қарадим: бирдан беш дақиқа үтибди. Демак, мен ярим соат беҳуш ётганман. Бу вақт мобайнида улар имкон қадар узокроққа кетиб, яширинган бўлишса керак.

Менинг эндиги бирдан-бир истагим бу газандалар уясини тезроқ тарк этишдан иборат эди. Зинапоядан аста-секин судралиб туша бошлар эканман, қандайдир қадам товушларини эшитдим. Кўлим беихтиёр костюм тагига югорди, аммо тўппонча ғилофи бўм-бўш эди. Фонарнинг ўткир нуридан кўзларим қамашиб кетди.

– Сиз бу ерда нима қиляпсиз? – деган шотланча лахжада айтилган таниш овозни эшитдим.

– Хилват жойларни ўрганяпман, – деб жавоб бердим мен, зудлик билан хотиржам тортиб. – Ўзингиз-чи?

Зинадан сержант Хэмиш ва унинг изидан хитойлик полициячи кўтарилиб келишди.

– Сизнинг бу ерга кирганингизни кўришган экан, – деди сержант. – Мен нима иш билан машғул бўлганингизни кўришга жазм қилдим.

– Эх, бироз кечикдингиз. Мен дўстингиз Фрэнк Биллинг билан бир томонлама сұхбат олиб бордим.

– Нима дедингиз?! – ҳайратта тушиб қаради у. – Қаерда у?

– Қочиб кетди, – шундай деб бошимдаги ғурраны ушлаб қўйдим. – Унинг улфати мени илгарироқ туртиб қўйди ва биз хайрлашишга улгура олмадик.

Сержант фонар ёруғида менинг гарданимни кўрди-ю, ҳуштак чалиб юборди.

– Сиз, ўзингиз шундай овлоқ жойни хоҳламаган-мидингиз? Бу Гонконгнинг энг ваҳшийлашган ҳудуди ҳисобланади.

– Чироқни нари олинг, бошим айланяпти!

Сержант менинг ёнимдан ўтиб, фонар ёруғида хонанинг ҳамма томонини текшириб чиқди. Сўнг у ердан чиқиб келди.

– Кетдик. Эҳтимол назоратчи сиз билан гаплашар.

– У My Хай Той номли қиз билан гаплашишига тўғри келар балки, – дедим мен ва қизнинг манзилини бердим. – Яххиси, ҳаммани унинг ортидан юбориш керак. Назаримда, у ҳам қочиб кетишга ҳаракат қиласди.

– Унинг Беллингга қандай алоқаси бор?

– Мени бу ерга у бошлаб келди. Шошилинг, дўстим, акс ҳолда кечикиб қоласиз.

У полициячига нимадир деди-ю, сўнг пастга қараб чопиб кетди.

– Кетдик, – деди у қичқириб.

Орадан ярим соат ўтгач, мен Маккартининг хонасида ўтирадим. Уни, шубҳасиз, тўшақдан судраб келишган бўлса керак, кўриниши тунд ва башараси уйқудан салқиган эди. Менинг эса ҳамон бошим оғрир эди, аммо аччиқ чойдан сўнг ўзимни анча тетик ҳис этдим.

Сержант деворга суюнди. У тишкавлагични гажиши билан банд бўлиб, суҳбатимизга аралашмай, бизни четдан кузата бошлади.

Менинг саргузаштларим ҳақида эшитаркан, Маккарти индамасдан трубкасини сўриб ўтирас эди.

Мен Сильвер-Майн-Бейдаги сайр-томоша тўғрисида ҳеч нима демасликни афзал кўрдим. Бу яхшиликка олиб бормаслигини аввалдан ҳис этдим. Унга Му Хай Тон билан гаплашгим келганини, уни Ванхойдаги барда бўлган хоним орқали топганимни, шунингдек, у Чжо Яннинг ўлимини эшитиб, ларзага тушганини сўзлаб бердим.

– Назаримда, у бу янгиликни ўз танишига хабар қилмоқчи бўлган, – дедим сўзимнинг охирида. – Мен уни кўчада кутиб турдим ва ортидан кузатиб бордим.

Шундан сўнг мен Беллингнинг хонасида рўй берган воқеаларни батафсил баён қилиб бердим. Айниқса, Вонгнинг пайдо бўлгани, у мени уриб, ҳушимдан кетказганини айтдим. Бироз сукут сақлагандан сўнг Маккарти шундай деди:

– Сиз биринчи навбатда бизнинг олдимишга келишингиз керак эди.

Мен унинг эътирозини жавобсиз қолдирдим, Маккарти эса анча вақт ҳеч нима демади, афтидан, у мендан эшитган маълумотларни фикр чигириғидан ўтказиб, мулоҳаза юритарди.

Телефон жиринглади. У гўшакни олиб, қулоғига тутди ва шундай деди:

– Майли, кузатишни давом эттиринг, у менга жудаям керак, – деди у ва менга қаради: – Қиз уйига қайтмабди. Бизнинг одамимиз унинг уйини назорат қилиб туриби.

– Мен ҳам шундай деб үйлагандим, уйида полицияни кута олмайды. Уни ҳам худди Лайло каби бүгоздан топиб олишса, ҳайрон бўлмасдим. Сизда Беллингнинг фотосурати борми? – деб сурадим мен. – Назаримда, мен гаплашган одам у эмас. Ўша нусха америкача лаҳжада гапирди.

Маккарти стол ғаладонини очди ва у ердан қалин папкани олди. Папканинг ҳажми далолат беришича, у Беллинг билан қизиқиб қолган ва уни менга кўрсатмоқчи бўлган. Маккарти папкадан расмни сугуриб олди ва уни стол устидан менга шундай ошириб ташладики, тўппа-тўғри олдимга келиб тушди. Фотосуратга қарадим-у, баданимда чумолилар юргандай сесканиб кетдим. Бу менга Жейн Уэст берган суратнинг айнан ўзи эди. Айнан ўша – раҳм-шафқатни билмайдиган ганстернинг қиёфаси, Жейннинг айтишига кўра, Герман Жефферсонга тааллукли эди.

– Сиз унинг Беллинг эканлигига ишонасизми? – сўрадим мен.

Маккарти менга ҳайрон бўлиб қараб қолди.

– Бу полицияга тегишли фотосурат. Биз уни кўпайтириб, ҳамма жойга тарқатдик, ўшанда уни излаётган эдик. Ҳа, бу ўша Фрэнк Беллинг.

– Аммо мен гаплашган одам ҳам ўзини Беллинг деб атади.

Маккарти совуқ чойдан ҳўплади ва трубкасини қоқа бошлади. Унинг юзидан ғазаблангани аниқ кўриниб турарди.

– У ҳолда сиз ким билан гаплашдингиз?

– Сиз бирор марта Герман Жефферсонни учратганимисиз?

– Ҳа... нима эди?

- Сизда унинг фотосурати борми?
- Йўқ, ахир у Америка фуқароси-ку!
- Уни тавсифлаш мумкинми?
- Озғин, юзларида чукур ажинлар бор, сийрак сочлари сарғиш күм рангидა, – деб жавоб берди Маккарти.
- Сизнинг баёningизга кўра, у мен сўзлаб берган кишига тўғри келади.

Узоқ жимлик чўқди, сўнг Маккарти шундай деди:

- Жефферсон ўлди. У автомобиль фалокатида ўлган. Жасади Америкага жўнатилган.

– Аммо мен, Жефферсон тирик, деб қатъий ишонтираман. Умуман, у икки соат аввал тирик эди, – дедим мен.

– Машинадан топилган жасад Жефферсоннинг бўйи ҳамда вазнига тўғри келарди, – деди Маккарти, қандай бўлмасин ўзини ишонтириш учун. – У шунчалик куйганки, шахсини аниқлашнинг умуман имкони бўлмади, аммо хотини узуги ва портсигаридан таниб олди. Биз унинг Жефферсон эмаслигини тасдиқловчи асосларга эга эмас эдик.

– Агар у Жефферсон бўлмаса, бу жин ургур ким ўзи?  
– деб сўрадим мен.

– Сиз нега бу ҳақда мендан сўрайapsиз? – деди Маккарти. – Менда, Жефферсон тирик юрибди, деган асос йўқ.

– Баланд бўйли, озғин эркак, кўзлари зангори, сочлари сийрак, сарғиш рангда, лаблари юпқа унинг, – дедим мен, бироз ўйланиб тургач, кўшиб қўйдим: – Ўнг қўлидаги жимжилоги қийшиқ битган, шубҳасиз, бармоғи қачонлардир синган, сўнгра қийшиқ бўлиб қолган.

– Бу Жефферсон, – деди Хэмеш, у шу пайтгача бир оғиз ҳам сўз айтмаган эди. – Мен унинг қийшиқ бармоғини эсладим. Бу ҳақиқатан Жефферсон.

Маккарти зүр бериб трубкасини тортди.

– Унда биз кимни дафн қилдик? – сүради у. – Штаттарга кимнинг жасадини юбориши?

– Менинг фикримча, Фрэнк Биллинг жасадини, – жавоб бердим мен. – Жефферсон қандайдир сабаб билан, бу – Беллинг, деб мени ишонтиromoқчи бўлди.

– Бунинг унга нима кераги бор?

– Билмайман, – деб бошимдаги ғуррани пайпасладим мен ва касалга үхшаб ғашландим. – Агар қарши бўлмасангиз, мен энди қайтсан, акс ҳолда үзимни худди устимдан машина юриб ўтгандай ҳис қиляпман.

– Сиз худди шундай кўриняпсиз ҳам, – деди Маккарти. – Аммо аввал бизга Вонгни таърифлаб беринг.

– Менинг назаримда, у бошқа хитойликлардан кўп ҳам фарқ қилмайди: каллахум, семиз, тилла тишли.

– Тўғри, – деди Маккарти рози бўлиб. – Биз учун уларнинг ҳаммаси бир хил, худди биз уларга шундай кўрингандай. – У Хәмиш томонга ўгирилди. – Сиз кўпроқ одам олинг-у, бутун ҳудудни титиб чиқинг. Қаранг, Жефферсонни таниб бўлармикан? Мен-ку, муваффақият қозонишимизга унчалик ишонмайман, аммо барибир уриниб кўриш керак. – Сўнг менга қараб, сўзида давом этди: – О’кей, Райан! Уйга кетишингиз мумкин. Қолган ишлар билан биз, үзимиз шуғулланамиз.

Мен Хәмиш билан бирга унинг хонасидан чиқдим.

– У ердан Жефферсонни ахтариш сомон ичидан игна излаш билан баробар, – деди у аччиқланиб. – Ҳеч ким ҳеч нимани билмайди, ҳамма бир-бирини яширади.

– Ғам чекманг, – дедим мен бепарволик билан. – Жуда бўлмаса сиз учун қандайдир машғулот топилади.

Мен машинага ўтириб, меҳмонхонага йўл олдим. Үзимни анча қартайган ва абжафи чиққандай ҳис ки-

лардим. Лифтда түрткінчи қаватта күтарилдим, менинг хонам шу қаватда жойлашган эди. Күпгина номерлар иккі хонадан иборат – меҳмонхона ва ётоқхона бўлиб, улар парда билан ажратилган эди. Эшикни очиб, меҳмонхонага киргач, чироқни ёқдим ва костюмимни ечдим. Кондиционер туфайли хона ҳавоси салқин эди. Ягона истагим тезроқ ванна қабул қилиш ва тұшакда ётиш эди ҳозир. Аммо кошки эди! Пардани очиб, но мернинг иккінчи ярмиға кирганимда, үрнимда битта аёл ётганига күзим тушди. У Стелла Энрайт бўлиб, қора олтин ранг күйлакда ётар, икки пойафзали тұшак ёнига улоқтирилган эди. Аввалига у күзимга худди үлгандай туюлди, аммо шунчаки ётганига ишонч ҳосил қилганимдан сұнг ниҳоят енгил тортдим. Тұшак ёнида турар эканман, бошим ҳаддан зиёд оғрир, Стелла бу ерга нима мақсадда келган экан, деган фикр менга тинчлик бермас эди.

Шунда мен йүлакда турадиган навбатчини эсладим, хонамга кириш учун ўша ходимни сотиб олғанмикан, деб ўйлаб қолдим. Синчков нигоҳларимни сезиб, Стелла күзларини очди ва менга тикилиб қолди. Сұнг тезда үрнидан туриб, каравотта ўтириб олди, оёқларини полга қўйди.

– Мени кечириңг, – кулди у. – Сизни шунчалик узок кутганимдан ухлаб қолибман.

– Наҳотки узок кутдингиз? – минғирладим мен, бу гап шунчаки нимадир дейиш учун эди.

Мен оромкурсига чўқдим, уни кузата бошладим: Стелла туфлисини кийди, соchlарини яхшилаб тұғрилади, сұнгра меҳмонхона томонга ўтди.

– Соат тўққиздан бери шу ердаман, – деди у. – Сиздан роса ташвишландим ва келишга қарор қилдим, –

Стелла мен олдинроқ бирор сўз қотмасдан шоша-пиша сўради: – Нима бўлди ўзи?

– Мени ушлаб олишди, – дедим қўлида милтиқ ва пичоқ ушлаган икки хитойликни эслаб. – Энди эса мен ҳам сиздан ниманидир сўрайман: Сильвер-Майн-Бейга таклиф қилиш сизнинг каллангиздан чиққан фикр эдими?

– Нимани назарда тутяпсиз?

– Шаршарани томоша қилиш таклифи сиздан чиққанмиди ёки...

У қовоқларини уйди, менга сергак тортиб қаради ва жавоб берди:

– Тушунмадим, буни билишнинг сизга нима аҳамияти бор? Ҳа, сизни таклиф қилишни менга акам айтган эди. Унинг айтишича, сиз бу ерда ўзингизни ёлғиз ҳис қилгансиз, шу боис биз билан борганингизда хурсанд бўлардингиз.

– У ҳақиқатдан сизнинг акангизми?

Стелла саросимага тушиб қолди, менга қаради, сўнг нигоҳини олиб қочди. Мен саволимни тақрорладим.

– Сиз жуда ғалати саволлар берасиз-а? – деди Стелла, у ҳамон менга қарамасди. – Нима учун бу ҳақда сўраяпсиз?

– Сизлар бир-бирингизга мутлақо ўхшамайсизлар, – дедим мен. – Бунинг устига қайси қиз акаси билан бирга туради ўзи?

Мен унинг қанчалик иккиланаётганини кўрдим, ниҳоят Стелла маъқул дегандек бош ирғаб қўйди.

– Сиз ҳақсиз, у менинг акам эмас. У билан танишганимга энди икки ой бўлди. Мен бундан қаттиқ пушаймонман.

Мен ётиб дам олиш фикридан бутунлай воз кечдим, ваҳоланки ўлгудай чарчаган эдим. Сигарета қутисини олиб, бирга чекишидик. Стелла оромкурсига орқасини ташлади, кўзларини юмди ва чуқур ўйга ботди.

– Сиз Энрайт билан қаерда танишгансиз? – сўрадим мен.

– Сингапурда. Мен у ерда тунги клубга қатнаб юрадим. Мени Нью-Йоркка таклиф қилишди ва мен, ах-моқ, шунга рози бўлибман. Бир куни клубни полиция босди-ю, мен ваъда қилинган пулни ололмадим. Шу ерда Гарри дуч келиб қолди. У менинг бир неча чиқишимни кўриб, ёқтириб қолган экан. Гарри мени ўзи билан бирга кетишга кўндирид. Унинг пули кўп эди, ёқимли эди... ва мен у билан яшай бошладим... Ўша пайтларда Гарри ёмон эмасди ва шундан кейин атрофимиизда ғийбат гаплар кўпайиб, ишлар бошқача тус олиб кетди. Мен ўйга қайтмоқчи эдим, аммо Гарри йўл учун бир чақа ҳам бермади. Сўнг кутилмаганда унга дуч келишга тўғри келди. У менга сохта паспорт тўғрилаб берди ва биз бу ерда ака-сингил бўлиб жойлашдик, – шу ерга келганида, Стелла менга қаради. – Сиз менга йўлга кетиш учун пул бера олмайсизми? Мен қарзими ни бир неча ойдан кейин қайтарардим!

– У қалбаки паспортни қандай қилиб олиб берди?

Стелла бош чайқади.

– Билмайман, бу ҳақда ундан сўраганим йўқ! Хўш, сиз менга қарз бериб тура оласизми?

– Мен ҳеч қачон ҳеч кимга қарз бермайман.

– Агар истасангиз, биз биргаликда саёҳатга чиқишимиз мумкин, – Стелла зўрма-зўраки кулимсираб қаради, аммо мен унинг нимадандир қўрқаётганини сезиб турардим. Асаблари қанчалик таранг тортилгани

күзларида намоён эди. – Мен нимани назарда тутганимни тушуняпсизми?.. Пулни қайтариш маъносида.

– Менинг ичгим келяпти, – дедим мен. – Сиз-чи?

Стелла гавдасини ростлади, унинг күзлари қўрқувдан кенгайиб кетди.

– Бу ерга ҳеч кимни қўйманг, – деди у қандайдир кескин овозда. – Мени сиз билан бирга кўришларини асло истамайман!

– Йўлак навбатчиси барибир билади! Сизни ўша қўйиб юборганми бу ерга?

– Йўқ, мен хонангизнинг рақамини билардим, девор тахтасидан калитни ўзим олдим. Навбатчининг ҳеч гапдан хабари йўқ.

Бошим ҳамон қақшаб оғрир эди.

– Сиз нимадан қўрқяпсиз?

Унинг жуссаси тарапглашди, аммо барибир мендан нигоҳини олиб қоча бошлади.

– Мен қўрқаётганим йўқ. Фақат уйга кетгим келяпти бу ердан!

– Нима учун кетиш шунчалик зарур бўлиб қолди?

– Саволни бунча кўп қалаштириб ташлаш шартми?

Менга қарз берасизми, йўқми? Агар менга пул берсангиз, ҳозирнинг ўзида сиз билан...

– Мен фақат битта шарт билан пул бераман: сиз Гарри Энрайт тўғрисида нималарни билсангиз, айтиб берасиз.

Стелланинг саросимага тушганини яққол кўриб турардим.

– Мен у ҳақида жуда кам биламан, – деди у. – Гарри ҳаётдан мумкин қадар кўп ҳузур-халоват олгиси келади! Аммо мен ҳаддан зиёд сабр-тоқат қилиб, жудаям чарчадим.

– Майли, бор гап шу бўлса, у ҳолда пулни ўзимда қолдираман, – дедим ва ўрнимдан туриб телефонга яқинлашдим. – Мен виски буюраман, кейин ётаман... ёлгиз. Сиз эса официант келгунича кетсангиз, яхши бўларди.

– Йўқ... шошманг.

Мен барибир музли виски буюрдим. Гўшакни жойига қўйганимда Стелла ўрнидан турди.

– Агар мен ўзим билган мълумотларнинг ҳаммасини айтиб берсам, сиз ҳақиқатдан ҳам пул берасизми?

– Мен ҳамиша ваъдамнинг устидан чиққанман.

– Менимча, у гиёхванд моддалар контрабандаси билан шуғулланади, – деди қўлларини кўкси устига чалиштириб Стелла.

– Нима учун шундай деб ўйлайсиз?

– Тунлари Гаррининг ҳузурига қандайдир одамлар келади. У Сингапурда, портда денгизчилар билан учрашган эди. Бир марта полиция уйимизда тинтуб ҳам ўтказган, аммо ҳеч нима тополмаган. У молни уйда сақламайди, деб ўйламайман. Шу ондаёқ моторли қайғи билан денгизга чиқиб кетади.

– Сизлар келгунча виллада Жефферсон яшаганмиди?

– Ҳа, аммо Гарри бу ҳақда сўзлашни ман қилган. Жефферсон ўлганида, у Сингапурдан келди, мақсади унинг ўрнига бошқа одамни топиш эди. Бу вилла гиёхванд моддаларни жўнатишга жуда ҳам қулай.

Эшикни оҳиста тақиллатиши.

– Бу – официант, – дедим мен. – Сиз ваннахонага кириб, овоз чиқармай туринг.

Стелла ваннахонага кириб, эшикни ёпди. Мен официантни киритиш учун эшик ёнига бордим, аммо официант ўрнига эшик ортида Гарри Энрайтни кўрдим. Унинг кўлида ўттиз саккиз калибрли тўппонча бор эди.

– Шовқин күтарили масин, дўстим, – деди Гарри пў-  
писа билан. – Бир қадам орқага ва қимиirlама.

Мен итоаткорона орқага қадам ташладим.

– Эшикка умидвор қарама, – давом этди у ичкарига  
киргач. – Мен официантни огоҳлантиридим, сенинг ич-  
гинг келмаганини айтдим, у қайтиб кетди.

– Ўтирсам бўладими? – деб сўрадим мен. Жавобни  
кутмасдан, жойимга ўтирдим ва унга диққат билан на-  
зар ташладим. Гаррининг лаблари кулиб тураг, аммо  
кўзининг ғазаб билан чақнаши мени эҳтиёtkор бўлиш  
кераклигидан огоҳлантирарди гўё. Унинг тўппонча  
тутган қўли асло титрамас, курол тўппа-тўғри менинг  
бошимга қаратилган эди.

– Сен айёrsан, – деди Энрайт. – Сен, ҳатто иблис-  
ларча айёр эканлигингни тасаввур ҳам қилолмайсан.  
Мен уч ҳафта давомида вақтимни кетказган ишни сен  
амалга оширдинг.

– Айнан нималарни?

– Сен Жефферсонни топдинг. Мен уни ҳамма жой-  
дан ахтардим, сени сал бўлмаса менинг буйруғим би-  
лан отишган эди. Кейин сен уни оддийгина йўл билан  
топдинг.

– Мен сизни таъқиб қилганим йўқ, – дедим мен. –  
Наҳотки сиз тўппончани айнан шундай қилиб ушла-  
шингиз шарт бўлса? Бугун мен учун шусиз ҳам етарли-  
ча оғир кун бўлди!

Мени нишондан қочирмаётган Энрайт келиб, Стел-  
ла ўтирган оромкурсига чўкди.

– Тўппонча тўғрисида ўйламай қўя қол, – деди у.

– Сен ўзингни яхши тутар экансан, менинг қуролдан  
фойдаланишимга важ топилмайди. Хуш, полициячи-  
ларга нималарни гапириб бердинг?

- Мен уларга нимадир деганимни қаердан олдинг?
- Сен вилла билан шуғулланган, қизиққон эдинг, ортингдан одамимиз тушганди. Мен сени сув велосипедида бүлганингда ҳам пайқаганман. Шундан бери биз сендан күз узганимиз йўқ.
- Биз дедингми? Сен гиёхванд моддалар контрабандасини назарда тутяпсанми?
- Айнан шуни. Бу – жуда катта иш. Мен кейин ўйлаб, устимдан совуқ сув қўйилгандай бўлди, чунки анови иккитаси сени ўлдириши мумкин эди! Бу менинг катта хатоим бўлди. Сени ўз ҳолингга қўйиш керак эди, аммо менинг билмаганим – сен айнан Жефферсонни излаган экансан.
- Мен уни излаганим йўқ. Уни ўлган, деб ўйлаганман.
- Биз ҳам шундай, деб ўйлаганмиз. У ҳаммамизни сал бўлмаса, тўпнинг оғзига қўйиб кетди. Биз Беллингни қўлга туширмоқчи эдик, кейин сен пайдо бўлиб, тўғридан-тўғри Жефферсонга бошлаб кетдинг.
- Шундай қилиб, уни топдингизми? – сўрадим мен, айни дамда, Стелла ваннада нима қиляпти экан, деб ўйладим.
- Ҳа, биз уни топдик, – деди ғазабга тўлиб Энрайт, – Вонгни ҳам.
- Ким у Вонг?
- У дастлаб бизнинг гурухда эди, сўнг Жефферсон билан алоқа боғлади. Бу Вонгнинг энг катта хатоси эди. Улар хизматига яраша тегишли мукофот олишади. Улардан нима қолган бўлса, денгиз балиқларига ем бўлади.
- Уларга ўлимни раво кўришнинг сабаби нимада?
- Биз хоинлар билан ҳамиша шундай муносабатда бўламиз. Хўш, сен полицияга нималар дединг?

– Уларга аввал билганларимдан бошқасини айтганим йўқ.

Гарри менга узоқ вақт қараб қолди, кейин ўрнидан турди.

– Ҳозир сен билан бир жойга ғизиллаб борамиз ва ўша ерда батрафсил ҳангомалашамиз. Эсингда бўлсин, бизнинг тўртта одамимиз бор, шунинг учун аҳмоқлик қилиб ўтирма. Улар пичоқ билан қуролланган, қирқ фут масофадан туриб нишонга аник урадилар. Қани, кетдик!

– Музокарадан сўнг нима бўлади?

– Ўшанда биласан, – деди у кулимсираб.

Мен ўрнимдан турдим, Энрайт тўппончани чўнтағига солди, аммо қўлини чиқармади. Эшикни очди.

– Йўлак навбатчисига умид боғлаб ўтирма, у ҳам бизнинг одамимиз, – деди Энрайт. – Зинапоя орқали тушамиз. Вестибюлда ҳам одамимиз турибди. Тирик қолишни истасант, жимгина юравер!

Биз йўлак бўйлаб борар эканмиз, Энрайт тўппонча ушлаган қўлини чўнтағидан чиқармасди. Йўлак навбатчисига кўзимиз тушган эди, у бизга кулиб қаради.

– Пастга туш, – деди Энрайт. – Мен ортингдан бораマン.

Биз вестибюлга тушдик, у ер ғалати тарзда одамлардан холи эди. Фақат икки киши оромкурсида ўтирас, бири сержант Хемиш бўлиб, иккинчи полициячини мен аввал кўрмаган эдим. Ўша сониянинг ўзида мен бирдан ўзимни полга ташладим, ортимдан ўқ узилди. Ётар эканман, устимдан ўқлар визиллаб ўтарди. Икки дақиқадан сўнг отишма тўхтади, кимдир мени пойафзали билан туртди.

– Энди туриш мумкин, – деди Хемиш.

Мен ёнбошимга ўгирилиб, унга қарадим, сүнг ўрнимдан турдим. Энрайт жонсиз ҳолда чалқанча ётар, юзидан ҳамон қон оқарди. Чүнтагидан тутун үрлаб чиқарди.

– Уни тирик құлға олиш керак эди, – дедим мен.

– Агар мен уни отмаганимда, у сизни гумдон қилиши тайин эди, – деди бепарволик билан Хемиш. – Балки, мени ҳам. Қолаверса, бу ерда у бир ўзи эмас: юқорида яна тұрттаси бор, улар ҳамда йұлак навбатчисининг шериклари, – иккінчи полициячи лифтга яқинлашганида, Хемиш шундай деди: – Биз ҳаммасини құлға олдик. Ким у аёл, полицияга құнғироқ қилган?

Мен унга ҳайрон бўлиб қараб қолдим.

– Аёл?

– Унда биз бу ерда қандай пайдо бўлиб қолдик? – аччиқланиб сўради у. – Бизга бир аёл құнғироқ қилди, ким эди у?

– Билмадим, – деб жавоб бердим мен. – Эҳтимол, менинг бирорта муҳлисамдир.

Вестибюлга олтита хитойлик полициячи киришди. Хемиш улар билан гаплашди, сүнг менга мурожаат қилди.

– Кетдик, – деди у. – Сиз билан шеф гаплашмоқчи.

Полициячилар Энрайтнинг жасадини олиб кетишиди, мен Хемиш билан меҳмонхонадан чиқдим. «Жип»-га миндик.

Мени полиция бошқармасидаги хоналардан бирига олиб киришди. Маккартини уч соатга яқин кутишга тұғри келди. Хонада тұзиб кеттан диван бўлиб, унда мизғиб олишим ҳам мумкин эди...

Соат тұртлар чамасида мени Хемиш уйғотди.

– Кетдик, – деди у.

– Сиз яна нималарни тайёрлаб қўйдингиз бу сафар?  
– дедим мен.

– Сиз билан бош назоратчи гаплашмоқчи. Бир ўзингиз ётишни хоҳлаганмидингиз?

Маккарти мириқиб трубка чекар, олдида эса қўл теккизилмаган чой турарди. Мен столга ўтганимда, сўнг қаттиқ стулга чўкканимда, полициячи чой олиб кирди. Хемиш назокат билан эснади-ю, деворга суюнди.

– Денгиз полицияси Энрайт кемасида қочиб қолмоқчи бўлган одамни тутиб олди, – гап бошлади Маккарти. – У билан овора бўлишга тўғри келди, аммо у охири бутунлай шикаст топди.

– У америкаликми?

– Йўқ, Кантондан келган хитойлик. Бу сизни қизиқтиради, деган фикрга келдим, чунки сиз Жефферсон иши билан шуғулланяпсиз-ку!

– Раҳмат, Жефферсонни топдингизми?

– Уни бир ярим соат муқаддам бўғоздан ушлаб олишди, – деди Маккарти ва афтини буриштирди. – Гаров ўйнаб айтаманки, Жефферсон ўлишига рози эди. Афтидан, уни ўлдиришдан аввал обдон жиддий гаплашиб олдилар. Энди бизга бу иш ойдинлашди. Менинг тасаввуримга кўра, шундай бўлган: Жефферсон Гонконгга келганидан сўнг бу қизнинг пули хисобига яшаган, яъни Чжо Ян уни боқкан. Фрэнк Беллинг билан танишганидан сўнг у қизга уйланган. Беллинг ўша пайтда Рипал-бейдаги виллада ижарада яшаган. Вилла гиёҳванд моддаларни сақлаш ва жўнатиш учун қулай. Биз унинг изига тушдик, ҳатто уни қамоққа олиш бўйича ордер ҳам бор эди. Аммо Беллингни ўз вақтида огоҳлантиришди, шунинг учун у ғойиб бўлиб, маълум вақт Кантонда яшаган, ҳаммаси тинчи-

гунча кутган. Унинг ўрнига Жефферсонни қолдириб, ўзи Кантонга кетган. Жефферсон виллада қолган. Кўп ўтмай шаҳарга йирик миқдордаги героинни келтиришади. Беллинг виллага кечаси ташриф буюради, мақсади бутун бошли операцияни назорат қилиш эди. Бундай миқдордаги героин катта бойликни ташкил этар ва Жефферсон ҳаммасига ёлғиз ўзи эга бўлмоқчи эди. Аммо у гиёҳванд моддани қандай қилиб сотиш йўлларини билмас, ростини айтганда, у бандалар томонидан таъқиб қилинишидан кўрқкан ҳам. Шу билан бирга, тақдир унга кулиб боқди, героин олиб келиниб, виллага яшириб қўйилди. Беллинг ва Жефферсон мўъжазгина шаҳарга келишади. У Кантондаги жўнатиш пункти эди. Аммо йўлда фалокат содир бўлади-ю, натижада Беллинг ҳалок бўлади. Жефферсон мурданинг қўлига ўзининг узугини тақиб қўяди, чўнтағига эса портсигарни солади-ю, машинани ёқиб юборади. Фалокат кимсасиз йўлда тунги соат тўртта рўй беради ва Жефферсонни ҳеч ким кўрмайди. У қаерданdir бир велосипедни ўғирлаб, шуни миниб, эрталаб виллага кириб келади. Героинни эса «Осмон салтанати» меҳмонхонасиға келтиради. Чжо Ян билан маҳфий равишда учрашиб, уни Беллингнинг жасадини ўзиники, деб танишга мажбур этади. Шундан сўнг у хитойликлар яшайдиган Коулуннинг энг хилват жойларига равона бўлади.

– Бу унга нима учун керак эди?

– Шунинг учунки, у шошганидан, биринчи имкониятдан фойдаланиб, шунга ёпишиб олади, кейин асосли равишда панд еганини билиб қолади. Банда зудлик билан қасос олишга харакат қиласи. Баҳтсиз ҳодиса рўй берганини билганидан сўнг улар ўзининг ишончли

одамини виллага юбориб, героин йўқолганини пайқаб қолишади. Табиийки, улар бу ишда Беллингнинг қўли бор, деган фикрга келишган ва уни излашга тушганлар. Бу Жефферсон учун жуда катта муваффақият эди. Ташкилот Беллингни ахтарар экан, у шубҳадан бутунлай холи эди. У Гонконгдан зудлик билан қочиб кетиб қутулмоқчи эди, аммо бу ишни қандай амалга оширишни билмасди. Жефферсонни ўлган деб ҳисобладилар, у эса сохта паспорт тополмади.

– Героин-чи? – деб сўрадим мен.

Маккарти қовоқларини уйди.

– Биз уни топмасдан қўймасдик. Шубҳасиз, қийноқлардан сўнг Жефферсон гиёхванд модда сакланган жойни кўрсатди.

– Чко Ян Жефферсоннинг отасига Беллингнинг жасадини олиб боргани ҳайрон қолдиряпти мени.

– Унинг Гонконгдан қочиш учун пули йўқ эди, – изоҳ берди Маккарти. – Чко Янг қариядан маблағни ана шу йўл билан олди.

– Вонг ҳақида нима дейсиз?

– Менинг фаразимга кўра, у ҳам ана шу тўданинг аъзоси бўлган, аммо кейин Жефферсон томонга ўтиб кетган.

– У мени аэропортда кутиб олди. Менинг келишим ҳақида қаердан билган? Унга ким хабар берган бўлиши мумкин? У мен билан таржимон қиёфасида гаплашганида, ўзини анча дадил тутган эди. Афтидан, у мени Жефферсондан имкон қадар узоқроқ тутган ва бунга деярли муваффак бўлган! Агар Энрайт бўлмаганида, мен ҳеч қачон Жефферсонга дуч кела олмасдим.

– Ҳақиқий Жефферсоннинг жасадини нима қилсак экан?

– Уни Америкага юбориш керак, деб ўйлайман. Мен консулхонага кираман ва барча ҳужжатларни тақдим этаман. Вонгнинг жасади ҳам топилдими?

– Ҳали ахтаряпмиз. Биз тутган хитойликнинг таъкидлашича, ҳар икки жасад битта жойга ташланган экан.

Мен қойил дегандек унга тикилиб қолдим.

– Хитойликлар ҳар хил бўлишади, – деди Маккарти.

– У бизнинг қўлимизга ўтгунга қадар ярим соат денгиз полицияси ихтиёрида бўлган. Ўша ерда у пичоқ билан кимгадир ташланмоқчи бўлган. Шундай қилиб, у билан боғлиқ ишлар анчагина шиддатли кечди.

– Уни шунча вақт мобайнида юмшатиш, бу – ёмон иш эмас.

– Ҳа, улар у ерда яхши ишлашмади, – бу мавзу Маккартининг жонига тегди, шекилли, шоша-пиша сўради: – Дарвоқе, Сильвер-Майн-Бейда отилган хитойлик тўғрисида хеч нарса маълум эмасми? У Ли-Энфильд русумидаги милтиқдан отилган.

– Наҳотки? Менинг уруш вақтидан бери Ли-Энфильд милтиғига ишим тушмаган эди.

– Мен, унга сиз ўқ уздингиз, деяётганим йўқ. Сиз у ерда бўлмаганмидингиз?

– Мен у ердаги шаршарани қизиқиб томоша қилганман!

– Жасад ҳам айнан ўша ердан топилган.

– Жуда қизиқ-ку!

– Сиз отишмани эшитмаганмидингиз? – Маккарти дикқат билан менга тикилди, сўнг елкаларини қисди.

– Ишонаманки, эшитганингизда, бизга албатта хабар қилган бўлардингиз.

– Ҳа... албатта.

Орага жимлик чўқди.

– Энрайтнинг синглиси бор эди. Жуда чиройли аёл, – деди Маккарти. – Ҳозир у қаерда экан, мабодо сиз билмайсизми?

– Шубҳасиз, виллада бўлса керак. Мазза қилиб ётгандир, шундай жойда мен ҳам ётардим, жон деб.

– Биз текшириб чиқдик, у ерда йўқ. Сиз уни охирги марта қаерда кўрган эдингиз?

– Сильвер-Майн-Бейга борадиган кемада. У ўз хизматкорига қандайдир озиқ-овқат олиб бораётганди.

– Шундан бери уни кўрганингиз йўқми?

– Хўш... нима десам экан...

– Менимча, айнан ана шу аёл Энрайтнинг сизга таҳдиidi ҳақида бизга хабар қилган.

– Бўлиши мумкин, унинг кўнгли раҳмдиллик ва эзгулика тўла.

Маккарти тўсатдан ёйилиб кулди.

– Қўйсангиз-чи, Райан! Биз у ҳақида ҳаммасини биламиз. Ҳақиқий исми – Стелла Мэй Тэйсон. У Сингапурдаги тунги клубда рақсга тушарди. Сўнг Энрайт билан топишди ва бу ерга сохта паспорт билан келди.

– Хўш, нима бўпти?

– У станциядан қўнғироқ қилганида, биз бу қўнғироқ изидан таъқиб қилиб бордик. Бизга у сизнинг хонангиздаги ювиниш жойидан қўнғироқ қилган, деб хабар беришди. Ўйлашимча, у ҳозир ҳам ўша ерда.

– Балки... Ҳар ҳолда мен шунга умид қиласман, – дедим мен. – Стелла менинг ҳаётимни сақлаб қолди. Энди мен уни сотишимни истаяпсизми?

– Полицияни ҳеч қачон алдамаслик керак, – деди Маккарти насиҳатомуз ҳолда трубкасини тозалаш билан овора бўлиб. – Бу аёл сизнинг ҳаётингизни сақлаб

қолган ва бандани ушлашга ёрдам берган экан, менимча, уни ўз ҳолига қўйган маъкул. Унга етказиб қўйинг: Гонконгдан чиқиб кетиши учун ихтиёрида йигирма тўрт соат вақт бор. Борди-ю кетолмай қолса, тегишли чоралар кўрилади.

– Раҳмат, – дедим мен. – Бу ҳақда унга етказаман. Мен ўзим ҳам кетмоқчиман. Жефферсоннинг хотинини ўлдирган қотилни топишим керак. Менимча, у Пасадена-ситида. Бу ердаги маълумотлар орқали уни энди топа оламан. Кетсан бўладими?

– Ҳа, бемалол, – деди Маккарти.

– Мехмонхонага қайтиб, бироз ухламоқчиман.

– Агар у ҳозиргача хонангизда бўлса, ўйлашимча, сиз кўнгилдагидай ухлай олмасангиз керак, – Маккарти Хемишга ўтирилди. – Бу жанобни машинамда элтиб қўй. У жуда шошиляпти.

Мен меҳмонхонага қайтдим, бу пайтда қуёш тоғлар орасидан чиқиб келарди. Ўз қаватимга кўтариilar эканман, янги навбатчидан калитни олиб, эшикни очдим. Хонада чироқ ёнди. Стелла оромкурсида мудраб ўтиради. Мен кирганимда у саросимага тушиб, ирғиб ўрнидан турди.

– Тинчланинг, – дедим мен эшикни ёпиб. – Энди ҳеч нарсадан қўрқманг.

Мен ўлгудек чарчаганим боис ёнбошдаги оромкурсига ўзимни ташладим.

– Нима бўлди? Мен отишмани эшийтдим, сизни отишдими, деб ўйладим!

– Сиз менга катта яхшилик қилдингиз, раҳмат.

– Нимадир қилишим керак эди-ку! Мени Энрайт эшитиб қоладими, деб жудаям кўрқдим.

– Сиз сўзингизнинг устидан чиқдингиз. Энди Гон-конгни йигирма тўрт соат ичидага тарк этишингиз кепрек. Мен йўл харажатларингизни тўлайман. Полиция сизни безовта қилмайди. Аммо сиз ўзингизнинг ҳақиқий паспортингиздан фойдаланишингизга тўғри кела-ди. У ўзингиздами?

У чуқур хўрсинди.

– Майли. Гарри қандай?

– Унинг омади келмади. Полициячилар аниқ нишонга теккизадилар. Аммо мен, Гарри учун энг яхши йўл шу, деб ҳисоблайман, чунки у қамоқхона ҳаётига чидай олмаган бўларди.

Стелла сесканиб кетди.

– Уни ўлдиришдими?

– Ха, ўлдиришди. Мен ухламоқчиман. Ҳозир душ қабул қиласман, кейин ухлайман. Сиз каравотда ётишингиз мумкин, мен эса диванни эгаллайман.

Мен ювениш хонасига йўл олдим ва душ қабул қилдим. Ўзимни қартайган ва эзилган ҳис этдим.

Пижамани кийиб, ваннахонадан чиқдим. Стелла мени кутиб ётарди. Биз бир-биримизга термилиб турдик, сўнгра у менга қўлини чўзди. Бироздан сўнг, кўзларим илинор-илинмас, у мени маҳкам кучоқлади-ю, бағрига олди...

## ТҮРТИНЧИ БҮЛИМ

Ҳаммаси худди аввалгидек эди: тер хиди, дезинфекция, яшил бүёқ билан бўялган ўша йўлак. Полициячиларнинг оғир қадамлари, улар шундоқ ёнимдан ўтишар, гўё мен улар учун йўқдай эдим.

Мен лейтенант Ретникнинг хонаси олдида тўхтадим ва эшикни оҳиста тақиллатдим. Бунга жавобан бўкиргандай бўлишди. Мен тутқични бураб, ичкарига кирдим. Ретник стол ортида ўтирас, сержант Палски эса деворга суюнганича гутурт чўпини чайнаш билан овора эди. Ҳар иккаласи ҳам менга термилиб қолиши. Сўнгра Ретник шляпасини елкаси томон суриб қўйди-ю, муштини стол устига қўйди.

– Қаранг-а, ким келди, – деди у, аммо кимга мурожаат қилди, бу номаълум эди. – Мана бу – кутилмаган совға! Агар сенинг келишингни аввалроқ билганимда борми, шаҳар оркестрини таклиф этардим. Қани, ўтири, хитойлик таннозлар сенга ёқдими ишқилиб?

– Йўқ, – деб жавоб бердим-у, ўтирдим. – Мен ҳаддан зиёд банд эдим. Сиз қотилликка алоқадор ишни аллақачон ҳал қилган бўлсангиз керак?

Ретник портсигарини олди, ундан сигара чиқариб, озроқ тишлаб олиб ташлади ва оғзига қистирди. Бу сафар у менга чекишини таклиф қилмади.

– Йўқ, ҳали. Сен ниманидир билиб келдингми?

Ретник қовоғини уйиб, сигара тутатди.

– Биз ҳозиргача Ҳардвикни излайпмиз. Ҳар ҳолда сен у ерда нималарни аниқладинг?

– Чжо Ян Пасадена-ситига Герман Жефферсоннинг жасадини олиб келмаган экан.

Бу хабар Ретникни ларзага солди. У тутун ичра йўталганча сўкинишга тушди, сигарани бир томонга ташлади ва ифлос дастрўмоли билан артинди. Сўнг оромкурси билан бирга ўзини орқага ташлади ва менга таажжубланиб бақрайиб қолди.

– Кулок сол, агар ёлғон гапираётган бўлсанг...

– Герман Жефферсонни бор-йўғи икки кун олдин ўлдиришиди, – дедим мен. – Унинг жасадини Гонконг полицияси бўгоздан топди. Жасадни шу ҳафтанинг охирида бу ерга олиб келишади.

– Ё, Худо! Унда бу тобутда ётган ким экан?

– Фрэнк Беллинг деган кимса. У Британия фуқароси, гиёхванд моддалар контрабандаси билан алоқадор бўлган.

– Сен ҳали бу ҳақда кекса Жефферсонга хабар бердингми?

– Йўқ, аввал бу ерга келдим. Унинг ҳузурига энди бормоқчиман.

Ретник Палскига қаради, у эса ҳеч қандай маънисиз нигоҳ билан унга бокди. Шундан сўнг лейтенант яна менга мурожаат қилди:

– Сен нимани билсанг, ҳаммасини тўкиб сол энди,  
– деди у. – Бир дақиқа шошма, ҳаммасини ёзиб олиш керак.

У телефон гўшагини кўтариб, стенографчини чакирди. Ёшгина полициячи кирди ва бир чеккага ўтириди, сўнг ён дафтарини очиб, нимадир кутгандай менга қаради.

– Бошли, – деб буюрди Ретник. – Ипидан-игнасига-ча тўкиб сол. Мен ҳар бир сўзингни текшириб кўришга

кодирман. Агар алдаганингни билсам, отангнинг ҳаёти ҳакида бўлмағур гаплар тарқатаман.

– Мен билан бундай оҳангда гаплашмасликни маслаҳат берардим, – дедим мен Ретникнинг сурбетлигига ғазаб билан ўз муносабатимни изҳор этиб. – Жефферсон сен билан ҳисоб-китоб қилиш учун қулай фурсат кутяпти, бунга менинг бир оғиз сўзим кифоя қиласди!

Палски бирдан девордан ўзини олди ва таҳдидли илкис ҳаракат билан менга яқин келди. Ёшгина полициячи қотиб қолди ва бурчакка биқинди. Палски қўлини мушт қилиб, баланд кўтарганида, Ретник сакраб турди-да, унинг қўлини қайриб ташлади.

– Эй, сен, бас қил! – ўшқирди у Палскига. Сўнг менга муросали оҳангда мурожаат қилди. – Тинчлан, майли, мен сўзимни қайтариб олдим. Бунчалик таъсирчан, сиркаси сув кўтармайдиган бўлмаслик керак. Бошла.

Бу тўқнашувдан ғазабга тўлиб, нафрат билан қараб тураг эканман, у орқага ўгирилди ва мен аста-секин тинчландим. Сигарета чекиб, Гонконгда нималар бўлганини унга тўлиқ гапириб бердим. Фақат Стелла билан Нью-Йоркка бирга қайтганимизни тушириб қолдирдим.

Биз у билан ўша ерда хайр-хўшлашган эдик. Стелла яна ўзининг муҳитига қайтиб кетди, энди муносабатларни давом эттиришдан ҳеч қандай маъно йўқ эди. У менинг ҳаётимни сақлаб қолди, мен унга маблағ билан ёрдам бердим, унинг Гонконгдан эсон-омон чиқиб кетишига кўмаклашдим. Мен унга ўзимнинг пулимни змас, Жефферсонникини бердим. У маъюс табассум билан менга миннатдорчилик билдириди ва биз бир-биримизни бошқа кўрмадик. Бу бизнинг сўнгги учрашувимиз эди.

Менинг ҳикоям давомида Ретник икки марта сигара чекди. Гапимни тугатганимда, у ёш полициячини хисбботни машинкада чиқариш учун жўнатди ва Палскига ҳам чиқиб кетишни буюрди.

Иккимиз ёлғиз қолганимизда, сўради:

– Сен барибир хитойлик аёлни нега отишганини гапирмадинг?

– Йўқ, менга бу ҳақда айтишмади...

– Буларнинг ҳаммасини қария Жефферсонга айтиб бериш учун сенинг ўрнингда бўла олмасмидим?

– Ҳар ким ўз ўрнида бўлгани маъқул.

– Тобутни очишимизга тўғри келади, – деди Ретник, учинчи сигарани чекар экан. – Бу қарияга маъқул тушармикан?

– Нега маъқул тушмасин, ахир тобутдаги унинг ўғли эмас-ку!

– Тўғри, – деди нихоят Ретник фахми етиб. – Аммо буни зудлик билан ими-жимида қилиш керак. Қариядан сағанани очиш учун тезроқ рухсат олиб беришга ҳаракат қил.

– Мен розилигини оламан...

– Газетчилар бунга аридай ёпишиб олишади-да, ўзиям, – деди у умидсизланиб.

– Жуда катта шовқин кўтаришлари мумкин.

– Ҳа.

У яна бир неча дакиқа ўйланиб турди. Сўнг портсигарини олиб, бу сафар менга ҳам чекишни таклиф килди.

– Йўқ, – дедим мен рад этиб. – Сигараларга аллергиям қўзийди!

– Ҳа, унутибман, – Ретник ўйчан ҳолда негадир портсигарини қўли билан артди. – Мен ортингдан ғал-

ва кўтарилишини истамайман. Мен сенга суюнаман, шубҳасиз, тобутга шу бугун бир қараш керак эди.

– Қани эди шундай бўлса...

Орага узундан-узоқ жимлик чўкди, кейин мен ўрнимдан турдим.

– Хўп, майли. Мен жаноб Жефферсоннинг хузурига кетдим.

– Кўнғироғингни кутаман. Сен розилик олганинг захоти мен тобутни очаман.

– Мен рухсат олишга харакат қиласман.

– Эсингда бўлсин, Райан, полицияда дўстинг бўлишбўлмаслиги ҳулкингга боғлик.

– Агар сиз мени эслаб турсангиз, мен ҳам сизни унутмайман.

Мен Ретникни қолдириб, ўз машинамга тушдим. Рулга ўтириб, бир лаҳза ўйга берилдим. Даставвал идорамга кириб ўтишим, у ердаги ишлар ҳақида билишим керак эди. У ердан Жейн Уэстга қўнғироқ қилиб, қария бугун мени қабул қиласими-йўқми, билиб оламан.

Идорага лифт орқали кўтарилиб, эшикни очдим. Шунда Жек Уэйд ўзининг котибасига ниманидир айтиб, ёздираётганини эшитдим. Эшик ёнидаги полда бир уюм хатлар ётарди. Мен уларни олиб, ёзув столининг устига ташладим. Хона дим эди. Мен деразага яқин бориб, уни очиб юбордим. Жек Уэйднинг йўғон овози қўшни хонадан менгача баралла эшитилиб турарди. Мен тезгина хатларни кўриб чиқдим. Фақат учтаси қандайдир қизик туюлди, қолганларини эса саватга улоқтиридим.

Шундан сўнг телефон гўшагини кўтариб, Жефферсонга қўнғироқ қилдим. Бош хизматкор олди ва ким-

лигимни сўради. Мен ўзимни танитдим, шунда гўшакдан Жейн Уэстнинг овози эши билди:

– Жаноб Жефферсоннинг котибаси эшилади. Бу сизмисиз, жаноб Райан?

– Ҳа. Мен жаноб Жефферсонни кўрсам бўладими?

– Албатта. Соат учда кела оласизми?

– Ҳа.

– Сиз бирор нарсани била олдингизми?

Тушуммай қолдим: унинг овози безовталик бормиди ёки...

– Мен бораман, – деб тақорладим ва гўшакни қўйдим.

Менда бироз вақт бор эди.

Уйга бориб, соқолимни олдим ва кийиндим. Нихоят Жефферсоннинг ҳузурига борадиган вақт бўлиб қолди.

Менга доимгидек тунд ва камгап хизматкорлар бошлиғи пешвоз чиқди. У мени Жейн Уэст ишлайдиган хонага бошлади. Унинг ранги оқарган, кўз остила-ри кўк ҳалқачалар билан қопланган, гўё бутун сафарим давомида ухламагандай эди. Хонага кирганимда, у менга кулиб қаради, аммо кўзлари доимгидай бесаранжом эди.

– Кириңг, жаноб Райан, – деди у. – Марҳамат, ўти-ринг.

Мен оромкурсига ўтирдим. Жейн, қўлларини стол устига қўйиб, менга дикқат билан тикилди.

– Жаноб Жефферсон сизни ўн дақиқадан сўнг қабул қиласди. Хўш, сафарингиз яхши ўтдими?

Мен чўнтағимдан Беллингнинг суратини чиқариб, Жейннинг олдига, стол устига ташладим.

– Эсингиздами? Сиз мана шу фотосуратни бериб, бу Герман Жефферсон, деган эдингиз?

У ўзининг қўлларига тикилиб, мендан сўради:

– У ўлдими?

– Германми? Ха, энди у ўлган.

Жейн ўзини йўқотиб қўйди, анча вақт ҳеч нима дея олмади, сўнг бошини кўтарди.

– Бу қандай юз берди?

– Унинг гиёхванд моддалар контрабандаси билан алоқадорлигини билармидингиз?

– Ҳа... билардим.

– Хуллас, жиноий тўда унгача етиб бора олди. У икки томонлама ўйин қилмоқчи эди, аммо бу ниятига етолмади... Сиз буни қаердан билардингиз?

Жейн анча вақт индамай қолди.

– Бу ҳақда Герман менга ёзган эди, – деди нихоят у. – Куряпсизми, мен қанчалик аҳмок, уни севиб қолганман, у эса бундан фойдаланган. Баъзан аёллар бир пулга қиммат эркакларни яхши кўриб қолишади ва ўзларини чув туширишади.

– Нима учун менга бу суратни Германники, деб берган эдингиз?

– Мен кекса Жефферсонни турли нохушликлардан асраб қолмоқчи эдим: у мен билган кишилар орасида-ги энг маданиятли ва очиқкўнгил одам. Мен Жефферсондан ўғли гиёхванд моддалар савдоси билан шуғулланишини яширмоқчи эдим.

– Бу суратни қаердан олган эдингиз?

– Уни менга Германнинг ўзи юборганди. Герман отасига бир йилда бир марта, менга эса тез-тез хат ёзарди, – Жейн бироз иккиланиб тургач, шундай деди:

– Мен сизга ҳаммасини айтиб бераман. Бир неча йил муқаддам Герман билан севишдик ва мен ундан фарзанд кўрдим. Ана шундан сўнг Германнинг бўлмағур

одам эканлигини англадим, аммо барибир уни севардим. У буни жуда яхши билар ва унумли фойдаланаради. Герман баъзан Гонконгда учрашган одамларнинг суратларини юбориб турарди, турли хитойлик кизларнинг расмини ҳам... Мен бундан ўртанар, ранжир эдим, у эса бундан хузур қиласарди. Шундан сўнг Герман менга дабдурустдан Беллингнинг фотосуратини юборди, балки бу билан ўзининг сўзларини тасдикламоқчи бўлгандир, билмадим. Ўша хатда у минг доллар юборишимни илтимос қилган, мақсади янги ҳаёт бошламоқчи эди. Мен рад этдим. Сўнг Герман ғам-аламнок хат ёзиб, ўзининг оғир ахволга тушганини баён этди. Афтидан, у ниҳоятда қўрқитилган эди. Сўнгра у гиёхванд моддаларни тарқатиш билан боғланиб қолганини, уни ташкилотдагилар ўлдирмоқчи эканини ёзди. Герман мажақланиб кетган Беллингнинг жасадини бериб, куролли банда аъзолари уни ўз ҳолига қўйиши мумкин эди, деб ўйлаган. Шу сабабли у хотинини жасадни таниб, Америкага олиб кетишга мажбур этди. Рақибларини бунга ишонади ва уни излашни бас қилишади, деб ўйлаган, вақти келиб, бирор жойга яширинишни мўлжаллаган эди, – Жейн рухи тушган тарзда кўл силтади. – Мен Германнинг шу даражада паст кетганини эшлишиб, даҳшатга тушдим! Ҳаммадан кўра, бу ҳақда жаноб Жефферсон билмасин, деб жоним ҳалак эди. Биламан, бундай қилмаслигим керак эди, аммо барибир шу ишни қилдим.

Мен индамай турардим. У яна сўзлай бошлади:

– Герман менга бир хитойликнинг манзилини берди, унинг номи Вонг Хо эди. Янгиликлар бўлса, унга етказиб туришни сўради. Мен сизнинг Гонконгга боришингизни унга билдириб қўйдим. Такрорлайман,

мен Жефферсон ўзининг ўғли тұғрисидаги ҳақиқатни билишини асло истамаган эдим.

- Аммо энди-чи, у барчасини билади, – дедим мен.
- Менинг хеч нарсаны яширишга ҳаққым йўқ.
- Нима учун? – ғамнок оҳангда сўради у. – Нима учун у, ўғлим виждонли одам, деб ўйлаб, тинчгина хотиржам ўлмаслиги керак?

– Шунинг учунки, буларнинг бари сира кутилмаган ҳолатда чигаллашиб кетди. Биринчидан, полицияга ҳаммаси аён, иккинчидан, тобутни очиш керак, бунинг учун эса жаноб Жефферсоннинг рухсати зарур. Шу боис бу воқеаларни мутлақо маҳфий тутиб бўлмайди, – мен Жейнга қарадим. – Сизни бу ишга аралаштирмасликка ҳаракат қиласман, ундан ортиғига эса умид қилманг!

Эшик тиқиллади ва бош хизматкор кирди.

- Жаноб Жефферсон сизни ҳузурига чорляяпти, – деди у.

Жаноб Ж.Уилбур Жефферсон худди мен кетган пайтдагидек оромкурсида ўтирас, гўё ўшандан бери ўрнидан турмагандай эди. У ёнида турган курсини кўрсатди.

- Шундай қилиб, йигитча, мана, қайтиб ҳам келдингиз. Керакли маълумотларни топа олдингизми?

– Ҳа. Аммо, афсуски, улар сизга маъқул келадиган таснифга эга эмас, – дедим мен. – Сиз мени Гонконгга, ўғлингиз ҳақидаги маълумотларни билиш мақсадида юборган эдингиз. Мен буни уддаладим.

Жефферсон менга синчковлик билан тикилди ва елкаларини қисди.

- Хуш, унда сиз нималарни билган бўлсангиз, ҳам масини гапириб беринг.

Мен унга Гонконгда бўлиб ўтган воқеаларни, унинг ўғли билан алоқадор тафсилотларни юмшоқроқ тарзда айтиб бердим. Ўғли қандай ўлганини баён қилиб ўтирумадим. Фақат Германнинг жасадини кўрфаздан топишганини айтдим.

Жеферсон мени юзи қилт этмай, тўгарак шаклдаги гулзорда гуллаган гуллардан кўз узмай тинглаб ўтириди. У бирор марта ҳам савол бериб, гапимни бўлмади.

– Энди нима бўлади? – деб сўради ниҳоят у мендан бир пайтлардагидек кўз узмай.

– Полиция тобутни очиб кўрмоқчи, – дедим мен. – Бунинг учун эса сизнинг рухсатингиз керак.

– Мен розиман. Сағананинг калитини эса Уэст хонимдан олишингиз мумкин.

– Мен ўғлингизнинг жасадини бу ерга олиб келиш учун ҳамма ишни қилдим, – деб давом этдим мен. – Жасад солинган тобут шу хафтанинг охирида келади.

– Миннатдорман сиздан, – деди Жефферсон хотиржам, ҳатто бироз бепарво овозда.

Мен ҳеч нима дея олмадим.

– Хўш, нима ҳам дердим, унинг ўлгани яхши бўлибди, ҳатто, – давом этди у. – Энди эса хотини тўғрисида... Сиз қотилни топдингизми?

– Ҳали топганимча йўқ. Изланишни давом эттиришимни истайсизми?

– Нима учун истамас эканман? – жавоб берди у. Мен Жефферсон ҳамон ўғли тўғрисида ўйлаётганига амин эдим. – Агар бирор нарса керак бўлса, масалан, пул, Уэст хонимга мурожаат қиласкеринг. Мен бу ифлос машмаша осойишта интиҳо топишини истайман. Қотилни, албатта, топиш керак.

– Мен яна битта саволга жавоб топишни истайман, жаноб Жефферсон. Энди, ўғлингиз вафот этгач, сизнинг меросхўрингиз ким бўлади?

Бу савол Жефферсонни ҳайрон қолдирди, шу боис у менга бироз талмовсираб қараб қолди.

– Энди бунинг нима аҳамияти бор?

– Агар бу сир бўлса, кечирасиз.

У қовоқларини уйди.

– Йўқ, сир эмас, аммо сиз нима учун бу ҳақда сўраяпсиз?

– Агар Германнинг хотини ҳаёт бўлганида, унинг номи васиятномангизда тилга олинармиди?

– Албатта. У ўғлимга тегишли ҳиссани олган бўларди.

– Бу жуда катта маблағми?

– Бойлигимнинг ярми.

– Демак, жуда кўп... Иккинчи ярми кимга тегади?

– Уэст хонимга.

– Бундан чиқадики, энди ҳаммаси унга тегаркан-да?

Жефферсон менга диққат билан тикилди.

– Тўппа-тўғри. Аммо сиз нима учун менинг ишларимга бунчалик қизиқиб қолдингиз, жаноб Райан?

– Менинг касбим – синчков бўлиш, – дедим мен ва хайрлашиб, бу ердан узоклашдим.

Мен Жейн Уэстни олдинги жойидан топдим.

– Киринг, жаноб Райан, – деди у совуқкон ва хотиржам овозда.

– Менга сағананинг калити керак, – дедим унга. – Полиция тобутни очмоқчи. Мен капитан Ретникка калитни олиб келишни ваъда берган эдим. Жаноб Жефферсон эътиroz билдирамади.

Жейн стол ғаладонини очиб, калитни олди ва менга узатди.

– Унга ҳаммасини айтдим, – дедим Жейнга. – Менимча, у буларнинг ҳаммасини хотиржам қабул қилди.

Жейн Уэст ноаниқ тарзда елкаларини қисди ва мұкаррап рүй бериши мүмкін бўлган ҳолат билан муроса қилгандай бўлди.

– Аммо жаноб Жефферсон, қандай бўлмасин, Чжо Яннинг қотилини топиш керак, деяпти.

– Бу ишни қандай бажарасиз?

– Одатда кўпгина қотилликлар қандайдир далилдан бошланади, – дедим мен. – Назаримда, мен, ҳатто бу далилни биламан ҳам. Ишни тутатсак, сизга калитни қайтариб бераман.

Бош хизматкор мени эшиккача кузатиб қўйди. Машинанинг эшигини оча туриб, бурилганимда Жейн пардани кўтариб, мени кузатаётганига қўзим тушди...

\* \* \*

Мен қабристон дарвозаси олдида турардим. Полиция машинаси келди, ундан Ретник ва сержант Палски тушди. Улар мен билан кўришгач, биз ичкарига йўл олдик.

– Қабристонда юришга асло тобу-тоқатим йўқ, – деб вайсади Ретник сигара тортар экан.

– Эртами-кечми, ҳаммамиз шу ерга келамиз, – фалсафа сўқидим мен.

– Биламан, буни эслатмай қўя қол, – жеркиб жавоб берди Ретник. – Шунчаки, мен қабристонда бўлишни ёқтирумайман.

Биз хиёбон бўйлаб борар, унинг икки томонида кимматбаҳо қабр тошлари қотиб турарди.

– Сағана ҳув анови ерда, – деди Палски, мендан калитни олар экан.

– Кекса Жефферсон ўзини қандай тутди? – деб сүради Ретник, Палски сағана деворига қай тарзда яқинлашаёттанини кузатар экан. – У боплаб жавоб берган, мен сенга айтсам!

– О-о! – хайратга тушиб қичқирди Палски бизга бурилиб қарап экан. – Кимдир аллақачон бу ерга келиб-кетишга улгуребди!

Биз яқинрок бордик. Сағана қулфи нима биландир синдирилган эди. Шу боис калитнинг кераги бўлмади.

– Ҳеч нарсага тегма, – деб огоҳлантирди Ретник сержантни. – Эҳтиёт бўлиб қараймиз.

У фонарни ёқиб, сағананинг ичини кўздан кечирди. Пастдаги тўртта тобутдан бири қопқоқсиз эди. У деворга ёнма-ён суюб қўйилган эди. Биз сағанага кирдик ва очиқ тобутга қарадик: бўм-бўш! Унинг тубида факат кўргошин парчаси ётарди!

– Жин урсин! Мурдани олиб кетишганга ўхшайди, – деди Ретник.

– Балки тобутда ҳеч қандай мурда бўлмагандир? – ўсмоқчиладим мен.

У мен томонга ўгирилиб, кутурган ит мисоли тишининг оқини кўрсатиб ириллади:

– Бу нима деганинг? Сен мендан ниманидир яширганмидинг?

– Мен сизга нимани билсан, шуни айтиб бердим, – деб кескин жавоб бердим мен. – Аммо ўзимнинг миямдан фойдаланишга менга ҳеч нима халақит бера олмайди!

Ретник ғазаб ичидагержантга ўгирилди:

– Тобутни бошқармага олиб бор, улар диққат билан кўздан кечиришсин, балки бармоқ изларини топишар. Биз эса бу ерда яна бироз бўламиз.

Шу сұзларни айтар экан, у менинг қўлимдан тутиб, сағанадан узоқлаштириди. Палски машина томон кетди ва бошқарма билан музокарага киришди. Маълум ма-софага етгач, Ретник қабр тоши устига ўтириди ва оғзи-га сигара тиқди.

– Қани, изқувар, ақлли каллангда нималар бор, ай-тиб ташла-чи?

– Ҳозирги дақиқада калламда ҳеч вақо йўқ. Қулок солинг, Ретник, сиз кимнингdir онаси ёки хотини-нинг қабри устида ўтирибсиз, бу сизни безовта қил-майдими?

– Кимнинг қабрида ўтирган бўлсан ҳам тупурдим, – деди Ретник. – Бугун менга мэр, қадрдон қариндошим қўнғироқ қилди, бу ишни қачон узил-кесил ҳал қила-сан, деб сўраб қолди, – у асабийлашиб сигарани чайнай бошлади. – Хуш, сенга шундай деса, ёқадими? Ҳатто, қариндошим ҳам менга босим ўтказяпти.

– Ҳа, сизга оғир, – дедим мен.

– Сен нима учун тобутда мурда йўқ эди, деб ўйла-динг?

– Шунчаки калламга, кимгадир сағанани синдириб, Беллингнинг мурдасини ўғирлаш керак бўлиб қолибди, деган фикр келиб қолди. Унгача, Жефферсонни ал-маштириш учун тобутда Беллингнинг жасади турган бўлиши керак, деган фикр-ўйда эдим. Энди эса унда ҳеч қандай жасад бўлмаган, деб хисоблайман. Тобут Гонконгдан бу ерга қўрғошин парчаси билан жўнатиб юборилган.

Ретник ўйланиб қолди.

– Унда тобутга қараш кимга керак бўлиб қолди?

– Гап ана шунда: айнан кимга? – ва бирдан барчаси-ни тушундим. Пешанамга битта урдим. – Ё, Худо, мен

нақадар овсарман-а! Ахир, ҳаммаси жуда оддий-ку!  
Нега бу ҳақда аввалроқ мuloҳаза қилмадим?

Ретник аччиқланиб менга қаради, сүнг бўкириб юборди:

– Сен нималар ҳақида гапиряпсан?

– Бу тобутда героин бўлган! – ҳайқирдим мен. – Икки минг унцияга тенг героин! Жуда қулай панагоҳ. Яна Гонконгдан гиёҳванд моддаларни буёққа юборишнинг энг яхши усули!

Ретник менга ҳайрат билан қараб қолди, сүнг сакраб кетди.

– Ҳа, бу гапингда жон бор! Биз тўғри хulosага келганга ӯхшаймиз.

– Жефферсон гиёҳванд моддаларни ўғирлаб олгач, қўлга тушганини сезиб қолган. У Гонконгдан кета олмасди, чунки ортидан ўша гурух одамлари кузатиб туради. Ана шунда Жефферсон бир ўқ билан икки қуённи уриш учун бир усулни ўйлаб топган. У Чжо Янга отасига мактуб ёзиб, пул сўрашни ва жасадни уйга олиб боришни топширган. Унутманг, Германда, ахир пул йўқ эди! Гиёҳванд моддани олиб чиқиб кетишнинг ягона йўли қария Жефферсон тўлаган пулга олинган тобут бўлган. Беллингнинг жасади Америка консулхонасига тақдим этилган, сўнгра қандайдир босқичда жасадни олиб ташлаб, уни героин ва қўрғошин парчаси билан алмаштирганлар. Гарчи Герман Жефферсон Гонконгда қамалиб қолган бўлса-да, у тўла-тўкис хотини ва героини бутунлай хавф-хатарсиз жойда деб ишонган эди.

– Аммо героинни ким олди, ахир? – деди менга умидвор тикилиб Ретник.

– Маккарти, Жефферсонни денгизга ташлаш олди-дан роса қийнашган, деган эди. Улар ундан бор ҳақи-қатни билиб олишган ва ўзларининг одамини героин учун юборган бўлишлари мумкин. Яна билмадим.

Ретникнинг юзи жонланди.

– Бу бутунлай ишонарли! Ҳар эхтимолга кура, ме-нинг ишим эмас. Энди гиёхванд моддаларга қарши ку-раш бўлими бош қотирсан, – у менга кулимсираб қара-ди. – Менга қулоқ сол, ҳақиқатдан ҳам калланг дуруст ишлайди!

– Аммо ҳозиргача бир нарса аниқ эмас: нима учун хитойлик аёл менинг ҳузуримга келган ва нима сабаб-дан уни ўша ерда отишган?

Ретникнинг юзидан кулги йўқолди ва у талмовсираб гангиб қолди.

– Дарвоқе, нима учун?

– Менинг тахминимча, суиқасднинг героинга ҳеч қандай алоқаси йўқ, – дедим мен. – Чко Ян қария Жефферсоннинг ярим меросига эга бўлиши керак эди. Қариянинг ўзи эрталаб менга шу ҳақда гапириб берди, энди эса бор пуллар тўлиғича унинг котибаси ихтиё-рига ўтади.

Ретник менга савол назари билан қараб қолган эди.

– Сен хитойлик аёлни ўша котиба ўлдириди, деб ўй-лайсанми?

– Йўқ, аммо унинг Чко Янни йўқотиш учун жиддий асослари бор эди. Мен илгари, унинг, шубҳасиз, қандай-дир иззатталаб дўсти бор, деб айтган эдим. Аммо унинг идорамда ўлдирилиши учун булар изоҳ бўла олмайди.

Ретник ўйчан ҳолда гарданини қашлади.

– Жейннинг дўсти бор-йўқлигини билиш осон, – деди Ретник истар-истамас. Уни Палски машина олди-

га чақириди. – Хар эхтимолга қарши, у билан алоқа үрнэтгін, мен эса бирор нарса билишга ҳаракат қиласаман.

У күлида телефон ғұшагини тутган сержант Палски томон ошиқди.

Мен үз идорамга қайтиб келганимда, соат олти ярим бўлиб қолган эди. Нима учун яна қайтишни истаганимни, ҳатто изоҳлаб ҳам беролмайман. Хонага кирдим-у, деразани очиб юбордим. Сигарета чекиб, деразага ўй-фикрсиз қарадим. Мен қотиллик түғрисида ўйлашга ҳаракат килдим, аммо фикрларимни бир жойга жамлашга Жек Уэйднинг баланд овози халақит берди. Нихоят, у шундай деди:

– Мен кетдим. Эртага кўришамиз.

У чиқди. Уэйд хар галгидек менинг хонамга бир назар ташлайди, деб ўйладим, аммо бу сафар бундай қилмади. Унинг лифт олдига боргани, лифтда қандай тушганини эшишиб турдим. Мен яна үз мулоҳазаларимга қайтдим. Менга янги ғоялар керак эди, токи улар устида ишлайн. Аммо калламга ҳеч нима келавермади.

Чжо Ян Жефферсонни ким ўлдирди экан?

Туйкус мен самолётнинг олисдаги шовқинини эшийтдим. Овоз бутунлай ўчди. Бироз вактдан сўнг яна учайтган самолётнинг овози такрорланди. Ана шунда бирдан бу товушларни мен Жон Ҳардвик билан телефонда гаплашаётганда эшиганимни эсладим. Үрнимдан сакраб туриб, қулоқ солдим. Бир дақиқа ўтгач, бу товушлар қаердан келаётганини билиб олдим. Йўлакка чикиб, Жек Уэйднинг идора эшигига яқинлашдим ва уни секин очдим. Уэйднинг котибаси магнитофон устига энгашган эди. Магнитофон ишлаб турар, энди жонли аэропортдаги товушлар жуда яхши эшитиларди.

– О, бизнинг идорамиз аэропортга айланибди, деб ўйлабман, – кулиб ҳазиллашдим мен.

Қиз ўзини йўқотиб қўйиб, менга бурилиб қаради. Унинг оч-кўк кўзлари қўрқувдан катталашиб кетган эди.

– Кечирасиз, мен қўққисдан келиб қолиб, сизни қўрқитиб юбордим, – дедим унга қараб кулишда давом этарканман. – Бу ғалати овозни эшилдим-у, нима гап, деб кўрмоқчи бўлдим.

У бироз тинчланиб, тилга кирди:

– Мен бундай қилмаслигим керак эди. Шунчаки манови тасмада нима ёзилган экан, деб қизиққандим... Жаноб Уэйд уйига кетди...

– Тасмани бошидан қўйинг... Менинг назаримда, бу унчалик ёмон нарсага ўхшамайди.

Котиба иккиланар эди.

– Балки, шарт эмасдир... Жаноб Уэйдга бу ёқмаслиги мумкин!

– У эътиroz билдиrmайди, – мен магнитофон турган столга яқинлашдим. Қиз бироз нари сурилди. Мен магнитофонни кўздан кечирдим. – Яхши матоҳ экан.

Тасмани бироз орқага айлантиридим ва тутмани босдим. Хона яна аэропорт овозига тўлди. Мен бир неча дақиқа эшилгач, магнитофонни ўчирдим ва қизга кулиб қарадим.

Ха, мен ниҳоят Жон Хардикни топдим! Менга баҳтли тасодиф ҳамда тортинчоқ котибанинг қизиқувчанилиги ёрдам берди.

– Жаноб Уэйд энди келмайдими? – деб сўрадим.

– Йўқ, у киши бўлмайди.

– Начора, майли, уни эртага кўрарман, хайр.

Идорага қайтгач, мен стол ёнида үтириб, қалтираёт-ган қўлим билан сигарета чекдим. Ярим соатлар чамаси кутиб туришимга тўғри келди. Кўп үтмай Уэйднинг котибаси идорани ёпди ва пастга тушиб кетди. Шундан сўнг йўлак бўйлаб бизнинг қаватдаги бошқа идора ходимлари ҳам үтишди. Ойнаванд эшиклар қоп-қоронғи эди. Бутун бошли қаватда якка үзим қолдим.

Мен столга қайтиб, қулфни очадиган калитни топдим. Орадан бир дақиқалар ўтгач, Уэйд идораси эшигини очдим. Хонага кириб, атрофни кўздан кечириб чиқдим. Деворда катта пўлат сейф турарди. Мен уни очишга ҳаракат қилдим, аммо ҳаракатларим беҳуда кетди. Бошқа хонага ҳам назар солдим. У ерда стол устидаги ёзув машинкаси, стуллар ва картотекали жавон бор эди. Мен ахтарган, идорада турган нарса фақат сейфда сақланиши мумкин. Мен магнитофондан самолётлар шовқини ёзилган тасмани олиб, унинг ўрнига стол ғаладонидан олинган қандайдир бошқасини қўйдим. Шундан сўнг Уэйднинг идорасидаги чироқни үчириб, эшикни очиқ қолдирдим ва үзимнинг хонамга қайтдим. Кассетани қунт билан яхшилаб яширдим ва телефон ракамлари ёзилган китобдан Уэйднинг манзили ва телефон рақамини ахтаришга киришдим. У бу ердан унча узокда турмас, ўн дақиқалик йўл – Лоурэнс-авенюда яшар эди. Мен унинг рақамларини тердим, аммо қўнғироқларимга ҳеч ким жавоб бермади. Шу зайлда бир соатлар чамаси Уэйднинг уйига қўнғироқ килиш билан банд бўлдим, аммо ҳаракатларим беҳуда кетди. Нихоят соат тўққизлар чамасида у телефон гўшагини кўтарди.

– Хайрли оқшом, Нельсон Райан гапирияпти, – дедим мен.

– О, салом, – ҳайрон бўлди у. – Сафарингиз қандай ўтди? Яхшими? Кандай ёрдамим керак?

– Ҳаммаси жойида. Қулок солинг, Уэйд, мен идорадан гапиряпман. Эшигингиз ёнидан ўтиб кетаётгандим, у очик қолибди, чироқ ҳам ўчирилмаган. Афтидан, котибангиз беркитишни унуган кўринади. Агар истасангиз, мен дарбондан ўзининг қалити билан қулфлашни буюраман.

Уэйднинг нафаси тиқилиб қолгани эшитилиб турарди.

– Бу ғалати-ку! – деди у бироздан сўнг. – Мен, яхшиси, ўзим бориб қарайман, нима гаплигини биламан.

– Бу ўғриларнинг ишига ўхшамайди.

– Менда ўғирлайдиган ҳеч нима йўқ ўзи, магнитофон ва ёзув машинкаси бор, холос. Аммо, барибир, мен боришим керак.

– Ўзингиз биласиз, умуман, мен дарбондан илтимос қилишим мумкин эди...

– Йўқ, йўқ, ташвиш тортманг. Мен ҳозир бораман. Сира тушунмаяпман, нега котиба эшикни беркитишни унуди экан? Бундай воқеа биринчи бор рўй бериши.

– У мабодо сизни яхши кўриб қолмаганми ўзи? – деб қулдим мен. – Майли, мен кетдим.

Сухбатдан кейин мен гўшакни қўйдим ва чироқни ўчирдим. Сўнг қоронгиликда Уэйднинг идорасига кириб, котибанинг оромкурсисига яхшилаб жойлашиб олдим. Ёнимдаги стол устига тўппончанинг қулфловчи механизмини суғуриб қўйдим. Йигирма дақиқа кутгач, юқорига кўтарилаётган лифт овозини эшитдим. Мен қўлимда тўппонча билан оромкурсидан сакраб турдим ва эшик орқасига беркиндим. Уэйд хонасида қадам товушлари эшитилди ва чироқ ёнди. Эшик

тирқиши орқали Уэйд ўз хонасининг ўртасида туриб, ён-атрофга қараётганини кўрдим. Шундан сўнг у котибанинг хонасидаги эшикни очди, мени эшик орқасига қисиб қўйди. Бу ерни ҳам кўриб чиқди ва хонасига қайтиб кирди. Калитларнинг шиқирлаган товуши ҳамда эшикчанинг ғийқиллаган овози эшитилди. Мен сейфнинг очилганини тушундим. Шунда эшик орқасидан чиқдим, Уэйд сейф олдида тиззалаб, у ерда ниманидир титкилаш билан овора эди. Сейф қандайдир банка, лабораторияда ишлатиладиган шиша идиш ва бошқа кимёвий ашёлар билан тўлган эди.

– Героин ҳозир ҳам шу ердами? – дедим мен баланд овозда, эшик ортидан чиқар-чиқмас.

Уэйд ўзини йўқотиб қўйди, бир неча сония карахт бўлиб турди, кейин секин ўтирилиб менга қаради. Мен унга тўппончани намойишкорона кўрсатиб қўйдим. Уэйднинг ранги оқариб кетди ва аста-секин қаддини ростлади.

– Сиз бу ерда нима қиляпсиз? – бўғиқ овозда сўради у.

– Сейфни очишга ҳаракат қилдим, аммо ҳеч қандай натижа чиқмади, – деб жавоб бердим мен. – Шундан сўнг ўзингиз келиб, уни очишингизни сўрадим. Қани, бир чеккага ўтинг, аммо аҳмоқлик қилманг!

– Хўп... – инграб юборди Уэйд ва оромкурсига ўзини ташлаб, қўли билан юзларини беркитиб олди.

Мен сейфнинг энг ичкарисига қарадим. У ерда, банкалар ўртасида чиройли қилиб жойлаштирилган кичкина халтачалар ётарди.

– Бу ўша Жефферсон ўтираган гиёхванд моддаларми?

Уэйд ўзини орқага ташлади ва кафти билан юзидаги терни артди.

– Ҳа. Унинг менда эканлигини қаердан билдингиз?

– Жуда оддий, сиз самолётлар овози ёзилган магнит тасмасини ўчиришни унугансиз. Котибангиз қизикқани боис бу кассетада нима ёзилганини билмоқчи бўлганида, мен ҳам эшитиб қолдим. Хуллас, бу воқеа ниҳоят ўз ечимини топди.

– Мен ҳамиша унутувчан киши бўлганман... Хато қилиш керак экан, хатога йўл қўйдим. Сиз Гонконгга учмоқчи бўлганингизни айтганингизда, ишларим ёмонлашиб кетишини билдим, – у чарчаб-толиқиб менга қаради ва чуқур нафас олди. – Тергов қилишда, балки, изни оларсиз, ана шу из менгача олиб келади, деб ўйладим. Шунда сизни гумдон қилиш учун жиноятчини ёлладим. Ҳа, мен шу даражага бордим! Муваффақиятсиз чиқсан суиқасд ҳақида эшитиб, мени фош этиш, бу – вақт муаммоси эканлигини тушундим. Мен бу воқеаларга қанчалик чуқур кетмай, фақат кутишим қолди, нимага таянишим ҳам номаълум эди.

– Майли, бу сизнинг хотиржам бўлишингизга хизмат қилсин, сиз бунга деярли улгурдингиз ҳисоб. Мен Жефферсоннинг котибасидан гумонсираган эдим.

– Мен буни ҳам ҳисобга олгандим. Мана шунинг учун сизга унинг Герман билан ишқий саргузаштларини гапириб берган эдим. Мен, Гонконгда Германни топасиз ва у мени сотади, деган хавотирда эдим.

– Сиз Чжо Яннинг келишини қаердан билдингиз? – сўрадим мен.

– Ҳаммаси мен томонимдан олдиндан тайёрлаб қўйилган эди. Мен сизга дастлаб Герман тўғрисида гапириб берган эдим, аммо у билан аллақачон алоқани узганман, анчадан бери ҳеч қандай муносабатимиз йўқ, деб сизни алдаган эдим. Аслида бизни энг яхши дўсто-

на ҳис-түйғулар боғлаб турар, орамизда доимий үзаро хат ёзиш үрнатилганди, у Гонконгга кетганидан сұнг шундай бұлди. Шубҳасиз, бизни, мен ва Германни үзігі хос ришта боғлаган эди: биз ишбилармөн кишилар әмас әдік, қандай иш бошламайлик, у муқаррар ра-вишда танназзулға юз тутарди. Кейинги икки йил ичи-да менинг ишларим бутунлай орқага кетди. Мен ҳаддан зиёд пулға муҳтожлик сездім. Ана шу вактда Герман-дан навбатдаги хатни олдым, у менга йирик миқдорда-ти гиёхванд моддаларни сотиб олишни тавсия қылган эди. Герман менга ҳақиқиң ахволни билдириб, ахмок-ликка йүл қўйганини англамасди. Сұнгра хатидан анг-ладимки, у бу героинни ўз бандасидан ўғирлаб олган ва улар Германни таъқиб қилишаётган экан. Шунинг учун Герман Гонконгдан чиқиб кетолмас, у факат Чжо Янга суюниб қолган, уни ҳисобга олганди. Факат Чжо Ян Жефферсоннинг отасидан пул олиб, гиёхванд мод-дани олиб кетиши мумкин эди. Мен, Герман яхшигина қопқонга тушиб қолган бұлса керак, ундан соғ-саломат чиқиб кета олмайди, деб түппа-түғри хulosса чиқарған здим. Бу бандалар хоинлик қылганларни шафқатсиз равища жазолашини жуда яхши биламан. Айнан шу вазиятда мен барча героинларни үзимники килиб үз-лаштироқчи бўлдим, бу имконият туфайли жуда кўп пул эгаси бўлишим мумкин, деган хаёлга бордим. Шу билан бирга мен Чжо Янни ўлдиришим керак эди, бун-дан мени ҳеч нарса тұхтата олмасди. Мен жавоб хатим-да молни сотиб олишга рози эканлигимни билдиредим. Бунинг учун Чжо Ян аэропортдан түғри менинг ол-димга келиши, молни топшириши ва әвазига мендан пул олиши керак эди. Герман хотини учеб келадиган самолётнинг аниқ рейсини менга хабар қылмагач, аэ-

ропортдан маълумот олиб, ўзимни шубҳа остига қолдиришни истамадим. Мени виждонимнинг булғаниши қийнамас, мурдани қаерга яшириш мумкинлиги ҳақида ўйладим. Нихоят жасадни сизнинг идорангизга киритиб қўйдим, токи одамлар уни мижоз, деб ўйласин. Шу билан изларни чалкаштираман ва ҳеч ким мендан гумонсирамайди, деб беҳуда хаёлга бордим. Мазкур режани амалга ошириш учун сизни хитойлик аёлдан олдин идорадан узоқлаштириш керак эди. Мен бу магнитофонни олганимда, текшириб кўриш учун аэропортга борган ва учайдиган самолётларнинг овоздини ёзиб олган эдим. Мендан шубҳаланишмасин, деб аэропортга бормадим. Шунинг учун бу эски тасмадан иккаламизнинг сұхбатимизга характерли белги бўлиши учун фойдаландим. Бу Жон Хардвикнинг зудлик билан жўнаб кетиш имкониятига таянишимга сабаб бўлди, шу боис у сиз билан учраша олмади. Сиз идорадан чиқиб кетгач, мен Чжо Янни кута бошладим. Вақт эса имиллаб ўтар, назаримда, у худди тўхтаб қолгандай эди. Нихоят, у пайдо бўлди. Чжо Яннинг менга бутунлай ишониши маълум, ойдай равshan эди. У героин тобутда жойлаштирилганини хабар қилди. Мен тўсатдан Чжо Янни ўлдириш фикридан қайтмоқчи ҳам бўлдим. У шунчалар чиройли ва беғубор эдики... Аммо Чжо Ян пуллар тўғрисида гапира бошлади, бу эса менинг гумонларим, иккиланишларимни тўзитиб юборди. Мен аввалдан тайёрлаб қўйилган тўппончамни олдим-у, гўё шу пайт кимдир қўлимга туртгандай бўлиб, уни отиб ташладим! Сўнг жасадни сизнинг идорангизга олиб кириб қўйдим. Мана энди бари ортда қолди, деб ўйладим! Бу воқеа мени эзиб юборди. Мен сизнинг қайтишингизни ташвиш билан кутдим, пайдо бўлга-

нингиздан сўнг сизни кутишга менда на куч, на мадор бор эди, – Уэйднинг қўли қалтирас, менга ёлворгандек термилар эди. – Сиз энди нима қилмоқчисиз?

Мен бу титраб-қақшаб турган одамга жирканиб назар ташладим, унга раҳмим келмади. У мени қотилликда айблашга ҳаракат қилди, мени үлдириш учун қотил ёллади. Уэйд заррача раҳм-шафқат қилмай, Германнинг хотинини отиб ташлади, мен яна бир ўлим – Лайлонинг ўлимига ҳам, гарчи у билмаган бўлса-да, сабабчи эканлиги боис уни мутлақо кечиришга ҳаққим йўқ.

– Хўш, нима деб ўйлагандингиз? – дедим телефон гўшагини кўтариб. – Менимча, энди сиз ҳаммасини полиция ҳузурида айтиб беришингизга тўғри келади.

Уэйд тўсатдан сакраб, ўзини эшикка отди. Албатта, уни оёғидан отиб, тўхтатиш мумкин эди, аммо мен бундай қилмадим. Уэйд барибир узоққа кетолмайди. Энди мен Ретникнинг ташрифини кутишим ва полиция келгунича героинни қўриқлаб туришим керак...

Полициячилар Уэйдни ўзининг автомобилидан тошиди, машина кўча муюлишида турарди. У туссиз заҳарли газ ҳисобланган калий капсуласини чайнаган эди! Уэйд ҳаётдан кетишнинг энг енгил усулини топган эди.

Ретник менинг ҳикоямни нохуш кайфият билан тинглади.

– Мен қотилликнинг асл сабабларидан узоқда эканлигимни билдим, – дедим унга. – Қотилликка у ёки бу тарзда қария Жефферсоннинг котибаси аралашган, деган қатъий холосага келган эдим. Бунинг учун етарли асослар бор эди. Уэйдга дуч келганим шунчаки тасодиф. Агар Уэйд ўз вақтида магнитофон кассетасидаги

ёзувларни ўчирганида, котибаси ҳам қизиқувчан бўлмаганида, биз уни асло ушлай олмасдик.

Ретник менга сигара чекишни таклиф қилди.

– Кулоқ сол, Райан, – деди у. – Ҳамма мени, қотилни топади, деб ўйлаган эди. Энди сен эмас, мен ўз обрўйимни бир ўйлаб куришим керак. Агар сен келажақда менинг ёрдамимга кўз тикадиган бўлсанг, у ҳолда панароқда юришни маслаҳат бераман.

– О’кей, лейтенант, – дедим мен. – Аммо, эҳтиёт бўлинг, қария Жефферсонга жарангдор рекламанинг асло ҳожати йўқ. У ўғли гиёхванд моддаларга алоқадор бўлганини билишни асло хоҳламайди. Агар қариянинг ғазабини қўзитмай, десангиз, келиб чиқадиган оқибатларни ўйлаб, воқеаларни баён этишда асло меъёрдан чиқманг. Сизнинг баҳтингизга, хайриятки, Уэйд ўлган.

Лайло – менинг юрагимни ўртаган алам шу, унга ачинаман. Мен бу хитойлик қизни маъюслик билан хотирлар эканман, танҳоликда овқатланиш учун Сперроу бари томон йўл олдим...

«ЯНГИ КИТОБ» НАШРИЁТИ ҚҮЙИДАГИ  
ДЕТЕКТИВ КИТОБЛАРНИ ТУҲФА ЭТАДИ:

Жеймс Хедли Чейз  
«ДАНГИЛЛАМА ҲОВЛИДАГИ ЎЛИМ»  
Детектив саргузашт-роман



Сирли қотиллик, бир-биридан тушуниксиз гувоҳликлар, ноҳақ айловлар ва тұхмат адолат-сизликка олиб келади. Ҳаммаси оддий муштлашувдан бошланган эди, бу машмаша катта изкуварликка сабаб бұлади. Издиҳомга аёлларнинг аралашуви воқеаларни янада чигаллаشتариб юборади. Шов-шувли жиноят омма эътиборини тортади. Уни очиш учун каттагина пул тикилади. Бироқ жиноятчиларни топиши осон эмас. Бу ишни факат биргина одам утталашы мүмкін...

Ўтқир сюжетларга бой ушбу китоб детектив ишқибозларига манзур бұлади, деган умиддамиз.

Бичими: 84x108 1/32. 304 бет

Жеймс Хедли Чейз  
«ЯРИМ МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ҚИЛМИШ»  
Детектив-саргузашт роман



Шов-шувли мақола ёзмоқчи бўлган журналист Гарри Барберга пора таклиф қиласидар. У рад этади ва тұхматга учраб, панжара ортига тушади. Адолатсизлик курбонига айланган маҳбуснинг қамоқхонада дунёқарашлари ўзгариб кетади. У озодликка чиққач, иш тополмай ўғрилик қилишга мажбур бұлади. Натижада Барберни жиноий ҳамкорликка таклиф қиласидар. Пулга муҳтож Барбер қалтис ишга киришади. Бироқ ўзаро келишув асосидаги жиноят асносида ўлим юз беради ва воқеалар ўзгача тус олади.

Китобхон чинакам детектив асарларга хос саргузашлар дунёсига шўнгийди.

Бичими: 84x108 1/32. 160 бет

21.200 с.

## МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим .....	3
Иккинчи бўлим .....	77
Учинчи бўлим.....	141
Тўртинчи бўлим .....	181

---

*Адабий-бадиий нашр*

**Жеймс Чейз**

## ГОНКОНГДАН КЕЛГАН ТОБУТ

Детектив-саргузашт роман

**Муҳаррир:** Анвар Намозов

**Бадиий муҳаррир:** Ўткир Тожибоев

**Техник муҳаррир:** Иномжон Ўсаров

**Мусаххих:** Нодира Шомуродова

Нашриёт лицензияси: № AI 255, 31.12.2014.

Теришга берилди: 02.03.2020.

Босишга берилди: 20.03.2020.

Офсет қоғози. Қоғоз бичими: 84x108  $\frac{1}{32}$ .

Cambria гарнитураси. Офсет босма.

Шартли б.т.: 9,14. Ҳисоб-нашриёт т.: 10,9.

Адади: 5000 нусха.

Буюртма № 116

«Yangi kitob» нашриётида нашрга тайёрланди.

100138, Тошкент шаҳри Учтепа тумани

Чилонзор даҳаси 13-мавзе 45-уй.

**Тел.:** (+99891) 132-36-64, (+99890) 992-35-01


**e-mail:** yangikitob@mail.ru

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа

ижодий уйида чоп этилди.

100128, Тошкент шаҳри, Лабзак кӯчаси, 86 уй.





...Ну пайт бирдан эшк очилиб кетди ва хонаға икки полициячи бостириб кирди, уларнинг қулларида түппонча бор эди. Биз ўзаро муштлашиб, бутун уйни саросимага солиб кўйган эдик. Ну онда рақидим шуйкус ёнига агадарилди-ю, бирдан түппончага ёшиади. У баридир ваъда қилинган пулни ишлаб олмоқчи эди. Мен охиста тахта коккандаи двозни эшишдим ва ўқ бошимдан ошиб, деворга текканини, девор шувоги тўкилганини сездим. Полициячилардан бири унга қаратса ўқ узди, бу пайтда ўсмир түппончадан иккинчи марта отиб, мени гумдон қилмоқчи бўлган эди. Ҳар қалай, полиция нозари уз бурчани визжондан адо этди.



ISBN 978-9943-6329-6-7



9 789943 632967